“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари

«ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН»

материалы научно-практической конференции

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари

«ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН»

материалы научно-практической конференции

ТОШКЕНТ
2014

Ўзбекистон Республикаси экологик қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮУ, 2014. – 346 б.

Вопросы развития и совершенствования экологического законодательства Республики Узбекистан: материалы научно-практической конференции. – Т.: ТГЮУ, 2014. – 346 с.

Таҳрир ҳайъати: ю.ф.д.проф. **Ж.Т.Холмўминов**
ю.ф.н., доц. **Н.К.Скрипников**
ю.ф.н., доц.в.б. **М.Р.Мирзаабдуллаева**
ю.ф.н., доц.в.б. **Г.Ш.Узакова**

Тўпламда 2013 йил 18 декабр куни “Ўзбекистон Республикаси экологик қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари” мавзусида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция материаллари, мамлакатда экологик қонунчиликни ривожлантириш юзасидан илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этувчи ғоялар, таклиф-мулоҳазалар, хулосалар ўз ифодасини топган мақолалар жамланган. Хусусан, бозор муносабатлари ва экологик талабларни соҳа қонунчилигида уйғунлаштириш масалалари, давлатимиз экологик қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, аҳолининг экологик хавсизлигини таъминлаш, экология қонунчилигини кодификациялаштириш каби долзарб масалалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, тўпламда амалдаги экология соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу тўплам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, ўқитувчилар, докторантлар, магистрантлар, талабалар ҳамда экология қонунчилиги ҳолати билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Мазкур илмий-амалий конференция материаллари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан берилган **Ф1-ФА-0-20-737** “Экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳуқуқий муаммоларининг илмий-назарий таҳлили” лойиҳаси асосида тайёрланиб чоп этилмоқда.

© Тошкент давлат юридик университети, 2014 йил.

КИРИШ

Табиат билан жамият бир-бири билан ўзаро узвий алоқа ва чамбарчас боғлиқликда бўлади. Бу узвийлик, ўзаро таъсир табиатнинг умумий қонуниятларига мос келиши, ўзаро тенг мувозанатда бўлишни талаб этади. Акс ҳолда бу мувозанатнинг бузилиши салбий ҳолатларни келтириб чиқариб, тирик мавжудотнинг яшашига хавф солади. Шу сабабдан, Конституциянинг 50-моддасида табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ундан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза этиш лозимлиги алоҳида белгиланган. Худди шундай муносабат Ўзбекистон давлати олиб бораётган экологик сиёсатда, атроф-муҳитни муҳофаза этишга бағишланган қонунларда ўз ифодасини топган.

Истиқлол йилларида давлатимиз томонидан олиб борилаётган экологик сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида “экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади”, деб таъкидлаб, экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан бири эканлигини, уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқлигини алоҳида қайд этган эди.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Бугунги кунда инсоният олдида турган, ўз ечимини топиши шарт бўлган вазифалардан бири – бу бозор муносабатларини, ижтимоий сиёсатни ва экологик муносабатларни уйғунлаштириш масаласидир. Ҳозирда табиат объектларидан фойдаланишда шундай воситаларни топиш, уларни қонунларда белгилаш, амалиётга қўллаш лозимки, бу бир томондан, хўжалик фаолияти тараққиётини таъмин этсин, иккинчи томондан эса, табиатни муҳофаза қилиш муносабатларини

ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилсин. Муаммони шундай тартибда ҳал этиш керакки, бунда биринчидан, табиий ресурслардан фойдаланишда экологиянинг ҳам, иқтисоднинг ҳам манфаатлари ҳисобга олинсин; иккинчидан, уларнинг узвийлигини таъминлаш мумкин бўлмаса, устуворлик экологияга берилиши таъминлансин. Шу нуқтаи назардан экология қонунчилигининг роли ва аҳамиятини оширишда бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ишларни жадал амалга ошириш керак бўлади.

Бу борада атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган қонунларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳозирги экологик таназзул шароитида табиий ресурсларни муҳофаза қилиш бўйича муносабатларни аниқ ҳуқуқий тартибга солиш атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг ягона муҳим кафолати бўлиши мумкин. Шу сабабдан, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш хусусида фикр юритиш, янги қонунларни яратиш концепциялари тўғрисида бош қотириш масаласини орқага ташлаш, кечиктириш маълум маънода экологик муаммоларни вужудга келишига сабаб бўлиши, уни янада чуқурлаштириши мумкин.

Агар экологик қонунлар ижросини тахлил этадиган бўлсак, уларни ижроси бўйича сезиларли даражадаги оқсашни кузатиш мумкин. Бу баъзан экологик қонун ҳужжатлари талабини фуқаролар ва юридик шахслар томонидан бузилиши тарзида намоён бўлмоқда. Масалан, 2013 йилнинг 9 ойи ичида Республикамизда фауна ва флорадан фойдаланиш соҳасида 5174 та ҳуқуқбузарлик содир этилган. Ушбу ҳуқуқбузарлик учун 326 млн. 900 минг сўм жарима ва 928 млн. 900 минг сўм даъво жаримаси ундирилган. Ушбу ҳолат табиат ва унинг ресурсларига бўлган эҳтиёжни юқорилигини, бу эса ўз навбатида, экологик қонунларни бузганлик учун жавобгарлик масалаларини такомиллаштириш заруриятини кўрсатмоқда.

Шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва қонуности

ҳужжатлари ўртасида тафовутларнинг мавжудлиги, қолаверса соҳага оид амалдаги қонун ҳужжатларини амалга ошириш механизмининг оқсаётганлиги кўзга ташланмоқда.

Республика Президенти 2010 йили 12 ноябрдаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласига тўхталиб, унда атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга эътибор қаратган эди.

Таъкидлаш жоизки, экология соҳасидаги миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш йўналишида пировард натижаларга эришиш учун ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган малакали юрист кадрларни тайёрлаш талаб этилади. Айнан шу каби мақсадлар кўзланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1990-сон қарорига мувофиқ, Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, шу асосда юридик таълим тизимининг фундаментал негизини тубдан қилиш ва яхшилашнинг пойдевори яратилди. Шу ўринда ўтказилган ислоҳотлар натижасида Университетимиз таълим тизимида дастлабки сифат ўзгаришларига эришдик. Хусусан, таълимни амалиёт билан боғлаб олиб бориш, дарс жараёнларида илғор педагогик усулларни қўллаш, замонавий техника ёрдамида машғулотларни олиб бориш, амалиётчи мутахасисларни дарсларга жалб этиш каби тадбирлар шулар жумласидандир. Айниқса, ўқув дастурларига замон талабидан келиб чиқиб янги, замонавий ҳуқуқ соҳаларига оид фанларнинг киритилиши, хусусан “Энергетика ҳуқуқи”, “Трансчегаравий сувлар ва атроф муҳит халқаро ҳуқуқи” каби фанларни ўқув жараёнига жорий этилиши бу борадаги сайъи ҳаракатларга мисол бўла олади.

Ҳали олдимизда бажарилиши зарур бўлган кўплаб вазифалар бор. Юридик таълим ва юридик фанни такомиллаштириш, бу соҳада олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларини самарали, амалий аҳамиятли бўлишига эришиш асосий мақсадларимиздан биридир. Қонунларни такомиллаштириш, уларни амалиётда қўллаш механизмини мукаммаллаштириш, пировард натижада қонун устуворлигини жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилсин.

Сўзимни якунида алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдимки, экологик қонунчиликни такомиллаштирилиши бизни ўраб турган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга, уни соғломлаштиришга, аҳоли учун қулай табиий муҳит яратишга, республикамиз фуқароларининг қулай табиий муҳитга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга, умуман олганда ҳозирги ва келажак авлод учун она табиатни асрашга хизмат қилади.

Есемурат Султамуратович Каньязов
Тошкент давлат юридик университети ректори

Борий Алихонов
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Маълумки, ҳар қандай давлат тараққиёти уч асосий тамойилга бевосита ва билвосита боғлиқдир. Булар: **иқтисодий ўсиш, ижтимоий ҳимоя ва экологик хавфсизлик.** Иқтисодий ўсишсиз ижтимоий ҳимояга эришиш мушкул албатта. Лекин экологик хавфсизлик таъминланмаган ҳар қандай давлатда иқтисодий жиҳатдан ўсиш ҳам, кучли ижтимоий ҳимоя ҳам етарли самара бермаслиги мумкин. Ана шунинг учун ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ ана шу учта тамойилга асосланган тараққиёт йўлиданоқ борилаётганини бугун алоҳида эътироф этмоқ жоиз бўлади.

Бу борада мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ кучли, узоқни кўзланган сиёсат амалга оширилаётганлигини бугун нафақат ўзбекистонликлар ҳис этиб турибди, балки, жаҳондаги ривожланган давлатларда, халқаро ташкилотлар томонидан ҳам очиқ эътироф этилмокда.

Ўтган қисқа давр мобайнида атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Конституциямизда белгилаб берилган ҳуқуқий нормалар асосида мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик сиёсат юритиб келинмокда.

Бугунги кунда республикамизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни

таъминлаш бўйича 20 дан ортиқ муҳим қонунлар ва юзлаб қонуности норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, мустақилликнинг илк даврларидаги биринчи яхлит ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг бундан қарийб 21 йил аввал қабул қилинган **“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни,** бугунги кундаги мамлакатимиз экологик сиёсатининг барча экологик ҳуқуқий муносабатлари ва ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техник механизмларини ўзида тўлиқ қамраб ололмайди, албатта.

Шу туфайли ҳозирги вақтда мазкур қонунни янги таҳрирда қабул қилиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иктисодий замин ва зарурат етилди. Кузда тутилаётган янги таҳрирдаги Қонунда:

атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни, шахс, жамият ва давлатнинг экологик хавфсизлигини таъминлашнинг тамойиллари ва меъёрларини аниқлаштириш;

табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган экологик чора-тадбирларни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини белгилаш;

атроф муҳит муҳофазаси борасида махсус ваколатли давлат органлари, давлат хокимияти ва бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

экологик ҳуқуқ тартиботга қатъий амал қилинишини таъминлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш ва аниқлаш механизмларини ҳамда экологик ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарни қоплаш бўйича қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралар тизимини такомиллаштириш

каби вазифаларни белгиловчи нормалар ўз аксини топиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Атроф табиий муҳитни сақлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш ва экологик хавфсизликни таъминловчи самарали ҳуқуқий механизмни яратиш, экологик ҳуқуқбузарликлар учун тегишли жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, экологик муаммоларни ҳал этишга жамоатчиликнинг барча қатламларини кенг жалб қилиш атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳадаги асосий вазифалардан ҳисобланиб, унинг асосий йуналишлари:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун хужжатлари нормалари ҳамда бошқа соҳалардаги ҳуқуқий нормалар ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этиш;

иккинчидан, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини тўлақонли қўллаш учун зарур бўлган қонуности норматив ҳуқуқий хужжатларни қабул қилиш орқали қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат стандартлари тизимини такомиллаштириш, мамлакатнинг ҳуқуқий тизимида атроф муҳитга техноген таъсирни камайтиришни таъминловчи халкаро экологик стандартларни жорий этиш;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг халкаро шартномалари бўйича мажбуриятлари доирасида, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига халкаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий принципларини ва ижро механизмларини уйғунлаштириш;

бешинчидан, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида аҳоли, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва давлат манфаатлари ўртасидаги низоларни

ҳал этишнинг суд механизмларини ривожлантириш ва фаоллаштиришни таъминлашдан иборатдир.

Мазкур йўналишларни амалга оширишда асосий қадам сифатида муҳтарам Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам экологик муаммолар тобора глобаллашаётган бир даврда соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этаётганлигига алоҳида эътибор қаратиб, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш фурсати етганлигини таъкидлаганлиги бунга ёрқин мисол бўлади. Шундан келиб чиқиб, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари томонидан “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва у жорий йилнинг 12 ноябрь куни Қонунчилик палатаси томонидан ҳамда 12 декабрь куни Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланди.

“Экологик назорат тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини йўлга қўйиш имконини беради. Мазкур хужжат атроф муҳитни муҳофаза қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бошқа фуқаролик жамиятлари институтлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб, аҳолининг экологик маданиятини ва бу борадаги масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Маълумки, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан ҳамда ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида алоҳида қонунлар мавжуд.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, **биринчидан,** қонунчиликда ушбу ресурслардан оқилона фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилмаган; **иккинчидан,** ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан

фойдаланиш тартибини белгилайдиган ҳар иккала қонуннинг ўнлаб моддалари декларатив ва ҳаволаки характерга эга; **учинчидан,** жисмоний ва юридик шахслар томонидан ушбу ресурслардан фойдаланишнинг институционал ва процессуал тартиби белгиланмаган; **тўртинчидан,** биологик ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий механизми кўрсатилмаган; **бешинчидан,** табиатдан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи чоралар тартиботи аниқ белгиланмагандир.

Шу билан бир каторда, **Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонунига**, атроф муҳитни ифлослантириш орқали аҳоли саломатлигига хавф туғдирувчи биологик ва тиббий чиқиндиларни утилизациялаш масалаларини кўзда тутувчи моддани киритиш зарурдир. Маълумки, ҳозирги вақтда атроф муҳитнинг биологик ифлосланиши орқали инсонга юқумли касалликларнинг юқиши хавфини келтириб чиқарувчи тиббий ва бошқа биологик турдаги чиқиндиларнинг ҳажми ортиб бормоқда. Бир маротаба фойдаланиладиган асбоб ва анжомлар (шприцлар, суюқлик қуйиш системалари, тиббий қўлқоплар, микробиологик таҳлилларни амалга ошириш учун бир маротаба ишлатиладиган тайёр анжомлар)нинг кенг қўлланилиши билан мазкур масаланинг ўта долзарблиги ортади, хавфсизликнинг халкаро талабларига амал қилган ҳолда уларнинг утилизациясида автоклавлаш, ёқиш ёки қўмиш каби тегишли усулларни амалга ошириш учун қонунчилик асосини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Халқаро санитар-гигиеник ва санитар-эпидемиологик талабларнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Қонунига ҳам қўшимча ва ўзгартишлар киритиш зарурати вужудга келмокда. Ҳозирги кунда аҳолининг кундалик шахсий ва маиший эҳтиёжлари учуй зарур бўлган хилма-хил маҳсулотларнинг импорт ва экспорт қилиниши ортганлиги кузатилмокда. Сўнгги вақтда

инфекцион касалликларининг кенг тарқалиши хавфини кучайтирувчи, аҳолининг турли характердаги (хизмат сафари, таълим олиш, меҳнат сайёҳлик ва бошқалар) миграция даражаси ҳам ошмоқда. Туризмнинг ривожланиши ўз навбатида, турли хил хизмат кўрсатиш соҳаси ва умумий овқатланиш муассасалари фаолиятида замонавий халқаро талаблар ва стандартларнинг жорий қилиниши билан бирга, меъёрлар ва қоидаларга амал қилиниши юзасидан санитария назоратини самаралироқ олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш меъёр ва талабларига риоя этмаслик, табиий ресурслардан фойдаланиш шартларини ва тартибини бузганлик, аҳолининг маҳсулот(хизмат)ларнинг экологик хавфсизлиги талабларини бажармаслик ва атроф табиий муҳитга зарар етказганлик ҳолатлари учун жиноий, маъмурий, интизомий, фуқаролик жавобгарликлар назарла тутилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг **“Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексида,** атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида 39 таркибдаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи махсус боб ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси **Жиноят кодексининг** “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар” номли XIV бобида 12 таркибдаги экологик жиноятлар ва “Бошқарув тартибига қараши жиноятлар” номли XV бобида битта таркибдаги жиноят белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида экологик ҳуқуқбузарликлар айрим турлари учун жавобгарликни белгилаш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексида қуйидаги экологик ҳуқуқбузарлик учун:

табиатни муҳофаза қилишга қўйиладиган стандартлар, меъёрлар, қоидалар ва бошқа меъёрий-техник талабларни бузганлик;

табиий ресурслардан фойдаланганлик, ифлослантирувчи моддаларни ташлаганлик ва чиқарганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик учун белгиланган тўловлардан бош тортганлик;

табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини бажармаслик каби холатлар учун юридик жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ булади деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида эса давлатнинг экологик-ҳуқуқий сиёсати йўналишларини ҳамда экологик қонунчиликнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб, экологик жиноятлар тизимини уч гуруҳга, яъни:

1. атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги;

2. табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги;

3. экологик хавфсизлик соҳасидаги жиноятларга таснифлаш экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликларни тўлиқ қамраб олиш имкониятини беради.

Республиканинг табиий иқлим шароитини, экологик конунчилик норма ва талабларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жиноят таркибларини белгиловчи қуйидаги, яъни:

саноат ва маиший чиқиндиларни жойлаштириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик;

давлат экологик экспертизаси талабларини бажармаслик;

табиий, жумладан, биологик ресурслардан (оммавий нобуд бўлишига олиб келувчи восита ва қуролларини қўллаган ҳолда, масалан, балиқ овлаш учун “электр-қармоқ”, ўрмонларни кесиш, ҳайвонларни кимёвий заҳарлаш ва бошқалар) меъёрдан ортиқ ва хўжасизларча фойдаланганлик учун жавобгарликни белгилаб берувчи янги моддаларни киритиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли конференция иштирокчилари,

Таъкидлаш жоизки, у ёки бу даражада **экологик** характердаги муносабатлар белгиланган катта кўламдаги, ўзаро узвий боғлиқ

қонунчилик ҳужжатлари билан ишлаш шароитида, уларни **босқичма – боскич кодификациялаш** муаммоси юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсати қонунчилиги асосларининг ҳозирги кундаги ҳолати, янги комплекс характердаги умумлаштирилган бош кодификациялашган ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишни тақозо этади.

Худди шунинг учун ҳам экологик қонунчиликни кодификациялаш жараёни кунидаги босқичларда ўтиши зарур:

1-боскичда – янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

2-боскичда – Ўзбекистон Республикасининг Экологик кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Экологик кодексни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш даврида қуйидаги масалаларга эътиборни қаратиш зарур:

биринчидан, Экологик Кодекс – бу, жамият ва табиат ўзаро муносабатларининг барча йўналишларида умумий ҳамда ўзига хос меъёр ва талабларни белгилаб берувчи, экологик муаммоларни ҳал қилиш учун барча экологик ҳуқуқ институтларини бирлаштирувчи, ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатда тартибга солинган бевосита таъсир этувчи қонунлар мажмуи ҳисобланади;

иккинчидан, Экологик Кодексни ишлаб чикиш – илмий-амалий жиҳатдан асослаш ҳамда экологик чора-тадбирларни рўёбга чиқаришнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратишни талаб этувчи мураккаб ҳуқуқий ижодий жараёндан иборат;

учинчидан, Экологик Кодекс меъёр ва талабларини қўллаш самарадорлигини, нафақат бошқарув органларининг, махсус ваколатли давлат органларининг фаолиятига, балки фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши, жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экология муаммоларни ҳал этишдаги кенг иштирокига бевосита боғлиқ бўлади

Ҳурматли анжуман иштирокчилари,

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги муносабатларни тартибга солувчи экологик қонунчиликни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мамлакатимизда атроф муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойлаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш орқали, иқтисодиётимизни янада юксалтиришни барқарор ривожланиш принциплари билан уйғунлашган ҳолда олиб боришга хизмат қилади.

Узоқ Бозорович Бозоров
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси,
юридик фанлар номзоди, доцент

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Шу кунларда фуқароларимиз давлатимизнинг асосий қонуни – мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигини муносиб кутиб олмоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Конституция истиқлол маҳсули, шу билан бирга уни ҳимоя қилувчи қалқон, жамиятимизнинг асосий ҳуқуқий пойдевори ҳисобланади. Энг муҳими, Конституция туфайли Ўзбекистон Республикаси янги суверен демократик давлат сифатида дунё сиёсий харитасида муносиб ўрин эгаллади.

Конституциянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда давлатнинг қиёфаси, жамиятнинг хусусияти яққол ўз ифодасини топади, ҳаётимизнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизими демократик тамойилларга асослангани, умуминсоний қадриятларнинг улуғланаётгани, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари нечоғлиқ кафолатлангани ҳамда ҳимоя қилинаётгани кўриниб туради.

Конституциямиз давлат халқ иродасини ифода этишини, унинг манфаатларига хизмат қилишини, давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи Ўзбекистон халқи эканлигини белгилаб берди. Давлат

ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципини ўзида мустаҳкамлади. Ҳар қандай демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарти бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантирди.

Конституция қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Конституциямизнинг асосий хусусиятларини таърифлар экан, шундай деган эди: “Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда “фуқаро – жамият – давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик”[1]. Бошқача қилиб айтганда Конституцияда инсон манфаатларининг устунлиги ғояси ўз ифодасини топди. Бу ғоя Конституциянинг бутун мазмунига сингдирилгандир.

Конституцияни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги масалаларни ҳал қилиб берувчи бошқа хамма қонунлар, шу жумладан, махсус қонунлар тизимини ташкил этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик манбаи десак, адашмаймиз. Жамият ҳаётида пайдо бўладиган турли ижтимоий муносабатлар қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Шу жумладан, ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг асосий мақсади биринчидан, барча ижтимоий муносабатлар қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилиши, иккинчидан, барча шахсларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглиги, учинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхона, ташкилот, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонун талабларига қатъий итоат қилиши ва бажаришини тақозо этади.

Шу масалага алоҳида тўхталиш лозимки, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 124 б.

аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда миллий қонунчиликнинг пойдевори ҳисобланган Конституциямизнинг ўрни беқиёсдир. Асосий Қонунимиз давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ, эркинликларини кафолатлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими, ижтимоий адолат, миллий хавфсизлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлашда дастуруламал бўлди.

Шунинг билан бир қаторда Конституциямизда давлат экологик сиёсатини олиб бориш тамойиллари, асосий экологик қоида талаблар белгиланган бўлиб, кенг қамровли ижтимоий экологик масалаларни ҳал қилишда у ўзига хос аҳамият касб этади.

Атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг конституциявий асосларини икки қисмга бўлиш мумкин:

1. Умумумий аҳамиятга эга бўлган қоида талаблар.
2. Махсус экологик қоида талаблар.

Табиат ва жамият тизимидаги ўзаро экологик муносабатларни тартибга солиш, яъни жамият эҳтиёжини қондириш мақсадида ер, сув, ўрмон, ҳайвонот дунёси ва бошқа табиат объектларидан фойдаланиш қоида талабларини белгилаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштиришда умумий аҳамиятдаги қоида-талабларнинг алоҳида ўрни бор.

Албатта, экологик муаммоларни жамиятнинг барча жабҳаларини, давлат ва ҳуқуқнинг восита ва чора-тадбирларини сафарбар қилиш орқалигина ҳал этиш мумкин.

Асосий қонунимизнинг давлат ҳокимиятининг ташкил этилишига бағишланган бешинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари алоҳида мустаҳкамланган бўлиб, ўз навбатида экологик ҳуқуқий механизмнинг шаклланиши ва қўлланилишида муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Конституциямизнинг 78-моддасига мувофиқ бошқа соҳалардаги қонунлар қаторида экологик қонун ҳужжатларни

қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш; ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш; Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш каби ваколатларга эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатига сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мутлақ ваколатига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботларини эшитиш киритилган. Ушбу конституциявий нормалар махсус экологик қоидаларни белгиламаса-да, экологик жараёнларни бошқариш, экологик ҳуқуқий механизмни йўлга қуйиш, ижтимоий иқтисодий тадбирларни амалга оширишда ва энг муҳими, экологик муаммоларни ҳал қилишда барча вазирлик, давлат қўмитаси, идоралар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, Конституциямизда шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маъданий-маърифий соҳалардаги вазифалари мустаккамланган бўлиб, булар ўз навбатида экологик ҳуқуқий механизмни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Давлатимизнинг асосий қонунида табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ жараёнларни бевосита тартибга солаишга қаратилган махсус экологик қоида талаблар ҳам белгиланган.

Ушбу махсус экологик қоида талаблар тизимини қуйидаги қисмларга бўлиш мумкин:

фуқароларнинг экологик мажбуриятлари (50-модда);

мулкдор, яъни хўжалик фаолиятини юритаётган субъектларга қўйиладиган экологик талаблар (50-модда);

давлат экологик сиёсатининг асосий тамойилларини белгиловчи қоидалар (55-модда);

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экологик ваколатлари (100-модда).

Конституциямизнинг 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” – деб, фуқароларнинг экологик мажбуриятларини конституция даражасида мустаҳкамланган.

Қомусимизнинг 54-моддасига биноан “Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт”.

Конституциянинг 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур”лиги мустаҳкамланган бўлиб, у давлат экологик сиёсатининг асосий тамойилларини ўз ичига олади. Ушбу конституциявий қоиданинг аҳамияти шундаки, биринчидан, мустақиллигимизни моддий асосини ташкил этувчи табиий бойликларининг халқимизнинг бойлиги, мулки эканлиги, иккинчидан, табиий ресурслардан фақат оқилона фойдаланиш зарурлиги, учинчидан, республикамиз табиати давлат муҳофазасига олинганлиги, яъни экологик-ҳуқуқий муносабатларни давлат томонидан кафолатланиши каби муҳим тамойилларни мустаҳкамлайди.

Асосий қонунимизнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ҳолати белгиланган 100-моддасида маҳаллий

давлат ҳокимият органлари ваколатларининг асосий йўналиши сифатида – атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳам эътироф этилган.

Мазкур Конституциявий нормаларнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, иқтисодиётимизнинг моддий асосини ташкил этувчи табиий бойликлар халқимизнинг бойлиги, мулки эканлиги, иккинчидан табиий ресурслардан фақат оқилона, яъни махсус қоида талаблар асосида фойдаланиш зарурлиги, учинчидан, республикамиз табиати давлат муҳофазасига олинганлиги, яъни экологик ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан кафолатланиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида атроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф қилди. Мазкур қонуннинг умумхалқ муҳокамасида 3 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушганлиги, хорижий тажриба ўрганилганлигини, шу масалага бағишланган жойларда кўплаб семинар ва конференциялар ташкил этилганлигини таъкидлаш лозим.

Алоҳида тўхталиб ўтиш лозимки, бугунги кунда экологик қонунчилик ҳужжатлари тизими шаклланди, ўнлаб махсус ваколатли давлат органлари экология соҳасида бошқарув ва назорат фаолиятини олиб бормоқда. Лекин экологик ҳуқуқий механизм шаклланмаганлиги, экологик қоида-талабларга жисмоний ва юридик шахслар томонидан амал қилмаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Экологик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг қўлланиш самарадорлигини ошириш учун фикримизча куйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий

маънавий-маърифий соҳаларни қамраб олган давлат экологик сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш муҳим.

2. Экология соҳасидаги қонунчилик механизмини янада самарали ташкил этиш учун юқорида кўрсатилган концепция асосида Сув кодекси, Ер ости бойликлари кодекси, “Экологик хавфли ресурслар тўғрисида”, “Экологик зарарни қоплаш тўғрисида”ги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

3. Экологик ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мақсадида экологик ҳуқуқий таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, экологик ҳуқуқий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини барча таълим муассасалари ўқув жараенига сингдириш орқали амалга ошириш лозим.

Содиржон Жакбаров
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати

ЎСИМЛИК ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумки, ўсимлик дунёси тирик табиат занжирининг ажралмас бўлаги ҳисобланиб, табиатда кечаётган ўзгаришларга ўта сезгир ҳисобланади ҳамда барчи тирик организмлар, шу жумладан инсон учун озуқа базасини ўтайди Барча оргнизмлардан фақат ўсимликлар ва фотосинтиезга мойил бактериялар ўзида Қуёш энергияни жамлаш ҳусусиятига эга бўлиб, ноорганик моддалардан органик моддаларни ҳосил қилади, атмосферадан углерод оксидини ютиб, кислород ажратиб чиқаради. Миллион йиллар давомида ўсимликларнинг ҳаёт фаолияти натижасида нафас олиш учун яроқли кислородга бой атмосфера вужудга келган.

Ер юзасидаги ўсимликлар даштликларни, яйловларни, ўрмонларни, Ернинг ландшафтларни ҳосил қилиб, хилма-хил тирик

организмларнинг яшаши учун муҳит яратади. Ўсимликлар ёрдамида Ер юзасининг унумдор тупроқ қатлами вужудга келади.

Табиатни Муҳофаза қилиш Халқаро Жамиятининг маълумотларига кўра, 2010 йилнинг бошига Ер юзида 320 мингдан ортиқ ўсимликлар ҳисобга олиниб, улардан 280 мингга яқини гулдошларни, 1 минг таси уруғлайдиган ўсимликларни, 16 мингга яқини замбуруғларни, 12 мингга яқини олий тоифага мансуб (йўйсимонлар, қирққулоқсимонлар (папортниклар), нинабаргли ўсимликларни ташкил қилади.

Ўсимликларни қайта ишлаш натижасида инсон улардан турли эфир ёғларни, бўёқ ва бошқа маҳсулотларни ажратиб олмоқда, ўсимликлар “яшил аптека” вазифасини бажариб, ҳисоб-китобларга кўра, медецина соҳасида улардан 20 мингдан ортиқ доривор моддалар, турли витаминлар ва гален перпаратлари ишлаб чиқаришда фойдаланмоқда.

Мустақиллик йилларида жамиятимиз тараққиётини янги сифат босқичларига олиб чиқувчи қатор фундаментал асосланган ва стратегик қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиб, халқаро ҳуқуқий тажрибаларни, замонавий илм-фан ва технология ютуқларини инобатга олган ҳода экологик қонунчиликнинг мукаммал тизимини шакллантириш миллий хавфсизлигини таъминлашнинг устувор ва зарурий шартларидан бири сифатида, биологик ресурсларни, шу жумладан табиий ўсимлик жамоаларини, улар ўсадиган муҳитнинг бир бутлигини, ёввойи ўсимлик турлари жамоалари таркибини ва генетик фондини сақлаб қолиш ва қайта тиклаш бўйича маълум тажриба тўпланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган бўлиб, давлат **ўрмон фондидан ташқари ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш масалалари Ер ва Шаҳарсозлик кодекслари,**

“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Маданий меърос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги, “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар билан ҳам тартибга солинмоқда.

Айни вақтида мамлакатнинг давлат ўрмон фондидаги ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби масалалари Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги Қонунида белгиланган.

Ўзбекистоннинг ўрмон фонди майдонлари 9,12 млн. гектарни ташкил қилиб, шундан ўрмон билан қопланган майдонлар 2,8 млн. гектарни эгаллайди, ҳудудларнинг ўрмонлаштирилганлиги 6,2 фоизни ташкил этади.Илмий маълумотларга кўра, Ўзбекистон флорасини 4500 дан зиёд ўсимлик турлари ташкил этади, улардан 3000 дан ортиғи ёввойи ҳолда ўсувчи, олий ўсимликлар турига киради, шундан 9 фоизи эндемик турлар ҳисобланади. Ушбу ўсимлик турларнинг умумий сонидан 324 таси (305 та – 2006 й.), камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги тур сифатида Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

Амалдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун нормаларининг амалиётда қўлланилиши таҳлили, амалдаги қонунчиликнинг хозирги кундаги ривожланиши ва Ўзбекистон қўшилган халқаро шатномаларнинг талаблари ҳам мазкур Қонунни янги ҳуқуқий нормалар билан тўлдириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўсимлик объектларидан фойдаланиш масалаларининг тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги билан боғлиқ ҳолда, доривор, озиқ-овқат боп ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турларини ва техник хомашё сифатидаги ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш, декоратив

турларини теришда ўсимлик дунёси объектларидан меъёр даражасида фойдаланмаслик; улар ўсадиган муҳитнинг бир бутлигини бузишлиши; ўсимликларни инсон томонидан киритилган бегона турлар билан сиқиб чиқарилиши турлар камайишининг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Қонун тузилмасини барча масалалар бўйича чуқур қайта кўриб чиқиш, ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали такомиллаштириш, ушбу қонунни қўлланиш соҳасини, на фақат ўрмон фонди ўсимликларини, балки ўрмон фондидан ташқари ўсимликларни, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ўсимликларини муҳофаза қилиш, фойдаланиш ва такрор етиштиришни; Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимликлардан фойдаланишни; замонавий биотехнологияларни қўллаган ҳолда гени ўзгартирилган организмларни (ўсимликларни) яратиш ва табиий муҳитга киритиш билан боғлиқ илмий изланишларни ўтказишни, алоҳида турдаги (заҳарли, таркибида наркотик моддалар бўлган, карантиндаги, бегона ўтлар ва бошқаларни) ёввойи ўсимликларни тарқалишини бошқаришни, алоҳида тоифадаги ерлардаги ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш масалаларини тартибга солувчи махсус янги нормаларни қабул қилиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ер участкаларидан фойдаланувчилар (эгалик қилувчилар)нинг ва сув объектларидан фойдаланувчиларнинг ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини ва ҳуқуқларининг тикланишини кафолатини таъминловчи, шунингдек ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш масалаларидаги низоларни ҳал этилишини тартибга солувчи қонуний нормаларини белгилаш лозим.

Амалдаги Қонунда тегишли нормалар белгиланмаганлигини ҳисобга олиб, фуқароларнинг ҳаётини ва саломатлигини ҳимоя қилиш, эндемик, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини, алоҳада табиий объектларини, ўсимликларни

зараркунандалардан, касалликлардан ва уларни бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш мақсадида, янги қонун лойиҳасининг таҳририда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва такрор етиштириш соҳасидаги чеклаш ва тақиқлашларни, ер участкаларидан фойдаланувчиларнинг ва сув объектларидан фойдаланувчиларнинг ўсимлик дунёси объектларини такрор етиштириш тадбирларини ўтказишларини кўзда тутувчи нормаларни киритиш зарур.

Барча ўсимлик жамоаларининг турлар хилма-хиллигини, шунингдек илмий ёки амалий жиҳатдан ноёб ҳислатларини сақлаб қолиш мақсадида, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда ўсувчи ўсимликларни, эндемик, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турларини муҳофаза қилиш, ўсимликлар генетик фондини муҳофаза қилиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда ўсимлик дунёсини ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлардан ташкил топган ўсимлик жамоалари ўсадиган муҳитни бир бутунлиги муҳофаза қилиш бўйича қонун нормаларни янада батафсилроқ бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва такрор етиштиришнинг иқтисодий механизми табиатдан фойдаланиш иқтисодий механизмининг таркибий қисми ҳисобланиб, амалдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда инобатга олинмаган. Ўсимлик дунёси муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва такрор етиштиришнинг иқтисодий механизми: ўсимлик дунёсидан махсус фойдаланганлик учун тўловларни; ўсимлик дунёси объектларига шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш ёки нобуд қилиш натижасида етказилган зарарни қопланишини, ўсимлик дунёси объектларидан самарали фойдаланишни ва такрор етиштиришни иқтисодий

рағбатлантиришни ўз ичига олиб, улар ҳам қонун нормаларида аниқ тартибга солиниши лозим.

Қонунда, ўсимлик дунёси муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш меъёрини ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш лимитларини (квоталарини) белгилаш соҳасидаги меъёрлаштиришнинг қонуний нормалари белгилаб қўйилиши керак.

Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги назоратни амалга ошириш турларини, давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назоратининг роли ва ўрнини белгиловчи қонун нормаларини киритилиши, назорат самарадорлигини оширишни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фуқароларнинг ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш масалаларини ҳал қилишда фаол иштирок этишларини таъминлайди.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги қонун талабларини бузганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг масъулиятини ошириш ҳамда қонунийликни таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг аниқ турларини, табиий муҳитдан ноқонуний олинган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар ва уларнинг қисмлари билан муомалада бўлиш тартибини, шунингдек ўсимлик дунёси объектлари билан боғлиқ низоларни ҳал этишнинг қонуний нормаларини белгилаш зарур.

Шу билан биргаликда, аксарият ҳолларда халқаро конвенцияларнинг нормалари табиатни муҳофаза қилиш миллий қонунчилигида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунида ҳам аниқ тартибга солиб борилишини талаб этади. Шу нуқтаи назардан, ёввойи ҳолда ўсувчи, шу жумладан Халқаро Қизил китобга ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган ўсимликларни ва уларнинг қисмларини, ботаник коллецияларни, Йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флора турлари

билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция (CITES)нинг I, II ва III-иловаларига киритилган ўсимлик турларининг намуналарини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга рухсат бериш тартибини белгиловчи қонун нормаларини белгилаш керак.

Юқорида келтирилган асосларга кўра, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари томонидан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон томонидан имхзоланган халқаро конвенцияларнинг қоидалари, ҳукуматлараро битимлар ўрганилди. Европа Иттифоқининг ўсимликларни сақлаш Стратегияси ҳамда ёввойи флора ва фаунанинг табиий яшаш ареалларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Дерективаси, Европа Парламент ва Иттифоқининг атроф муҳитни жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш тўғрисидаги Дерективаси, шунингдек Беларусь Республикасининг, Украинанинг, Россия Федерациясининг, Арманистон Республикасининг, шунингдек Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Япония каби давлатларнинг қонунчилик тажрибаси ва амалиётидан фойдаланилди.

Янги таҳриридаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қабул қилишдан асосий мақсад, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва такрор етиштириш соҳасидаги қуйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали:

табиатни муҳофаза қилиш миллий қонунчилигини экология, табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига мувофиқлаштириш орқали, биологик хилма-хилликнинг таркибий қисми сифатида, флоранинг

таркибий турларини ва унинг генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш;

ёввойи организмлардан ташкил топган табиий ўсимлик жамоалари ва мажмуаларини, уларнинг табиий ҳолда ўсиш жойлари бир бутлигини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар популяцияси турларини сақлаб қолиш ва қайта тиклаш;

ўсимлик дунёси объектлари турларининг қисқариши ёки йўқолиб боришини олдини олиш ва сабабларини бартараф этишни, ўсимлик дунёси объектларидан самарали ва илмий асосланган ҳолда фойдаланишни ва такрор етиштиришни таъминлаш;

атроф муҳитнинг ифлосланишини ўсимликлар мажмуаларини сифатини сақлаб қолишга ўта салбий таъсир оқибатларини олдини олиш;

гени ўзгартилган организмлардан фойдаланишда ўсимлик дунёсига салбий таъсирни чеклаш ва экологик мувозанатнинг бузулиши хавфини камайтириш;

ёввойи ўсимликлар ва уларнинг қисмларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва олиб чиқиш соҳасидаги муносабатларни ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёси объектларини, шу жумладан ўсимликларнинг генетик ресурсларини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва такрор етиштириш фаолиятларини ҳуқуқий тартибга солишдан иборат.

Ижтимоийи-иқтисодий, ҳуқуқий ва экологик нуқтаи назардан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши, ўсимлик дунёсини ва унинг генетик фондини сақлаш ҳамда ундан фойдаланишни қонуний тартибга солиш, ўсимлик ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий, шу жумладан рағбатлантирувчи механизмларини тадбиқ этиш, давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назоратининг самарали тизимини яратиш орқали мамлакатимизнинг бой биологик хилма-

хиллигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш имконини беради.

Ўктам Отақулов
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати

ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Жамиятда ва инсон фаолиятида табиатни ривожланиш қонуниятларини билиш, хўжалик фаолиятини оқилона ташкил этиш ва бошқаришда, уни ҳисобга олиш ҳамда унга амал қилиш ҳар бир минтақадаги экологик ҳолатнинг энг муҳим кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади ва экологик зарарли фаолиятга йўл қўймаслик учун хизмат қилади. Бу эса атроф муҳит муҳофазаси бўйича тадбирларни режалаштиришда, атроф муҳитга бўлган инсон таъсирнинг аниқ меъёрларини белгилашда, ҳудудларни экологик районлаштиришда, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий воситаларини қўллашда, экологик экспертиза ўтказишда, экологик сертификатлаш ва стандартлаштиришда, экологик тоза, чиқиндисиз (кам чиқитли) технологияларни жорий этишда, қайта тикланувчи энергия манбааларидан фойдаланишда ва бошқа соҳаларда ҳуқуқий механизмларни татбиқ этиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Фақат табиий экологик тизимни муҳофаза қилиш, атроф муҳит ҳолатини ва сифатини белгилаб қўйилган талаблар даражасида сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш шароитидагина Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини, миллий хавфсизликнинг бир қисми бўлган экологик хавфсизликни, аҳолининг юқори даражада турмуш кечириши ва саломатлигини таъминлаш мумкин. Бу жараённи тўғри йўналтириб боришда юзага келадиган мураккаб экологик-ҳуқуқий муносабатларни ҳал этишда эса қонунчилик

ҳужжатларининг роли ва аҳамияти жуда катта бўлиб, бу экологик қонунчиликни босқичма-босқич такомиллаштиришга йўналтирилган давлат экологик сиёсати билан бевосита боғлиқдир. Айни пайтда мамлакатимизда атроф муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасида 20 дан ортиқ муҳим қонунлар, юзлаб қонуности меърий ҳужжатлар қабул қилинган.

Бироқ, бу соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини яхлит тарзда ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этмоқда яъни соғлом атроф муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг янада муҳим вазифасига айланиши лозим.

Мустақиллик йилларида республикамизда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши мамлакат тараққиёти, аҳоли турмуш фаровонлигининг юқори даражага етишини таъминламоқда.

Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ ислоҳатларининг устувор йўналишларини комплекс равишда қонунчилик йўли билан таъминлашни, амалга оширишда, кучли фуқоролик жамиятини шакллантиришда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда мамалакатимизнинг амалдаги қонунлари ижросини таъминлашга қаратилган самарали фаолиятини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Экологик қонунчиликни муайян тизимлаштириш ва уни босқичма-босқич кодификациялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсати қонунчилиги асосларининг ҳозирги кундаги ҳолати, янги комплекс характердаги умумлаштирилган бош кодификациялаш актини қабул қилиш ҳамда экологик қонунчиликни кодификациялаш жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Экология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинаётган қонунларни янада такомиллаштириш, ўзоро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш ҳамда умумдавлат ва худудий манфаатларнинг мутаносиблиги ва келишилганлиги таъминлаш учун биринчи навбатда қуйидаги ишларга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Биринчидан, бунда асосий талаблар-экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда бўшлиқ ҳосил бўлишига йўл қуймаслик, уни ҳозирги ва келажак авлодни яшаш эҳтиёжлари йўлига сафарбар қилиш;

Иккинчидан, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича қонунчилик хужжатлари тизимини ривожлантириш ҳамда бошқа соҳалардаги қонунчиликни экологик талабларга уйғунлаштириш.

Учинчидан, мазкур соҳада муҳим халқаро ҳуқуқ хужжатларига қўшилиш ҳамда халқоро миқёсда миллий, минтақавий айниқса, мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик, географик ва трансчегаравий хусусиятларини инобатга олиб экологик муаммоларни ҳал этишда янада фаол иштирок этиш;

Тўртинчидан, экологик қонунчиликни такомиллаштириш орқали атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида ҳам шахс, ҳам жамият, ҳам давлат манфаатлари ўртасидаги уйғунликни таъминлаш;

Шунингдек, Республикамизда ижтимоий-иқтисодий, соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида мамлакат тараққиёти, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилувчи айрим қонунларни ишлаб чиқиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикасининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги меъёрлари ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳалардаги ҳуқуқ меъёрлари ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этиш;

табиатни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ қонунларни тўлақонли қўллаш учун зарур бўлган қонуности меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат стандартлари тизимини ривожлантириш, мамлакатнинг ҳуқуқий тизимида атроф табиий муҳитга антропоген таъсирни камайтиришни таъминловчи халқаро андозаларга мос экологик стандартларни жорий этиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятлари доирасида, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилигини мазкур соҳадаги халқаро ҳуқуқ меъёрларига уйғунлаштириш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида аҳоли, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва давлат манфаатлари ўртасидаги низоларни ҳал этишнинг суд механизмларини ривожлантириш ва фаоллаштириш;

экологик қонунчиликни муайян тизимлаштириш ва уни босқичма – босқич кодификациялаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсати қонунчилиги асосларининг ҳозирги кундаги ҳолати, янги комплекс характердаги умумлаштирилган бош кодификациялаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий нормаларниишлаб чиқиш.

Фикримизча Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда экологик вазиятлар ва офатлар ҳудудлари тўғрисида”ги, “Экологик суғурта тўғрисида”ги, “Табиатдан оқилона фойдаланганликни иқтисодий рағбатлантириш тўғрисида”ги, “Давлат экологик назорати хизмати тўғрисида”ги ва бошқа янги қонунларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилинишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Равшан Актамович Икрамов
Тошкент давлат юридик университети проректори,
юридик фанлар номзоди, доцент

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚУЛАЙ ТАБИИЙ АТРОФ МУҲИТГА ЭГА БЎЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

Фуқароларнинг қулай табиий атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш бўйича давлат фаолиятини ҳалқаро-ҳуқуқий тартибга солиш тўлиқ, кенг қамровли характерга эга эмас ва объектив равишда бундай характерга эга бўла олмайди, чунки дунё ҳамжамияти аъзолари бўлмиш давлатларнинг бу муаммога ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа ёндашувларида кўплаб миллий фарқлар ва ўзига хосликлар мавжуд бўлганлиги учун, буни тасаввур қилиб бўлмайди. Давлатлар табиий атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги ўз ички сиёсатларининг моҳиятини ва устуворликларини ҳалқаро ҳуқуқий хужжатларга мос равишда ўзлари белгилайдилар. Атроф муҳит ва тараққиёт бўйича Рио-де-Жанейро декларациясининг 2-тамойилида шундай дейилади: “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави ва ҳалқаро ҳуқуқ принципларига мувофиқ давлатлар атроф муҳит ва тараққиёт соҳасидаги ўз сиёсатларига мос равишда ўз ресурсларидан фойдаланиш борасида суверен (мустақил) ҳуқуққа эгадирлар ва уларнинг ўз юрисдикциялари ёки назоратлари остида олиб борилаётган фаолиятлари бошқа давлатларнинг ёхуд миллий юрисдикция чегараларидан ташқарида бўлган ҳудудларнинг атроф муҳитига зарар етказмаслигини таъминлашга маъсулдирлар”.

Шу декларациянинг 3-тамойилида эса “тараққиёт ҳуқуқига шундай риоя қилиниши лозимки, ҳозириги ва келажак авлодларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ва тараққиёт соҳасидаги эҳтиёжлари тенг равишда таъминланиб борсин”.[1]

[1] Принципы, касающиеся общих прав и обязанностей // Декларация Рио-де-Жанейро по окружающей среде и развитию // Московский журнал международного права. – 1992. – №4. – 208-бет.

Табиатни муҳофаза қилиш амалиёти ва қонунчиликни таҳлил қилиш асосида фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ташкилий-ҳуқуқий таъминлашга доир бир қатор муҳим йўналишлар ва чора-тадбирларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Экологик ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги шароитида атроф табиий муҳит сифатини бошқаришнинг айнан иқтисодий усуллари катта аҳамият касб этади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг турли босқичларидаги атроф табиий муҳит сифатининг давлат томонидан бошқарилиши шаклларининг моҳияти ва ўзаро муносабатлари мамлакатни саноат ва қишлоқ хўжалик соҳасида замонавий вазифаларни ҳал этилиши зарурлигига боғлиқ равишда жиддий ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Бу ўринда асосий ва муҳим аҳамиятга эга бўлган шакллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш лозим: табиий ресурсларнинг давлат томонидан ҳисобга олиниши ва ижтимоий-иқтисодий баҳоланиши; атроф табиий муҳит муҳофазаси бўйича экологик дастурлар ва режаларнинг моддий-техник таъминланиши, режалаштирилиши ва молиялаштирилиши; табиатдан фойдаланишнинг давлат томонидан лицензияланиши; табиий ресурслардан фойдаланганлик ва атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун иқтисодий жазо санкциясини қўлланиши, яъни жарима тўланиши ҳусусида кетмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек, табиатдан фойдаланувчилар зиммасига иккиламчи ҳом ашё ва табиат ресурсларининг ҳар томонлама ҳисоб-китобини юритиш вазифаси юклатилган, зеро атроф табиий муҳит сифатини самарали бошқариш табиий ресурсларнинг барча турларини миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича аниқ бахоланиши тақозо этилади. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 9-11-моддаларига биноан табиатни муҳофаза қилиш давлат органлари олдига ягона давлат кадастрларини ишлаб чиқиш ва юритиш вазифаси ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар бўйича юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунига экологик характердаги табиатни муҳофаза қилиш чоралари тизимига экологик йўналтирилган иқтисодий концепция асос қилиб олинган. Бугунги кунда уларни имтиёзли равишда солиққа тортиш ва кредитлар ажратишни тараққий эттириш зарурияти юзага келди. Миллий солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда экологик омилнинг ҳисобга олиниши, жумладан, қуйидагиларда ифодаланиши мумкин: табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга йўналтириладиган фойданинг солиқдан озод қилиниши; ҳудуддаги экологик вазиятга боғлиқ равишда фойдадан солиқ олишнинг дифференцияланган усулининг қўлланилиши; экологик хавфли маҳсулот чиқарган корхоналар юқори ставкалар бўйича солиққа тортиш ва бошқалар.

Экологик жиҳатдан оқилона хўжалик фаолият юритаётган корхоналарга имтиёзли кредитлар ажратиш масаласи молия соҳасини барқарорлаштириш ва инфляцияга (пулнинг қадрсизланишга) қарши кураш давлат стратегияси доирасида муваффақиятли ҳал этилиши мумкин.

Сўнги йилларда табиат ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар тизими, шунингдек атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва унга бошқача зарарли таъсир ўтказганлик учун тўловлар тизимининг роли ошиб бормоқда. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 34-моддасида атроф муҳитга норматив ва нормативдан ортиқ таъсир ўтказганлик учун тўлов ундириш тартиби белгилаб қўйилган. Бу ундирилган маблағларнинг 90 фоизи бюджетдан ташқари давлат экология жамғармаларининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади, 10 фоизи эса табиатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш ҳудудий органлари фаолиятини молиялаштириш учун давлат бюджетига ўтказилади

Бизнингча экологик тўловлар тизимини янада такомиллаштириш лозим. Жумладан, экологик турдаги тўлов ставкаларини белгилашда инфляцияни ҳисобга олиш, атроф табиий

муҳитга салбий радиоактив, шовқин, электромагнит, ароматик таъсир этганлик учун тўловлар нормативларини ишлаб чиқиш, ифлослантиришнинг ҳисобга олинадиган элементлари таркибини кенгайтириш, ҳудудлар ва соҳалар (халқ хўжалиги тармоқларининг) ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда тўловлар ставкалари миқдорларини белгилаш зарур.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, атроф табиий муҳит сифатини режалаштириш ва меъёрлаш рухсат этиш меъёрларининг техник кўрсатгичларини ишлаб чиқиш билан чамбарчас боғликдир. Атроф муҳит сифатини режалаштириш ва меъёрлашни давлатнинг экологик бошқарув функциясига киритиш атроф муҳит ва тараққиёт бўйича Рио-де-Жанейро декларациясининг 2-тамойилига мосдир. Унда шундай дейилади: “Давлатлар атроф муҳит соҳасида самарадор қонун ҳужжатларини қабул қиладилар. Экологик андозалар, шунингдек, хўжалик фаолиятининг мақсадлари ва устуворликлари атроф муҳит соҳасидаги шароитни акс эттириши лозим”.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 29-моддасида экологик назорат (давлат, ишлаб чиқариш, жамоатчилик) тизимининг қуйидаги асосий вазифалари белгилаб қўйилган: атроф табиий муҳит ҳолати ва унинг хўжалик ёки бошқа фаолият натижасида ўзгариши устидан назорат олиб бориш; табиатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчилик ва атроф муҳит сифати нормативлари талабларига риоя қилиш, атроф муҳитни соғломлаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича режалар ва тадбирларнинг бажарилишини текшириш.

Давлат экологик экспертизаси жамиятнинг экологик хавфсизлигини ташкилий-ҳуқуқий таъминлашининг алоҳида шаклидир. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 24-моддасига биноан смета баҳоси ва тегишлилиги, шунингдек, лицензиялар ва сертификатларнинг экологик асосларидан қатъи назар, объектлар ва тадбирлар бўйича Ўзбекистон Республикаси

ҳудудида амалга оширилиши кўзда тутилаётган барча режа олди ва режа, дастур олди ва дастур, лойиҳа олди ва лойиҳалар давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши лозим. Экологик экспертиза соҳасидаги ҳалқаро стандартлар (андозалар) атроф муҳитга сезиларли салбий таъсир кўрсатадиган ва шу сабабли ваколатли миллий орган қарори билан тасдиқланиши лозим бўлган фаолиятнинг амалга оширилиши тахмин қилинаётган турларига нисбатан миллий инструмент сифатида экологик оқибатларни баҳолашни тақозо этади. (Атроф муҳит ва тараққиёт бўйича Рио-де-Жанейро декларациясининг 17-тамойили).

Давлат экологик экспертизаси ўтказилишининг мажбурийлиги принципи авариялар, фалокатлар ва табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимининг муҳим элементи сифатида кўриб чиқиш лозим. Авариялар ва фалокатларнинг олдини олиш бўйича фаолият одатдаги табиат инжиқликлари ва инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида юзага келадиган турли фавқулодда вазиятларнинг атроф муҳитга етказадиган экологик ҳалокатли оқибатларининг олдини олиш бўйича ташкилий, иқтисодий, техник, ҳуқуқий ва бошқа чоралар мажмуасидир.

Авариялар, фалокатлар, табиий офатлар оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини реал таъминлаш усулларидан биридир. Ушбу “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонунда ҳам ўз ифодасини топиши лозим. Бу Қонунда жабрланган фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилиши ҳамда фавқулодда экологик вазиятлар юзага келган зоналарнинг ҳуқуқий режими тушунчаси ва моҳияти батафсил кўрсатиб берилиши керак. Атроф муҳит ва аҳолини экологик жиҳатдан реабилитация қилиш бўйича чора-тадбирлар моҳияти аниқ бир ҳолатга боғлиқдир. Аммо ҳар қандай ҳолатларда ҳам фуқаролар экологик нобоб зоналардан ўз хоҳишлари бўйича бошқа қулайроқ жойларга кўчиб ўтиш имкониятига эга

бўлишлари ҳамда тегишли экологик ёрдам ва имтиёзлар, шунингдек, қолдириб кетган мулкларининг баҳосини қоплатиб олишлари лозим. Экологик суғурта тизими техноген ёки табиий характердаги авариялар ва фалокатлардан атроф табиий муҳитга нохуш таъсир етиши натижасида фуқароларнинг соғлиғи ёки мулкига етадиган зарарни қоплашни кафолатлашга йўналтирилган. Бундан ташқари, фуқароларнинг соғлиғи мажбурий ва ихтиёрий суғуртанинг объектидир. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 36-моддасига мувофиқ корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар, уларнинг мулклари ва фойдалари экологик ва табиий офатлардан, авариялар ва фалокатлардан ихтиёрий ёки мажбурий равишда давлат экологик суғуртаси билан суғурталаб қўйилади. Бозор иқтисоди шароитида ҳар қандай хўжалик фаолиятини мажбурий экологик суғурта қилиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар қандай ҳўжалик фаолиятини мажбурий экологик суғурта қилиш масаласининг қонуний ҳал этилиши антропоген тарзда ўзгартирилган атроф табиий муҳитнинг салбий таъсири остида фуқароларнинг соғлиғи ва мулкига етказилган зарарни тўлиқ ва тез қоплашнинг ишончли молиявий ва моддий асосини яратиш имконини берган бўлурди.

Ноқулай атроф табиий муҳитнинг инсон соғлиғига етказадиган салбий таъсири аҳолига медицина хизматининг кўрсатилиши йўли билан ҳам маълум маънода қопланиши мумкин.

Фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги профилактик чора-тадбирлар устуворлиги принципига мос равишда атроф табиий муҳит ҳолатини яхшилаш тўғрисида ҳамҳўрлик қилиш фуқаролар соғлиғини таъминлаш, уларнинг санитария-эпидемиологик жиҳатдан қулай шароитни яратиш устувор чора-тадбирлар сифатида қаралиши лозим. Инсонлар соғлиғи билан атмосфера ҳавоси, сувлар, радиациявий вазият ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик борлиги барчага маълум. Аҳолининг қарийиб ярми атмосфера ҳавосида зарарли моддалар жуда кўпайиб кетган вазиятларда яшаб

турганлигининг ўзи ҳам бу муаммонинг нақадар жиддийлигидан далолат беради.

Фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашнинг комплекс чора-тадбирларидан бири бўлмиш медицина хизмати самарадорлигини ошириш мақсадида атроф табиий муҳит хавфсизлигини таъминлаш борасидаги қоидалар ва нормативларни, санитария-гигиена нормаларининг амалдаги тизимини янада такомиллаштириш лозим. Бундан ташқари, бизнинг фикримизча, экологик ноқулай ҳудудларда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқий муаммоларни қонун даражасида ҳал этмоқ керак.

Аҳолига экологик таълим ва тарбия бериш фуқароларнинг қулай табиий атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини амалда таъминлашнинг ишончли кафолатларини яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади[1]. Дарҳақиқат, табиатни севиш руҳида тарбияланган инсон келажакдаги ва ҳозирги авлодлар қулай табиий атроф муҳит шароитларида яшашлари учун табиат бойликларини сақлаб қолишга янада масъулроқ ёндошади.

Ушбу асосий мақсадга эришиш учун экологик таълим ва тарбия умумийлик мажбурийлик, комплекслик, амалиёт билан алоқа сингари фундаментал принциплар асосига қурилиши лозим. Атроф муҳит ва тараққиёт бўйича БМТнинг 1992 йилда бўлиб ўтган конференцияси қарорларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режасида экологик таълим ва тарбиянинг узлуксиз, кўп босқичли тизими, шунингдек, уни бошқариш бўйича давлат-жамоат комплексни яратиш назарда тутилган. Бундан ташқари, зарур норматив ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш, экологик таълим ва тарбиянинг барча қатламлари ва турларини кадрлар билан таъминлаш тизимини тараққий эттириш, экологик ахборот тарқатишнинг давлат-жамоат тизимини шакллантириш тўғрисидаги масала ҳам жуда кескин бўлиб турибди.

---

[1] Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. – Т.: ИИВ Академияси, 2003 йил, 219-231 б.

Юқорида айтиб ўтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини амалга ошириш учун ҳалқаро стандартларда назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Лекин, бу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ахолининг реал эҳтиёжларини қондирмоқда деб айта олмаймиз. Шунинг учун, ҳам фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини амалга ошириш ва уни барқарор ривожланишининг юридик механизмини янада тараққий эттириш ва такомиллаштириш имкониятлари мавжудлигини инкор эта олмаймиз. Шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, ҳозирги шароитда ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи асосий восита сифатидаги роли кескин ошиб бормоқда. Атроф табиий муҳит соҳасида ҳуқуқнинг тартибга солиш таъсири фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқининг амалга оширилишини кафолатлашга йўналтирилган, илмий асослантирилган, умуммажбурий ахлоқ қоидаларнинг юридик мустаҳкамланиши йўли билан амалга оширилади. Атроф табиий муҳит борасидаги ижтимоий муносабатлар соҳасида ҳуқуқнинг тартибга солиш функциясини амалга оширишнинг энг таъсирчан усуллари қуйидагилардан иборат: табиатдан фойдаланиш соҳасида фуқароларнинг умумий ва маҳсус ҳуқуқ лаёқатини ҳуқуқ нормалари воситасида аниқлаш; давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ваколатларини аниқлаш; ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги аниқ бир ҳуқуқий боғлиқликни аниқлаш; атроф табиий муҳит соҳасидаги низоларни ҳал этиш тартибини белгилаш.

Фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи бевосита аҳолининг уч хил шаклдаги харакатлари орқали амалга оширилади. Булар, биринчидан, тегишли экологик чеклаш ва қоидаларга риоя қилиш йўли билан; иккинчидан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий мажбуриятларни ижро этиш йўли билан; учинчидан, атроф табиий муҳитга эга бўлишнинг субъектив ҳуқуқидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.

Фуқароларнинг ушбу ҳуқуқларини таъминлашнинг санаб ўтилган шакллари ўзаро узвий боғлиқдир. Жумладан, фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқининг амалга оширилиши ўзи ёки бошқа субъект томонидан тегишли ҳуқуқий нормаларга риоя этиш бўйича юридик мажбуриятларнинг бажарилмаслиги оқибатида хавф остида қолдирилиши мумкин.

Йўлдош Очилович Жўраев
Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети
Давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири,
юридик фанлар доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИЯ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистонда экология қонунчилиги мустақиллик йилларидан бошлаб жадал равишда ривожланмоқда. Унинг қуйидаги ҳолатлари ва хусусиятлари шундан далолат беради. Биринчидан, экология қонунчилиги мустақил давлатни барпо этиш ва ривожлантириш борасида белгиланган мақсад, вазифалар ҳамда тамойилларга ҳамоҳанг даражада вужудга келиб, такомиллашиб бормоқда. Унинг мазмун ва моҳияти Ватанимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли, инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олға сурилган барча мезонларга тўлиқ мос келади. Иккинчидан, экология қонунчилиги инсон ва атроф табиий муҳит алоқаларида мўтадиллик ва мувозонатни таъминлашдек жамият ва табиатга хос энг муҳим тамойилни амалга ошириш вазифасини қамарбасталик билан уддаламоқда. Иқтисодий манфаатлар билан экологик талаблар, шунингдек жамият истеъмол талаблари билан уни қондириш ўртасида монандликнинг вужудга келгани, инсон экологик ҳуқуқларини таъминлаш атроф муҳитни муҳофаза қилишга тенг пропорционал ҳолда амалга оширилаётганлиги мамлакатда ҳам

экологик, ҳам ижтимоий-сиёсий барқарорликни бир бутун бўлиб мужассам бўлишининг гаровига айланмоқда. Учинчидан, экология қонунчилиги юртимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий захиралардан оқилона фойдаланиш соҳасида қарор топтирилган ҳуқуқий тамойиллар, қоидалар, механизмлар хориж давлатларидаги амалиёт ва халқаро ҳужжатлардаги қадриятларга мос бўлиб, улардаги илғор ҳолатлар ва тажрибаларни акс эттирган ҳамда рўёбга чиқармоқда. Фикримизнинг исботи учун экология қонунчилигида инсон экология ҳуқуқларининг турлари халқаро ҳужжатларда назарда тутилганидан ҳам зиёд бўлиб, уларнинг 12 та алоҳида турлари белгиланганлигини айтиб ўтиш мумкин. Ўзбекистон экология қонунчилигидан бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги экологик сиёсат туфайли шаклланаётган экология қонунчилиги табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятида бир қанча **илғор экологик-ҳуқуқий механизмларнинг жорий қилиниши ва такомиллашишини** таъминлади. Уларнинг ичида: а) табиий ресурсларга нисбатан мулкчилик муносабатларида фуқаролик ҳуқуқи институтлари қўлланилаётганлигии; б) атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмлари жорий қилинганлигини (ҳақ тўлаш, солиқ ва қувватлаш имтиёзлари, рағбатлантириш ва ҳ.к.); в) экологик экпертиза институти ташкил этилганлигини; г) миллий норматив (стандартлар) тизими яратилганлигини; д) жамоат экология назорати қонуний ваколатларга эга бўлганлигини; е) фуқароларнинг экологик ижтимоий ҳаракатига парламент фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқи берилганлигини; ж) самарали халқаро экологик ҳамкорликни; з) инсон табиий ҳуқуқлари экологик ҳуқуқлар сифатида қонунларда акс эттирилганлигини ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Экология қонунчилигини ривожланиши тўғрисида гап кетганда нафақат ундаги аҳамиятга молик ҳолатлар ва хусусиятларни ажратиб кўрсатиш, балки айрим муаммоли ва ечилиши долзарб бўлган

масалаларни идрок қилиш ҳамда ҳал этишни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Мавжуд муаммоларни назарий асослари, қонун ҳужжатларида акс эттирилганлиги ва уларни амалиётда бажарилишига тааллуқлига қараб изҳор этишга ҳаракат қиламиз.

Ҳозирда экология ҳуқуқи ва умуман ҳуқуқ фанларида **“экология” атамасини қўллашда катта хатоликларга йўл қўйиш** ҳоллари учрамоқда. Маълумки, экология ёки экологик фаолият иккита йўналишни ўз ичига олади: биринчиси – табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ва иккинчиси – атроф муҳитни муҳофаза қилиш. Шу иккала фаолиятни кўпинчалик қонунчиликда ва фанда қисқартириб “атроф муҳитни муҳофаза қилиш” ёки “экология”, деб аташ одатга айланиб қолмоқда. Масалан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси шундай деб аталишига қарамасдан бир вақтнинг ўзида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади. **Мазкур фаолиятларни қисқача “экология” ёки “атроф муҳитни муҳофаза қилиш”, деб аташ уларни фанда, қонунчиликда ва амалиётда бир томонлама тушуниш, яъни фақат муҳофаза билан чекланиб қолишга олиб келмаслиги керак.** Бу иккала фаолият бир бирини тақоза этади ҳамда чамбарчас боғлиқдир. Уларни бир биридан ажратилган ҳолда ишлатиб бўлмайди. Бироқ, илмий ва ўқув манбаларида, шунингдек ОАВларида “экология” деганда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни назарда тутмасдан фақатгина атроф муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятини тушуниш авж олмоқда. “Экология” атамасини назарий манбаларда нотўғри қўллаш оқибатлари автоматик тарзда қонунчиликни шакллантириш ва уларни ижро этиш амалиётига ҳам сингиб кетади. Шу ўринда “Жамоат экология назорати тўғрисида”ги Қонун лойиҳаларида атроф табиий муҳит муҳофазаси сифатида аксарият ҳолларда фақатгина бир томонлама ёндошилганлиги, яъни ресурслардан оқилона фойдаланишга эътибор берилмаётганлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур Қонун лойиҳасининг мазмунига кўра, жамоат бирлашмаси асосан атроф

муҳитни ифлослантириш, булғаш, яроқсизлантириш каби қонунбузарликлар бўйича назоратни амалга ошириш мумкин. Уларнинг ресурсларни тежаш (масалан, ер бериш, овга рухсат бериш, сув лимитлари ажратиш ва бошқа шунга ўхшаш жараёнларда) ва улардан унумдорлик билан фойдаланиш (масалан, ер унумдорлигини таъминлаш) масалалари жамоат назорати объекти сифатида эътиборга олинмайди. Шунингдек, лойиҳаларда жамоатчиликнинг ресурсларни кўпайтириш ва тиклаш каби оқилона фойдаланиш талаблари риоя этилиши устидан назорат юритиш ваколатлари кўзда тутилмайди.

Яна бир катта назарий масала. Кейинги пайтларда экологик ҳуқуқий муносабатлар объекти тўғрисидаги илмий тушунчаларни ҳам мукамаллаштириб олиш зарурияти туғилмоқда. Гап шундаки, илмий ва публицистик манбаларда “табиат” ёки “атроф табиий муҳит”нинг юридик тушунчасини нотўғри талқин қилиш ҳолатлари тез-тез учраб қолмоқда. Оқибатда инсонлар саломатлигини сақлаш, аҳолини ичимлик суви, газ билан таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, энергияни тежаш, кўкаламзорлаштириш ва бошқа шунга ўхшаш ижтимоий масалалар экологик, деб талқин қилинмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, Ўзбекистон экологик ҳаракати ўтказаётган “экологик тадбирлар” нинг талайгина қисмини атроф муҳитни муҳофаза қилишга бевосита боғлиқ бўлмаган ижтимоий муаммоларга тааллуқли тадбирлар ташкил этади. “Тошкент” телеканалининг “Экопойтахт” дастурида ҳам худди шундай ҳолатни кўриш мумкин.

Илмий тадқиқотларда ҳам атроф табиий муҳит юридик тушунчасини аниқ тушунмаслик ҳолатлари учраб турибди. Масалан, юридик маънодаги сув манбаси билан табиийлик хусусиятини йўқотган ичимлик сувининг ўртасидаги фарққа эътибор берилмай номзодлик диссертациясини, ёки ер ости бойлиги билан ер қаъридан чиқариб олинган, яъни табиийлигини йўқотган техноген ҳосилаларни бир биридан фарқламай докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш

амалга оширилган. Таъкидлаш керакки, экологик қонун ҳужжатлари тартибга солиш объектларини нотўғри талқин қилиш, ва айниқса, инсон саломатлигини, унинг турли маиший эҳтиёжларини қондириш масалаларини экологик фаолиятда устивор, деб ҳисоблаш жамиятда ҳақиқий экологик муаммоларни тушуниш ва ҳал этишни чалғитади, қонунчиликни тўғри такомиллашиши ва самарали бўлишига тўсқинлик қилади. Инсоният медицина ва илму-фан ёрдамида қанчалик даражада табиий сифатини йўқотган атроф муҳитда яшашга мослашмасин табора ожизланиб бораётган ва ўч олаётган табиатни ўзининг Ер шарида мавжудлиги кафолати сифатида асрашига боғлиқ муаммоларни соф ва теран ҳис этиб шуғулланиши лозим.

Экология қонунчилигининг ҳуқуқий-назарий асосларини янада ривожлантиришга қаратилган тадқиқот ишлари амалга оширилганда мазкур қонунчилик такомиллашувига раҳбарий тамойил бўлиши лозим бўлган жамият ривожланиш қонуниятларига алоҳида диққатни қаратиш лозим. Шундай тамойиллардан бири ҳозирда кун тартибида бўлган обод турмуш тарзини таъминлашдир. Қонунчиликда обод турмуш тарзининг марказий масалаларидан бири экологик фактор бўлишини жорий этиш долзарб, деб эътироф этилиши лозим.

Табиат (атроф табиий муҳит) турмуш ободлигини таъминлашда икки хил шаклда манба бўлиб “хизмат” қилади: биринчиси – инсонга хизмат қилувчи ва истемол неъматларининг хазинаси ҳамда яратувчиси; иккинчиси – инсон яшаши учун макон (муҳит) ва шароит. Турмуш ободлигини табиат бойликлари ва яшаш учун қулай (соғлом) атроф муҳитсиз тассаввур этиш мумкин эмас. Демакки, обод турмушда экологик факторнинг улуши бағоят улкан. Жамиятда қанчалик тўкинчилик, тўқчилик бўлмасин, агар кишилар заҳарланган ҳаводан нафас олишга ҳамда ифлосланган сувни истеъмол қилишга мажбур бўлсалар, экин экишга яроқсиз ер участкаларига “куни” қолса, уларнинг ҳаётини обод ва фаровон, деб ҳисоблаш мумкинми?

Экология қонунчилигини такомиллаштириш масаласини соҳага тааллуқли илмий-тадқиқот ишларини янги сифат ва талаблар

даражасига кўтармасдан ҳал этиб бўлмайди. Экология ҳуқуқи фанидаги илмий-тадқиқотларни экологик ва иқтисодий самарадорлик нуқтаи назардан баҳолаш тизимини жорий этиш лозим. Бунда уларнинг қанчалик даражада қонунчиликни ривожлантириши, назария ва амалиётдаги муаммоларни ҳал этиши асосий мезон бўлиши лозим. Илмий асарлар ва тадқиқотлар натижлари ҳамда хулосаларини тақдим этиш, муҳокома қилиш, баҳолаш, жорий қилиш жараёнларида ҳозирда деярлик қўлланилмаётган рақоботчилик, тортишув, мунозара, амалий самарани баҳолаш каби механизмларнинг янги мазмун ва сифатларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Илмий тадқиқотларнинг амалиёт билан боғлаш мақсадида манфаатдор органлар ва идоралар билан шартномалар асосида амалга ошириш уларнинг амалий самарасини ҳамда тадқиқотчиларнинг салоҳиятини оширар эди. Тадқиқот муаллифи эришган илмий ютуқлар нафақат юртимизда, балки ўзга давлатларда апробациядан ўтганлиги унинг салоҳиётини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлишига эришиш лозим.

Экология қонунчилигини такомиллаштиришни бир қанча декларатив ҳолатларга эга бўлган амалдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунни янги таҳрирда қабул қабул қилишдан бошлаш лозим. Экологик кодекс тўғрисидаги баланд парвоз гапларни ҳозирча четга суриб, мазкур қонунчиликка тегишли бўлган интеграция ва дифференцияси жараёнларини қайта кўриб чиқиш мавжуд кўпгина муаммоларни ҳал қилган бўлар эди.

Экология қонунчилигини такомиллаштириш масаласи кўтарилганда, албатта, бундай ишларнинг ажралмас қисми сифатида жамият аъзоларининг экологик ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жуда муҳим вазифа эканлигини ёддан чиқармаслик лозим. Ҳозирда экологик ҳуқуқий билимлар ва маданият асослари асосан олий ўқув юртларида ўргатилади. Шу ўринда айтиш лозимкки, инсондаги табиатга нисбатан табиий исътемолчилик инстинктини жиловлашни у туғилгандан бошлаб амалга ошириш лозим. Экологик ҳуқуқ ва

мажбуриятлар алоҳида тарзда мактабгача тарбия ва ундан кейинги таълим муассасаларида ўқитилишини ташкил этиш экология қонунчилигида кўзланган мақсадларга эришишнинг энг самарали йўлидир. Экологик ҳуқуқий билимларни халқ таълими тизимида мажбурий ўқитиш кўпгина хориж давлатларининг қонунларида акс эттирилган.

Ва ниҳоят, экология қонунчилигини такомиллаштириш доимий равишда Ўзбекистон Конституциясида акс эттирилган қоидаларни ривожлантириш истиқболини кўзлаб амалга оширилиши лозим. Маълумки, Конституциядаги ҳолатлар, қоидалар, тамойиллар, нормалар Ўзбекистонда экологик сиёсатни амалга оширишда бир қанча ислоҳий воқеликларга асос бўлди. Уларнинг ичида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, мустақил Ўзбекистон Конституцияси ўтмиш замонлардан фарқли ўлароқ, табиий ресурсларнинг фойдаланиш ва муҳофаза қилиш объекти сифатидаги янги ҳуқуқий мақомини белгилаб берди. Бу ҳуқуқий мақомда “умуммиллий” манфаат ва фуқаро ҳуқуқи устиворлиги белгиланган. Иккинчидан, Конституцияга кўра, умуммиллий бойлик бўлган табиий захираларни муҳофаза қилиш давлат функцияси сифатида белгиланган. Шунга кўра, давлат фуқаролар ва юридик шахсларнинг экологик манфаатларини рўёбга чиқарувчи ва таъминловчи экологик кафил ролини бажаради. Табиат билан алоқадорликда жамият субъект сифатида қаралса ҳам, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини асраб қолиш, тиклаш ва кўпайтириш маъсулияти давлатнинг зиммасидадир. **Давлатнинг экокафолати ва экомаъсулияти** бугунги кунда амалда бўлган қонун ҳужжатларида тўлиқ мужассам бўлган. Учинчидан, инсон ва табиат ўзаро муносабатларига бағишланган конституциявий қоида ва тартиблар улар ўртасида мувозанатни вужудга келтиришга, экологик мутаносиблик ҳамда барқарорлик мавжуд бўлишига қаратилган. Тўртинчидан, Конституцияда тамал тоши қўйилган давлатнинг экологик функцияси фақатгини табиий ресурслардан оқилона

фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни эмас, балки аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида таъминланишига қаратилгандир.

Жуманазар Тоштемирович Холмўминов
Тошкент давлат юридик университети
Экология ва аграр ҳуқуқи кафедраси профессори,
юридик фанлари доктори

ЭКОЛОГИЯ КОДЕКСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Ҳозирги глобаллашув жараёнида дунё халқлари миллий хавфсизлик масалалари фақатгина миллий миқёсда ҳал этила олинмаслиги, балки ушбу масала уларнинг бирлашиб амалга оширадиган саъй-ҳаракатлари билан ва давлатларнинг барқарор ривожланишлари орқали таъминланиши мумкинлигини англаб етмоқдалар.

Бугунги кунда инсон ҳаёти ва фаолияти учун қулай экологик вазиятни вужудга келтириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш,одамларнинг саломатлиги хамда иқтисодий турмуш тарзини янада яхшилаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Шу маънода, “Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир, – деб ёзади Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, – уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир”[1].

Статистик маълумотларга кўра, табиат мутаносиблигининг бузилиши, табиий ресурсларнинг камайиб бориши ва атроф-муҳит

[1]Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 507-508.

ифлосланишининг 90-97 фоизи айнан инсонларнинг хўжасизларча фаолият юритишлари билан боғлиқлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Ҳаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик ва уларни экологик муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик, иқтисодий ривожланишда экологик талабларга риоя этмаслик табиат бойликларининг камайиб кетишига, экологик мувозанатнинг бузилишига ва пировардида жамиятнинг инқироз ҳолатига тушиб қолишига ва экологик хавф пайдо бўлишига олиб келиши муқаррар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нуқтида таъкидлаб ўтганидек,“Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Орол фожиаси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди”[1].

Бу эса ўз навбатида амалдаги экологик қонунчилик талабларига қатъий риоя этишни ва бу соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этади.

Шундай экан,Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида “атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мажлисидаги нутқи, [2010 йил 20 сент.]; Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.7.

бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш фурсати етди”[1], – деган фикри муҳим концептуал аҳамият касб этиб, экология соҳасида қонунчиликни янада такомиллаштириш учун хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ атроф табиий муҳит муҳофазасини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўтган қисқа муддат ичида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг халқаро миқёсда тан олинган тамойиллари негизида миллий ҳуқуқ тизимимизда муайян қонунчилик асоси яратилди ва у мунтазам равишда такомиллашиб бормоқда. Давлатимизда экологик қонунчиликнинг амалда ижросини тўла таъминлаш энг аввало мамлакатимиз аҳолисининг ўзи яшаб турган атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, уни асраб-авайлаши, келажак авлодга бус-бутун ҳолда етказиши, бу масалага ўз ташаббуси билан чуқур ёндашиши лозимлигини тақозо этади. Ушбу мақсадга эришиш учун ёш авлодни она табиатга меҳр-муҳаббат қўйиш, уни асраб-авайлаш ишига юксак масъулият ҳиссини шакллантириш лозим.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида “...ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга” эканлиги, 50-моддасида“ Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” ва 55-моддасида, “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиат захиралари умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”, – деб кўрсатилганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бундан кўриниб турибдики, экологик муаммоларни ҳал этиш ва уларни олдини олишда, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда ёшларнинг экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбиясини янада такомиллаштириб боришда экологик

[1]Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 47.

қонунчиликни ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у замонавий чуқур ҳуқуқий билимларни ҳам талаб этади.

Шу маьнода таькидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1990-сон қарори ҳуқуқшунос кадрларни халқаро талабаларга мос тайёрлаш вазифасини қўйди ва унга асосан ТДЮУ магистрларига “Энергетика ҳуқуқи” фани ўқитила бошланди.

Демак, жамиятимизда ёшлар ва аҳолининг экологик-ҳуқуқий таълим-тарбияси, маънавияти ва маданиятини юксалтириш давлатимиз экологик сиёсатининг алоҳида бир йўналиши бўлиб тан олинмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон қарори асосида қабул қилинган, 2013 – 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатларДастури[1] мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал қилиш борасида катта аҳамиятга эга бўлгантарихий ҳужжат бўлиб, улар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг экологик методларини жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги сохасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш, зеро аҳолининг экологик-аграр соҳадаги таълим ва тарбиясини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берди.

Ушбу Дастур атроф-муҳит ҳолатининг кафолатланган сифатли даражасига эришиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатдан фойдаланиш бошқарувини такомиллаштириш ва самарали иқтисодий усулларини татбиқ қилиш, атроф-муҳит устуворлигини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, мамлакатнинг барқарор ривожланишига, экологик илм-фанни олға суришга ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълимни жорий қилишга, экологик билимларни кенг тарғиб қилишга, шунингдек экологик

[1]Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 282-модда.

маданиятни оширишга ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Дастурнинг 4-бандида назарда тутилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур деб кўрсатилди:

табиий ресурслардан, шу жумладан сув, ер, минерал-хом ашё ва биологик ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш;

ишлаб чиқаришда экологик тоза технологияларни жорий этиш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳисобига ҳаво муҳити, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини босқичма-босқич камайтириш;

атроф табиий муҳитни мунтазам баҳолаш ва унинг ижтимоий-экологик ҳолати прогнозини тузиш учун атроф табиий муҳит мониторинги механизмини такомиллаштириш;

экологик офат минтақасида – Оролбўйи ва мамлакатнинг бошқа экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларидаги экологик ҳолатни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва йирик шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги канализация тармоқлари тизимлари ва тозалаш иншоотларини яхшилаш;

атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтириш;

атроф табиий муҳит муҳофазаси, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълим, шунингдек экологик билимларни тарғиб қилиш соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меъёрий-услубий асосни такомиллаштириш;

экологик муаммоларни ҳал этишда минтақавий ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш.[1]

[1]Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 282-модда

Хуллас, юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг экологик муаммоларни ҳал қилиш борасидаги фаолияти алоҳида ўзига хос бўлиб, давлатимизда экологик муаммоларни бартараф қилиш борасида асрларга тенг келадиган кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги билан ҳамда тарихий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий жараёнларни ўзида акс эттириб, ҳозирги ва келажак авлодга хизмат қилиши, халқаро андозаларга мослиги билан фарқланади.

Мамлакатимизда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг зарур ҳуқуқий базаси яратилган. Шунга қарамасдан жойларда экологик қонун талаблари бузилмоқда ва экологик ҳуқуқбузарликлар содир этилмоқда. Демак, юқоридаги кўрсатмалар асосида мамлакатда табиий ресурслардан, жумладан: ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмон, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёларидан фойдаланиш соҳасидаги муаммолар, уларнинг экологик-ҳуқуқий ҳолати, бу соҳада давлат бошқаруви ва назорат этиш тартиби, экологик қонун талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик турлари ҳамда қўлланиладиган жазо чораларини қўллаш ҳамда амалдаги экологик қонунчиликка айрим қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Зотан, Президентимиз Ислом Каримов ҳақли равишда кўрсатиб ўтганидек, “Шу муносабат билан бугунги кунда экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Мазкур ҳаракатдан сайланган депутатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни яънада ривожлантиришга, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари, шунингдек, турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича маъсулиятини ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилишга кўмаклашишлари

лозим. Барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишиимиз керак – бундан буён Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичигига кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовускор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади”[1].

Юртбошимизнинг ушбу ғоялари бугунги кунда мамлакатимиз экологик сиёсатини мустаҳкамлашга, экология соҳасидаги қонунчиликни бугунги кун талаби даражасида такомиллаштиришга, агарда лозим бўлса янги-янги қонунлар қабул қилишга қаратилган бўлиб, муҳим ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга эгадир. Шунга кўра, бу соҳада бир қатор қонунлар ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши, мавжуд амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш жамиятимиз олдидаги устувор ҳамда долзарб вазифалардан бири бўлмоғи даркор.

Экологияга оид норматив-ҳуқуқий базанинг ҳозирги ҳолатини баҳолай туриб, даставвал, уларнинг миқдорини етарлича эканлигини, айрим ички қарама-қаршиликларнинг мавжудлигини, баъзида бир-бирини қайтаришлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ҳолатлар норматив-ҳуқуқий база мазмунининг ҳамда амалиётда талаб даражасида қўлланилишлигини ва тўла бажарилишига салбий тасир қилади ва биз кутган ижобий натижаларни бера олмаслиги мумкин.

Бугунги кунда экология фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни тизимлаштириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу ўринда асосий вазифа тариқасида экология қонунчилигини ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг талаб даражасида мавжуд бўлишлигини таъминлаш лозим.

Экология тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришнинг устунлиги қуйидаги йўналишлар бўйича белгиланиши:

---

[1]Каримов И.А.Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 28–29.

табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни экологик ҳуқуқий муҳофаза қилишни мустаҳкамлаш;

экология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида амалда бўлган қонунчилик ҳужжатлари батафсил ўрганилиши-тафтиш қилиниши, уларнинг тугал рўйхати тузилиши, эскирганларини бекор қилиш, тегишли ўзгартиришлар киритилиши керак;

экология соҳасини тартибга солувчи яхлит миллий қонунчилигимиз ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши керак ва бунда табиатни экологик хавфсизлик талаблари эътиборга олиниши керак;

табиатни муҳофаза қилишнинг умумий шартлари, принциплари, тартиблари ва бу соҳада фаолият юритиш вазифаси юкланган давлат ва бошқа нодавлат органлари ваколатлари чегаралари, жавобгарликларини назарда тутувчи кенг қамровли, халқаро андозаларга мос махсус қонун, **Экологик кодекси** қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Шу кунгача экологик қонунчилик тизимида Экология кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласи мавжуд бўлиб , ҳозирги кунга экологик қонунчилик тизимида “Экология кодекси”ни ишлаб чиқиш ва уни қабул қилишнинг бир қанча вариатлари мавжуд. Шу билан бир қаторда “Экология кодекси”нинг бир неча лойиҳавий структуралари ҳам мавжуд.

Биринчилойиҳа экология қонунчилигини тубдан ўзгартириш, шу билан бир қаторда уни бошқача таҳрирда, яъни “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни шаклида қабул қилиш таклиф этилмоқда.

Иккинчи лойиҳа ягона Экология кодекси қабул қилиниши билан боғлиқ бўлиб,Экология кодексининг аниқ тизими ҳам олимлар томонидан таклиф этилмоқда[1].

Мустақиллик йиллари давомида мамлакатимизда экология қонунчилигини ҳар томонлама ривожлантиришнинг янги кўриниши

[1]Холмуминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикаси Экология Кодексини қабул қилиш истиқболлари // Баркамол авлодни тарбиялашда экологик қонунчиликнинг ўрни: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. – Б.16–26.

шаклланди. Мазкур фаолиятни амалга ошириш жараёнини либерализациялашга қаратилган чоралар изчиллик билан ўтказилди. Бу эса ўз вақтида яна бир қатор экологик қонунларни қабул қилишни тақозо этмоқда: Масалан, “Экология кодекси”, “Сув кодекси”, “Экологик назорат тўғрисида”, “Экологик суғурталаш тўғрисида”, “Экологик аудит тўғрисида”, “Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги янги қонунларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, экологик қонунчиликнинг бугунги ҳолати ҳамда Ўзбекистоннинг экологик сиёсати яқин истиқболда экологик қонунчиликни кодификациялашни тақозо этмоқда. Ушбу масалада аксарият ўзбек ҳуқуқшунос олимлари ва халқ вакиллари якдиллик билан ёндашмоқдалар. Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасига назар солсак Франция, Швеция (Европа), Кот-дИвуар (Африка), Қозоғистон (Марказий Осиё) каби мамлакатларда экологик қонунчиликни кодификациялаш натижаси сифатида Экология кодекси қабул қилинган бўлса; ГФР, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Украина каби давлатларда Экология кодекси концепцияси ишлаб чиқилган ёки тасдиқланган. Мазкур давлатлар тажрибасини ўрганиш экология кодекси экология соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда самаралироқ эканлигини кўрсатмоқда.

Иккинчидан, сув ва ўрмон қонунчилигини такомиллаштириш ҳам давр талабига айланиб улгурди. Бугунги кунда Марказий Осиёда ва шу жумладан мамлакатимизда ҳам сув муаммоси анча кескинлашди. Бу ўз навбатида сув соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш асосларини замон талаблари билан ҳамнафас ҳолда қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Ўзбекистондаги ҳозирги экологик вазият айни дамда ўрмон қонунчилигини такомиллаштиришни ҳам талаб қилади. Ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришда уларни кодификациялаш йўлидан бориш мақсадга мувофиқ. Зотан, МДҲ мамлакатларининг аксариятида Ўрмон ва Сув кодекслари амал қилади. Боз устига

бундай амалиёт Ўзбекистон учун ҳам янгилик эмас. Зеро, вақтида бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу соҳадаги муносабатлар кодекс ёрдамида тартибга солинган.

Учинчидан, экологик муаммоларни, айниқса трансчегаравий тусдаги масалаларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик масаласига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бизнингча, Марказий Осиё мамлакатлари трансчегаравий экологик муаммоларни ҳал этиш борасида фаолиятини мувофиқлаштириб, айнан ушбу масалага бағишланган конвенция қабул қилиши ҳам ҳозирги вазиятни бироз жадаллаштириши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб, биз томонимиздан таклиф этилаётган Ўзбекистон Республикасининг Экологик кодексининг тақрибий лойиҳаси қуйидагича таклиф этилмоқда:

Умумий қисм

Биринчи бўлим. Умумий қоидалар

1-боб. Асосий қоидалар

2-боб. Жисмоний шахслар, жамоат ташкилотлари ва ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3-боб. Давлат органларининг атроф муҳитни ва **табий** ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Иккинчи бўлим. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида лицензиялаш, сертифактлаштириш, стандартларштириш, меъёрлаш, экологик экспертиза ва экологик аудит.

4-боб. Экологик меъёрлаш

5-боб. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги техник талабларини тартибга солиш

6-боб. Атроф муҳитни муҳофаза қилишни баҳолаш

7-боб. Экологик экспертиза

8-боб. Экологик лицензиялаш ва сертификатлаштириш

9-боб. Экологик аудит

Учиничи бўлим. Атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишнинг иқитисодий тартибга солиш

10-боб. Атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишнинг иқитисодий механизмлари

11-боб. Атроф муҳитга етказилган зарарни қоплаш

12-боб. Экологик суғурталаштириш

Тўртинчи бўлим. Экологик назорат

13-боб. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш соҳасида давлат назорати

14-боб. Ишлаб чиқариш экологик назорати

15-боб. Испекциявий экологик назорат

16-боб. Жамоат экологик назорати

Бешинчи бўлим. Экологик мониторинг ва кадастр

17-боб. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида мониторинги

18-боб. Атроф муҳитни ифлослантириш участкларини давлат учети

19-боб. Давлат ер кадастри

20-боб. Фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген ҳосилалар давлат кадастри

21-боб. Давлат сув кадастри

22-боб. Давлат ўрмон кадастри

23-боб. Ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри

24-боб. Ҳайвонот дунёси давлат кадастри

25-боб. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри

26-боб. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри

27-боб. Давлат шаҳарсозлик кадастри

28-боб. Гидротехника иншоотлари давлат кадастри

29-боб. Тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат кадастри

30-боб. Автомобиль йўллари давлат кадастри

31-боб. Темир йўллар давлат кадастри

32-боб. Транспорт қувурлари давлат кадастри

33-боб. Алоқа объектлари давлат кадастри

34-боб. Энергетика объектлари давлат кадастри

35-боб. Чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари давлат кадастри

36-боб. Табиий хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри

37-боб. Техноген хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри

38-боб. Картография-геодезия давлат кадастри

39-боб. Ҳудудлар давлат кадастри.

Олтинчи бўлим. Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақалари

40-боб. Айрим ҳудудларни фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақалари деб эълон қилиш тартиби ва тушунчаси

41-боб. Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақаларини ҳуқуқий тартига солишнинг ўзга хос хусусиятлари

Еттинчи бўлим. Экологик таълим-тарбия ва илмий тадқиқотлар

42-боб. Экологик таълим-тарбия, мутахасисларни малакасини ошириш

43-боб. Экологик илмий тадқиқотлар

44-боб. Экологик таълим-тарбия олиб боришнинг усуллари, формаси ва ўзига хос хусусиятлари

Махсус қисм

Саккизинчи бўлим. Хўжалик ва бошқа фаолиятни юритишда экологик талаблар

45-боб. Экологик талаблар тўғрисида умумий қоидалар

46-боб. Хўжалик ва бошқа фаолиятни юритишда умумий экологик талаблар

47-боб. Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдаги экологик талаблар

48-боб. Сувлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдаги экологик талаблар

49-боб. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдаги экологик талаблар

50-боб. Ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдаги экологик талаблар

51-боб. Ҳавонот дунёсидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдаги экологик талаблар

52-боб. Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдаги экологик талаблар

53-боб. Муҳофаза этиладиган табий ҳудудлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдаги экологик талаблар

54-боб. Орол бўйи минтақаларини муҳофаза қилиш, ҳудуддаги аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсир кўрсатадиган фаолиятни амалга оширишдаги экологик талаблар

55-боб. Чиқиндилар билан муомлада бўлишдаги экологик талаблар

56-боб. Атмосфера хавосини муҳофаза қилишдаги экологик талаблар

57-боб. Радиация хавфсизлигини таъминлашдаги экологик талаблар

58-боб. Хавфли кимёвий, биологик, генмодификациялаштирилган моддаларни ишлаб чиқишдаги экологик талаблар

59-боб. Микронутриент моддаларни ишлаб чиқишдаги экологик талаблар

60-боб. Буғхона газлари ташламалари инвентаризациясини ва эмиссияси соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш

Тўққизинчи бўлим. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик

61-боб. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик тамойиллари ва йўналишлари

62-боб. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида трансчегаравий тартибга солиш

63-боб. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро низолар ва кўриб чиқиш хусусиятлари

Ўнинчи бўлим. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик ва экологик низоларни ҳал қилиш тартиби

64-боб. Экологик қонун талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик турлари

65-боб. Экологик низоларни кўриб чиқишнинг процессуал хусусиятлари

Хуллас, назарий фикрлар ва амалиёт жараёни шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизнинг географик ва экологик хусусиятларни инобатга олиб Экология кодексини қабул қилиш ҳозирги давр талаби бўлиб, у экологик қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда экология билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишда, ҳамда миллий экологик қонунчиликни халқаро андоза талабларига мослаштиришда муҳим аҳамият касб этади деб ўйлаймиз.

Муҳаммади Бахритдинович Усмонов
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси профессори, юридик фанлар доктори

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Бугунги кунда дунё бир қатор мураккаб ва тўпланиб қолган муаммоларга дуч келдики, бу ер юзидаги барча мамлакатлар аҳолисининг хавфсизлигига салбий таъсир этмоқда. Шундай хавфлар жумласига экологик хавф-хатар ҳам тааллуқли бўлиб, у иқлим ўзгариши, биохилмахилликни қисқариши, ернинг деградацияга учраши, атроф муҳитни ифлосланиши, ўрмон майдонларининг қисқариши, одамларнинг касалланиш даражасининг ўсиши, сув ресурсларининг тақчиллиги ҳамда улар сифатининг ёмонлашуви ва

шу кабиларда намоён бўлмоқда.

Вужудга келган ушбу ҳолатдан чиқиб кетиш йўлларидан бири сифатида дунё ҳамжамияти томонидан Барқарор ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилиб, унда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиат объектларидан оқилона фойдаланиш асосий муаммолардан бири сифатида белгиланди. Барқарор ривожланиш концепциясида кўрсатилишича, инсон табиий ресурсларни ўзлаштирганда биосферанинг барқарорлиги чегараси сақланишини шундай таъминлаши керакки, бунда инсон ҳаёти яшаши учун табиий асос бузилмаслиги лозим. Барқарор ривожланиш концепциясининг асосий қоидалари 1980 йилда Бутундунё атроф муҳитни муҳофаза қилиш дастурида шакллантирилган бўлиб, унда белгиланишича, жамиятни барқарор ривожланишини атроф табиий муҳитни сақламасдан амалга ошириб бўлмайди.

Барқарор ривожланиш термини расмий даражада биринчи марта 1987 йилда БМТнинг атроф муҳит ва тараққиёт халқаро комиссияси томонидан тақдим этилган “Бизнинг умумий келажагимиз” номли ҳисоботида ишлатилган. Бу ҳужжат Брундтланд ҳисоботи[1] сифатида ҳам маълум. Ушбу ҳужжатда барқарор ривожланиш ғояси сиёсийлаштирилиб, унда инсон, жамият ва табиат ўртасидаги барқарорликка эришиш мақсади эълон қилинди.

1989 йилда БМТ Бош ассамблеяси ушбу ҳисоботнинг тавсияларини кўриб чиқиб, Рио-де Жанейрода атроф муҳит ва ривожланиш бўйича бутундунё конференциясини ўтказишга қарор қилади (1992 йил). Конференцияда асосий эътибор барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қиладиган бугунги реал ҳаёт ҳамда ҳаёт ва табиат уйғунлиги, жамият ривожи ва атроф муҳит ҳолати ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга қаратилди. Ушбу конференциянинг якуни сифатида “XXI асрнинг кун тартиби” номли ҳаракат дастури қабул қилиниб, у XXI асрда инсоннинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик тараққиётининг

[1]Наше общее будущее. – М.: Прогресс, 1989.

умумбашарий дастури бўлиб ҳисобланади.

Инсон соғлиғи учун хавфсиз атроф табиий муҳитни таъминлаш муаммоси Нью-Йорк (2000 йил)да бўлиб ўтган “Минг йиллик саммит”да ҳам муҳокама қилинди. Унда табиий ресурсларни ишдан чиқишини қандай тўхтатиш; ҳозирги ва келажак авлод соғлиғи учун иқтисодий тараққиёт, ижтимоий эҳтиёжлар ва хавфсиз атроф табиий муҳит ўртасидаги барқарор уйғунликни қандай қилиб топиш каби асосий муаммолар муҳокама қилинди.

Барқарор ривожланиш ғоясини янада ривожлантиришга БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича Бутундунё Йоханнесбург конференцияси хизмат қилди (2002 йил). Бутундунё саммитида иштирок этган 200 та давлат раҳбарлари ўз зиммаларига барқарор ривожланишнинг уч омилини иқтисодий ўсиш, ижтимоий тараққиёт ва атроф табиий муҳитни сақлаш мажбуриятини олдилар. Санаб ўтилган халқаро ҳужжатларда кўрсатилишича, Барқарор ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари ҳаётнинг сифат кўрсаткичи (одамлар соғлиғи, уларнинг умр кўриш ёши, даромади, хавфсизлиги); экологик қулай муҳит кўрсаткичи (атроф муҳит ҳолати, табиий ресурсларни истеъмол қилиш ва фойдаланиш даражаси, экотизим ҳолати, биохилмахиллик ҳолати ва ҳ.к.); иқтисодий кўрсаткичлар каби индикаторлар ёрдамида аниқланади. Ушбу кўрсаткичларнинг лозим даражада амалда бўлиши барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилади.

Экологик хавфсизликни таъминлаш, барқарор ривожланишни амалга оширишда жамият, табиат ва инсон ўзаро муносабати мувозанатини бугунги кун талаблари даражасида тартибга солишга қаратилган, мукаммал такомилига етган экология қонунчилиги алоҳида аҳамият касб этади. Ваҳоланки, экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган қонунларни такомиллаштириш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланиб қолди. Чунки ҳозирги экологик таназзул шароитида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича муносабатларни аниқ ҳуқуқий тартибга

солиш экологик хавфсизликни таъминлаш ва барқарор ривожланишни амалга оширишнинг муҳим кафолати бўлиши мумкин.

Аммо, бугунги кунда экология қонунчилиги экологик тангликни бартараф этишга лозим даражада кўмаклашаяпти деб бўлмайди, балки кўпчилик ҳолатларда уни вужудга келиши ва кўпайишига сабаб бўлиб, декларатив характердалиги, муносабатларни тартибга солишда тегишли мурувватсизлиги билан кўзга ташланмоқда. Экология қонунчилигининг яна бир камчилигини шунда кўриш мумкинки, унда табиат объектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ кўпгина муносабатлар, яъни табиий ресурсларни муҳофаза қилиш муносабатларига тегишли бўлган экологик талаблар, экологик мониторинг, экологик назорат, табиий ресурсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, жиноий жавобгарлик масаласи тўла ўз ифодасини топган эмас.

Бундан ташқари, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг умумий мажмуага эга эмаслиги, турли тармоқ қонунчилигига бўлиб ташланганлиги ҳам муаммони тўла ва етарли даражада ҳал килинишига тўсиқ бўлмоқда.

Маълумки, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солувчи қонунларни яратиш ўта мураккаблиги билан характерланади. Бунинг сабабини табиий муҳитнинг миллий чегараларни билмаслиги, тибиий кучларнинг инсон куч-қудратидан устунлиги, табиат объектларининг инсон меҳнати маҳсули эмаслиги, табиатнинг умумий қонуниятларининг жамият қонунларига бўйсунмаслиги ва шунга ўхшаш ҳолатларда кўриш мумкин. Бундан ташқари, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ер ости бойликларидан, сувдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, атмосфера ҳавоси тозалигини сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини йўқолиб кетишига йўл қўймаслик, ҳар хил

экологик касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш, биохилмахилликни сақлаш дунёдаги барча давлатлар олидида турган бир хилдаги вазифа бўлиб турибди. Бу глобал муаммони умумий куч билан муваффақиятли амалга оширишга қаратилган биз юқорида билдирган кўпгина ғоялар мавжудки, бу ғоялар ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларини эътиборга олиш ҳам экология қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, юридик адабиётларда табиатни муҳофаза қилиш қонунларини ишлаб чиқиш назарияси, уни табиат объектлари бўйича соҳалар қонунчилиги билан ўзаро муносабати, уларни бир-бирига ўзаро таъсири муаммолари деярли тадқиқ қилинмаган. Келажакда қабул қилиниши мумкин бўлган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш қонунларининг асосини ташкил этадиган ғоялар, мақсадлар ва концепциялар ҳақидаги масалаларда аниқлик ва якдиллик йўқ. Чунончи, илмий адабиётларда бир неча бор ҳуқуқ тизимида иккита мустақил соҳа, яъни табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқи ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда тегишлича иккита мустақил шу номлардаги қонунчилик тармоқларини ташкил қилишга уринишлар бўлган. Аммо, бу кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмасдан, табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш шунчалик бир-бири билан боғлиқки, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас деб ҳисобламоқдалар. Шунинг учун бугунги кунда табиатни муҳофаза қилишга бағишланган қонунлар билан табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар комплекс характерда бўлиб, улар ҳам муҳофаза, ҳам фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни мажмуалашган тартибда яхлит тартибга солмоқда. Бу каби қарашлар ҳам табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни алоҳида айри ҳолда яратишга маълум даражада қийинчилик туғдирмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини такомиллаштириш зарурияти экологик-иқтисодий тизимда табиий ресурслардан фойдаланиш бош элемент, уларни муҳофаза этиш эса иккинчи

даражали сифатида қаралиши билан ҳам чамбарчас боғликдир. Экологик муносабатларни бу каби тамойил асосида ҳуқуқий тартибга солиниши фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишнинг хўжалик фаолиятини олиб боришдан устуворлиги, фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашни иккинчи даражага суриб қўйилишидан далолат беради. Ваҳоланки, экология қонунчилигининг бош ғояси сифатида, энг аввало, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш ётиши керак.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш қонунларини яратиш жараёнида вужудга келадиган яна бир муҳим муаммо бу – жамиятнинг экологик ва иқтисодий манфаатлари ўртасидаги мақбул муносабатни илмий асосда белгилаш ва уни ҳуқуқий тартибга солишдан иборат бўлиши лозим. Аммо, амалиётни ўрганиш шуни кўрсатадики, бу масалада қонун ижодкорлиги иқтисодни экологиядан устуворлигини ўрнатиш йўлидан борди.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш борасидаги вазифалар табиий ресурслардан фойдаланишни атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишдан устуворлиги тамойилини қонунларга сингдиришга сабаб бўлмаслиги керак. Экология қонунларини яратишда шундай йўлни топиш лозимки, шундай воситаларни қўллаш зарурки, бир томондан хўжалик фаолияти тараққий этсин, иккинчи томондан табиатни муҳофаза этиш муносабатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга ёрдам берсин. Саноатни, қишлоқ хўжалигини, транспортни атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш вазифаларини ҳал қилиш асосида ривожлантириш бугунги куннинг асосий талабидир. Шунга кўра, экология қонунчилиги табиатни муҳофаза қилиш манфаатларига устуворлик бериб, иқтисодиёт ва экология узвийлиги мезонига алоҳида аҳамият бериши керак. Муаммони шундай тартибда ҳал қилиш, бизнингча, тўғридир, ёҳуд, бунда биринчидан, табиатдан

фойдаланиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда экологиянинг ҳам, иқтисоднинг ҳам манфаатларини ҳисобга олиш зарурияти таъкидланаяпти; иккинчидан, уларнинг узвийлигини таъминлаш имконияти бўлмаса, устуворлик экологияга бериш зарурлиги ғояси илгари суриляпти.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, бугунги кунда табиий ресурслардан фойдаланиш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, улардан самарали фойдаланишни жорий қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратишдан олдин, биринчи навбатда атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш муаммосини ҳал қилишга қаратилган ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилиши зарурдир.

Хўш, бу муаммони қандай ҳал этиш мумкин? Маълумки, табиат объектлари (ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси) бир-бири билан ўзаро бирликда, яхлитликда ва алоқада бўлади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, ёхуд экологик тизимда битта табиат объектининг муҳофазасини бузиш бошқасига салбий таъсир этади. Шу сабабдан, табиат объектларини муҳофаза қиладиган қонун ҳужжатларини бирлаштириш, уларни ягона битта меъёрий хужжатда умумлаштириш мақсадга мавофиқдир.

Ушбу муаммога тааллуқли ечилиши лозим бўлган бошқа муҳим масала атроф табиий муҳитни муҳофаза қиладиган меъёрий хужжатнинг тури қандай бўлиши керак? Кодекс ёки қонун. Аввало, шуни айтиш лозимки, ҳуқуқ нормалари муҳофаза этадиган табиат объектлари турли туманлиги, ўзига хос хусусиятларга эгалиги, алоҳидалиги, мустақилликка эгалиги билан характерланади. Чунончи, ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (давлат қўриқхоналари, заказниклар, миллий боғлар ва ҳ.к.)нинг барчаси ҳуқуқ муҳофаза этадиган табиий объект сифатида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Маълумки, ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган

муносабатлар турли туман бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлса, ҳамда яхлит бирликни ташкил этса улар мажмуалашган меъёрий ҳужжат, яъни кодекс билан тартибга солиниши керак. Шунинг учун табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш муносабатларининг умумийлиги, яъни табиат объектлари эканлиги, шунингдек ҳар бир табиат объектининг алоҳида автономлигини эътиборга оладиган бўлсак, бундай ҳуқуқий муносабатлар, табиийки кодекс билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ. Бу кодексни Экология кодекси деб аташ мақсадга мувофиқ бўлиб, унда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиниши лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини Экология кодекси тартибга соладиган муносабатлар доирасига киритмаслик, бу муносабатларни табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқининг алоҳида соҳалари: ер, сув, тоғ-кон, ўрмон ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиш мақсадга мувофиқдир. Экология кодекси билан эса фақат табиат объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш муносабатлари тартибга солиниши лозим деб ўйлаймиз. Бу билан, бизнингча, биринчидан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни табиий ресурслардан фойдаланишдан устуворлигини таъминлаш; иккинчидан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни мажмуалашган битта қонун (Экология кодекси) билан тартибга солиш; учинчидан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилиги сифати ва таъсир кучини ошириш; тўртинчидан, табиатни муҳофаза қилиш самарадорлигини янада оширишга эришиш мумкин.

Экология кодексини яратиш тўғрисидаги ғоя илгари сурилаётган экан, албатта, бу кодекснинг тузилиши, тизими қандай бўлиши керак деган савол туғилади. Аввало, бу кодексда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш вазифалари, мақсадлари, тамойиллари ўрнатилиши лозим. Шунингдек Экология кодекси ўзида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг табиатни муҳофаза этишга тегишли

ваколатлари, табиий муҳит сифати нормативлари ва стандартлари, экологик мониторинг, экологик экспертиза, экологик назорат, табиат объектлари (ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси, муҳофаза этиладиган ҳудудлар)ни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик каби муносабатларни тартибга солишни мужассам этиши керак.

Шундай қилиб, Экология кодексида қуйидаги бўлимлар ўз ифодасини топиши лозим: I) Умумий қоидалар, II) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг табиатни муҳофаза этиш бўйича ваколатлари, III) Жамоат ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш бўйича ваколатлари, IV) фуқароларнинг табиатни муҳофаза этиш бўйича мажбуриятлари, V) ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, VI) ер ости бойликларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, VII) сувни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, VIII) ўсимлик дунёсини ҳуқуқий муҳофаза килиш, IX) ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, X) атмосфера ҳавосини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, XI) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш, XII) атроф табиий муҳит сифатининг нормативлари ва стандартлари, XIII) экологик мониторинг, XIV) экологик экспертиза, XV) экологик назорат, XVI) фавқулотда экология вазиятлари, XVII) корхона, иншоотни жойлаштириш ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун экологик талаблар, XVIII) табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирлари, XIX) табиатни муҳофаза қилишга оид низоларни ҳал қилиш, XX) табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик, XXI) якунловчи қоидалар.

Мухтасар қилиб айтиш мумкинки, Экология кодексининг қабул қилиниши бизни ўраб турган атроф табиий муҳитни муҳофаза килишга, уни соғломлаштиришга, аҳоли учун қулай табиий муҳит яратишга, республикамиз фуқароларининг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашга, барқарор ривожланишни амалга оширишга, умуман олганда ҳозирги ва келажак авлод учун

она табиатни асрашга хизмат қилади.

Омонбой Оқюлов
Тошкент давлат юридик университети Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор

ИННОВАЦИЯНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШДА ЭКОЛОГИК МЕЪЁРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида ижод эркинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилиши кўрсатилган. Ушбу норма замирида ғоят улкан мазмун мужассам. Илмий-техникавий ривожланиш ҳар қандай мамлакатнинг ривожини асосий манбаи ҳисобланади. Бугунги кунда илмий-техникавий ишланмаларни иқтисодиётга ва ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига жорий этиш бўйича алоҳида босқич инновация босқичи мавжуд. Инновация ҳар бир давлат иқтисодий-ижтимоий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади.

Инновация ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида мавхум категория эмас балки, иқтисодиётда ижтимоий сиёсий ва хаётнинг бошқа соҳаларида ўзини аниқ равшан намоён этадиган моддий неъматлар мажмуидир. Шу сабабли хам дунёда ривожланган мамлакатларнинг барчаси инновацияни давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб қўйганлар. Жумладан, Хитой халқ республикаси раҳбарияти бундан кейинги тараққиёт йўналишини инновация билан боғлаш ва 2014 йилда бунинг эвазига ялпи ижтимоий маҳсулот ўсиш хажмларини пасайишига йўл қўйилишини маълум қилдилар[1].

Мамлакатимизда ҳам инновация жараёнларига катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий иқтисодий ривожлантириш

[1]EVRO NEWS. 19 октябр 2013 йил 9-03.

якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини белгилаш” деб аталиши бежиз эмас. Президентимиз таъкидлашича 2013 йил ва яқин келажакга мўлланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгиланишни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўринни тутиши даркор. Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойихани амалга оширишни кўзда тутадиган инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган ўн уч миллиард долларнинг етмиш беш фоизини ички маблағлар хисобидан молиялаштириладиган маблағлар қолган қисмини жалб этилган хорижий инвестициялар ташкил этади.

Ишлаб чиқариш қурилиши учун мўлжалланган жами инвестициялар тўртдан уч қисмини янги ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш учун тўғри келмоқда.

Инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тобора муҳим ўрин тутмоқда. 2013 йилда фақат жамғарма маблағлари хисобидан қиймати 780 миллион долларлик 34 тадан ортиқ муҳим лойиха биринчи навбатда хорижий шериклар билан ҳамкорликда барпо этилаётган объектларни молиялаштириш режалаштирилмоқда. 2013 йилда кўзланган мақсад қурилиши бошланган ва мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган объектларни барпо этиш суръатларини пасайишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга.

Жорий йилда 115 та муҳим объектни ишга тушириш кўзда тутилмоқда[1].

Ушбу реконструкция модернизация иқтисодиётнинг барча сохаларида шу жумладан энергетика, транспорт, йўл қурилиши, уй жой қурилиши ва бошқа сохаларни қамраб олган. Ушбу сохалардаги инновацион жараёнлар айниқса ахборот коммуникация ва телекоммуникация сохасида устувор аҳамиятга эга. Юртбошимиз таъкидлаганидек иқтисодиётнинг барча сохаларига кундалик хаётимизга замонавий ахборот коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади, биз қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш балки ахборот коммуникация технологияларни жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур[2].

Ушбу реконструкция ва модернизация жараёни бир пайтнинг ўзида инновация жараёни хам хисобланади. Ушбу жараёнда бир қарашда моддий мулк объектлари бўлиб кўринган ускуналар, қурилмалар, бинолар, иншоотлар айни пайтнинг ўзида интеллектуал мулк объектлари сифатида ҳам намоён бўлади. Интеллектуал мулк объектларини яратиш, уларга нисбатан турли субъектларни ҳуқуқлар хажми ва турлари, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ва уларга нисбатан ҳуқуқларни химоя қилиш ва умуман олганда ушбу объектларнинг ҳуқуқий режими ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай ўзига хос хусусиятларни англаб етмасдан туриб ва уларни хисобга олмасдан туриб инновация жараёнини ҳуқуқий моҳиятини тўла қонли англаб бўлмайди.

Инновация жараёни предмети ва натижаларини одатда интеллектуал мулк ҳуқуқий режими орақали ҳуқуқий тартибга солинади. Унинг интеллектуал мулк ҳуқуқий режимида бўлиши

[1]Халқ сўзи. 2013 йил 19 январ.
[2]Ўша манба.

уларга нисбатан бошқа тартибларни жорий этилишини истисно этмайди. Масалан, ушбу объектлар санитария, санитарияэпидимологик, экологик, архитектура қурилиш, экспертизадан ўтказиш ва назоратини амалга ошириш.

Албатта инновация жараёни орқали яратилган объектлар интеллектуал мулк объекти ҳуқуқий режимига тушмаслиги мумкин. Масалан, интеллектуал мулк объекти сифатида муҳофаза қилинмайдиган қурилмалар, ускуналар, технологиялар яратиш ва улардан фойдаланиш. Бироқ, бу инновацион фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатади. Бундай инновация жараёни бозорда маҳсулотлар, ишлар ўта юқори сифати ва рақобатбардошлигини таъминлай олмайди. Агарда инновация фаолияти предмети ва натижалари интеллектуал мулк ҳуқуқий режимига тушса бу ҳолда уларни иқтисодий, социал, экологик, эргонометрик ва бошқа юқори сифат кўрсаткичлари кафолатланади ва амалда таъминланади.

Бугунги кунда амалдаги қонунчиликда интеллектуал мулк умумий норматив асослари билан инновация жараёни норматив асослари ўртасида узвий боғланиш таъминланишида муаммолар мавжуд. Холбуки интеллектуал мулк умумий норматив асослари билан инновация жараёни ўртасидаги хусусият умумийлик ва нисбийлик ўртасидаги нисбат каби бўлмоғи лозим. Бироқ, инновация жараёнини норматив асосларида ноюридик мутахассислар иқтисодчилар, инжинер техник мутахассислар етакчи роль ўйнаги сабабли юқоридаги узвий боғланиш ҳар доим ҳам таъминланмаяпти. Масалан, Фуқаролик Кодексининг 863-моддасида комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномасини шакли, уни рўйхатга олиш талаблари белгилаб қўйилган. Унга кўра рўйхатга олиш лицензия рўйхатга олинган жойда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган “Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш

тўғрисидаги Низомда” агар комплекс лицензиат хорижий давлатда юридик шахс ёки якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса франшизинг тўғрисидаги шартномани (мухим ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш хамда бекор қилиш)ни давлат рўйхатидан ўтказиш лицензиат сифатида иш кўрадиган юридик шахс ёки тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказган орган томонидан рўйхатдан ўтказдирилади. Бундай кўрсатма Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик субъектлари – лицензиатлари учун ноқулайлик вужудга келтиради. Холбуки, низомнинг русча матнида бу ҳолат аниқ белгиланиб агар лицензиар хорижий давлатда давлат рўйхатидан ўтган бўлса Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган лицензиатга франкшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказдириш лицензиатни давлат рўйхатидан ўтказган Ўзбекистон Республикаси давлат органида амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Баъзи ҳолатларда инновация фаолияти норматив асосларида нобарқарорлик кузатилмоқда тез-тез ўзгартиришлар киритилмоқда масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг қарори билан тасдиқланган 2009 йил 2 февралда қабул қилинган Адлия вазирлигида 1893 рўйхат рақами билан қайд этилган хар йили ўтказдириладиган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойихалар республика ярмаркасида тузилган шартномалар ва келишув баённомаларини амалга ошириш мониторинги тўғрисидаги низом Адлия вазирининг 2013 йил 3 октябрдаги 301-МХ-сон бўйруғи билан реестрдан чиқарилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг қарори билан тасдиқланган 2013 йил 4 сентябрдаги 5-, 46-сон қарори билан тасдиқланган хар йили ўтказдириладиган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойихалар республика ярмаркасида тузилган шартномалар ва келишув

баённомаларини амалга ошириш мониторинги тўғрисидаги низом 2013 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказдирилди рўйхат рақами 2514, 2013 йил 13 октябрдан кучга кирди. Бундай нобарқарорлик инновация жараёни иштирокчиларини тўғри мўлжал олишларига тўсқинлик қилган бўлур эди.

Инновация жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш интеллектуал мулк объектларини яратиш ва улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш жараёни билан узвий боғлиқ ва унинг таркибий қисми экан бу ҳолат улар учун ягона ёки хеч бўлмаганда ўзаро боғлиқ ва мувофиқ ҳуқуқий тартибга солиш механизми яратилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Бинобарин интеллектуал мулк объектларини яратиш ва уларни ижтимоий ҳаётга жорий этиш бўйича инновация жараёнида амал қилиниши лозим бўлган талаблардан бири – бу экологик меъёрларга риоя қилиш ҳисобланади. Ҳар қандай интеллектуал мулк объекти уни яратилиш жараёнида, уни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва ундан фойдаланиш жараёнида атроф муҳитга, инсон, унинг ҳаёти, соғлиғига зарар етказмаслиги шарт. Шу сабабли ҳам инновация лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказдириш муҳим талаб ҳисобланади. Албатта бу инновация лойиҳаларининг қийматини, сарф-харажатларнинг ҳажмини ошишига олиб келади. Бироқ, бу ҳолат инновация учун тўсиқ бўлмаслиги лозим. Фикримизча экспертиза харажатларини тўлиғича тадбиркорлик субъектлари зиммасига ёхуд инновация жараёнида наф кўрувчилар зиммасига тўлиғича юклаш мақсадга мувофиқ эмас. Экалогик экспертиза жамият манфаатларини кўзлаб ўтказилганлиги сабабли давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши лозим.

Шухрат Хасанович Файзиев
профессор кафедры Государственно-правовых дисциплин
Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека,
доктор юридических наук

ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ ГОСУДАРСТВА: СИСТЕМА, КЛАССИФИКАЦИЯ И ПРОБЛЕМЫ КОДИФИКАЦИИ

Охрана окружающей природной среды, рациональное использование природных ресурсов, обеспечение экологической безопасности населения, как известно, являются основными направлениями экологической политики государства. Именно в этих направлениях осуществляется тесное взаимодействие общества и природы, которое составляет сущность и основное предназначение общественных экологических отношений.

От состояния и совершенствования законодательных актов в названных сферах напрямую зависит успешное проведение экологической политики государства.

Необходимо подчеркнуть, что в системе «общество – природа» все экологические отношения возникают в процессе охраны окружающей природной среды, рационального использования природных ресурсов и обеспечения экологической безопасности населения. Основываясь на теоретических аспектах классификации нормативных актов и специфических особенностях экологического законодательства, предлагаем следующую классификацию эколого-правовых нормативных актов:

1. По юридической силе все нормативно-правовые акты подразделяются на законы – акты, принимаемые высшими представительными органами власти, и подзаконные акты – акты, принимаемые органами исполнительной власти.

2. По основным направлениям экологических отношений:

законодательство по охране окружающей природной среды – природоохранительное;

законодательство в области использования природных ресурсов – природоресурсовое;

законодательство по обеспечению экологической безопасности населения.

3. По предмету регулирования нормативные акты подразделяются на общие и специальные.

4. По характеру правового регулирования источники экологического права подразделяются на материальные нормативные акты, в частности, Законы Республики Узбекистан «Об охране природы», «Об экологической экспертизе» и т.д., и процессуальные нормативные акты, т.е. те нормативные акты, которые регламентируют процессуальные аспекты регулирования правоотношений, например, Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности, Хозяйственный процессуальный Кодекс и др.

5. По системе законодательные акты в сфере экологии подразделяются на кодифицированные и некодифицированные.

Кодифицированными нормативными актами являются Закон Республики Узбекистан «Об охране природы», Земельный Кодекс Республики Узбекистан и др. Некодифицированные акты – это акты, которые регулируют конкретный объект экологических отношений, например, Закон «Об экологической экспертизе», «О метрологии», «О стандартизации», «О радиационной безопасности», «Об отходах» и т.д.

6. По масштабу регулирования – это нормативные акты:

национального масштаба, т.е. экологическое законодательство, действующее на территории Узбекистана;

регионального уровня, т.е. нормативные акты, регулирующие регионально-территориальные экологические отношения. Например, Соглашение Центральноазиатских республик по проблемам Арала и Приаралья, о совместной охране и использовании рек Амударьи и Сырдарьи и т.д.

международного масштаба – нормативные акты международного права, ратифицированные Республикой Узбекистан. Например, Конвенции «Об изменении климата», «О биологическом разнообразии», «Об охране озонового слоя» и др.

Экологическое законодательство США также имеет сложную систему. По специфическим особенностям правового регулирования она подразделяется:

на федеральное законодательство и законодательство штатов;

на законы и подзаконные акты;

на нормативные акты, принимаемые законодательной, исполнительной и судебной властями (судебный прецедент);

по направлениям регулирования экологических отношений – законодательство охраны окружающей среды от загрязнения; обеспечение рационального использования природных ресурсов для целей, не связанных с размещением отходов; заповедная охрана ценных природных объектов и т.д.[1]

Таким образом, анализ экологического законодательства, как нашей страны, так и других развитых стран, показывает наличие сложной системы экологических отношений, регулируемых интегрированными и дифференцированными нормами права.

Вышеизложенная классификация нормативных актов дает возможность систематизировать акты экологического законодательства, состоящего из следующих частей:

1. Конституционные основы экологической политики государства;
2. Законы Республики Узбекистан;
3. Подзаконные акты органов государственной власти и управления;
4. Международные договоры, общепризнанные принципы и нормы международного права.

[1] Николас А.Робинсон. Правовое регулирование природопользования и охраны окружающей среды в США. – М.: Прогресс, 1990.

Данная структура способствует, во-первых, конкретизации норм экологического законодательства по юридической силе и их действию в пространстве и во времени, во-вторых, упрощению процесса осознания основных требований законодательных актов, в-третьих, самое главное – создает необходимые организационно-регулятивные условия для широкого применения норм экологического законодательства всеми физическими и юридическими лицами.

В Конституции нашего государства закрепляются основные экологические права и обязанности, а также принципы охраны окружающей природной среды и использования природных ресурсов. Механизм же реализации этих норм конкретизируется в экологическом законодательстве.

Следовательно, среди нормативных актов, обеспечивающих проведение экологической политики государства, законы Республики Узбекистан занимают особое место.

Учитывая роль, значение и специфические особенности законов нашего государства в регулировании экологических отношений предлагаем их следующую классификацию:

1. Головной закон комплексного характера.
2. Законы по направлениям экологических отношений:

законы по охране окружающей природной среды – природоохранные законы;

законы по использованию природных ресурсов – природоресурсовые законы;

законы обеспечения экологической безопасности;

3. Экологизированные законы других отраслей права;
4. Законы экологического правопорядка.

Значение данной классификации состоит в том, что, во-первых, она построена с учетом количественных и качественных параметров каждого закона в регулировании экологических отношений. Во-вторых, – самое главное – сгруппирована по основным направлениям

экологической политики, с учетом её специфических особенностей. В-третьих, охватывает экологизированные законы других отраслей права, в том числе гражданского, хозяйственного, трудового, финансового, административного, банковского, налогового. В-четвертых, особое место в ней отводится кодифицированным законам, обеспечивающим экологический правопорядок.

Головной акт, регулирующий комплекс природоохранных и природоресурсовых отношений, – это Закон Республики Узбекистан «Об охране природы» от 9 декабря 1992 г.[1]

Данный закон содержит общественно-политические, социально-экономические, организационно-правовые механизмы охраны природы, использования природных ресурсов и обеспечения экологической безопасности. Все другие акты экологического законодательства принимаются в строгом соответствии с Конституцией и Законом «Об охране природы» Республики Узбекистан.

В регулировании сложных всеохватывающих экологических отношений, возникающих в системе «общество – природа», наряду с экологическими законодательными актами, которые приняты для прямого регулирования этих отношений, немаловажную роль играют нормативные акты других отраслей системы права и законодательства. В экологическом праве эти нормативные акты называются «экологизированными», т.к., регулируя общественно-политические, социально-экономические, организационно-технические отношения, они в то же время содержат экологические требования к осуществлению производственно-хозяйственной деятельности.

К экологизированным актам других отраслей права можно отнести:

Гражданский Кодекс Республики Узбекистан, Налоговый Кодекс Республики Узбекистан, Градостроительный Кодекс Республики

[1] Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан. – 1993. – № 1. – Ст. 38.

Узбекистан, Закон Республики Узбекистан «О дехканском хозяйстве», «О фермерском хозяйстве», «О концессиях», «О залоге», «О ветеринарии», «О карантине растений», и другие.

Законы экологического правопорядка – это такие кодифицированные нормативно-правовые акты, целью которых является обеспечение соблюдения экологических прав и обязанностей, предупреждение, предотвращение экологических правонарушений, установление санкций за противоправные действия или бездействия. К таковым относятся: Уголовный кодекс Республики Узбекистан, Трудовой кодекс Республики Узбекистан, Гражданский кодекс Республики Узбекистан, Кодекс Республики Узбекистан «Об административной ответственности», Уголовный процессуальный кодекс Республики Узбекистан, Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан, Хозяйственный процессуальный кодекс Республики Узбекистан.

На наш взгляд, такая классификация экологических законов республики позволяет, во-первых, раскрыть суть специальных эколого-правовых актов, направленных на регулирование правовых отношений по основным направлениям взаимодействия общества и природы, во-вторых, содействует интеграции норм и требований других отраслей права при регулировании экологических отношений, тем самым способствуя решению экологических проблем.

Закон Республики Узбекистан «Об охране природы», принятый 9 декабря 1992 года, является первым законодательным актом комплексного характера в условиях обретения независимости. После его принятия и до настоящего времени в республике принято более 20 важнейших законов, сотни подзаконных нормативных актов в области охраны природной среды, рационального использования природных ресурсов, обеспечения экологической безопасности населения.

Однако, Закон Республики Узбекистан «Об охране природы», принятый более 22 лет тому назад, на сегодняшний день не может

охватить все эколого-правовые отношения и координировать политико-правовые, социально-экономические, организационно-технические механизмы экологической политики нашей страны.

В настоящее время назрела потребность и имеются политико-правовые, социально-экономические предпосылки для принятия нового закона республики, регулирующего основные направления экологической политики государства. Мы предлагаем разработать и принять закон Республики Узбекистан «Об охраны окружающей природной среды». Этот закон должен: 1) содержать принципы и нормы охраны окружающей природной среды, рационального использования природных ресурсов, обеспечения экологической безопасности населения; 2) выработать механизмы, обеспечивающие защиту экологических прав и интересов физических и юридических лиц; 3) координировать деятельность всех органов государственной власти и управления, общественных организаций, юридических и физических лиц по охране природной среды; 4) устанавливать политико-правовые, социально-экономические механизмы реализации экологических мер; 5) защищать экологический правопорядок.

В условиях огромного массива взаимосвязанных законодательных актов, в той или иной мере затрагивающих отношения экологического характера, возникает проблема их дальнейшей кодификации.

Кодификация экологического законодательства – это сложный законодательный процесс, который основывается на политико-правовых, социально-экономических предпосылках взаимодействия общества и природы и научно-практическом обосновании разработки нормативного акта нового содержания.

Именно поэтому, мы считаем, что процесс кодификации экологического законодательства должен пройти следующие этапы:

1 этап – разработка и принятие головного кодифицированного нормативного акта – Закона Республики Узбекистан «Об охране окружающей природной среды».

2 этап – разработка и принятие Экологического кодекса Республики Узбекистан.

Первый этап – это период формирования и совершенствования эколого-правовых отношений и комплексного социально-правого механизма на основе объединения в головной кодифицированный акт законодательных актов в области охраны окружающей природной среды, использования природных ресурсов и обеспечения экологической безопасности населения.

Второй этап, будет периодом принятия Экологического кодекса Республики Узбекистан, основной целью которого явится комплексное регулирование эколого-правовых отношений.

Однозначно, что с принятием Экологического кодекса все законодательные акты, регулирующие отношения охраны и использования природных объектов, ресурсов и обеспечения экологической безопасности, систематизируются в органическом единстве в базовый нормативный акт.

На основе анализа мнений по поводу разработки и принятия Экологического кодекса, можно сделать следующие выводы:

Во-первых, Экологический кодекс – это свод законов прямого действия, систематизированный в единый организм, устанавливающий общие и специфические нормы и требования во всех направлениях взаимодействия общества и природы, консолидирующий все институты экологического права для решения экологических проблем.

Во-вторых, разработка Экологического кодекса – сложный правотворческий процесс, нуждающийся в научно-практическом обосновании и создании необходимых общественно-политических, социально-экономических и организационно-правовых механизмов реализации экологических мер.

В-третьих, эффективность реализации норм и требований Экологического кодекса будет напрямую зависеть от формирования институтов гражданского общества, широкого участия общественных организаций, махали и граждан в решении экологических проблем.

Хожимурот Миразимович Толипов
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси
Ўрмонзорлар барпо қилиш бўлими бошлиғи

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ЭКОЛОГИК АҲВОЛНИ ЯХШИЛАШДА ЎРМОНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида юртимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш борасида муайян тажриба орттирилди. Шу билан биргаликда соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб этади.

Биринчи навбатда, халқимиз учун соғлом атроф-муҳитни яратиш ҳам давлатнинг, ҳам жамиятнинг ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишига эришиш лозим.

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши аҳоли фаровонлиги ҳамда саломатлиги, шунингдек, экологик хавфсизлик, табиий экотизимлар ва атроф-муҳит мувозанатини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уни қайта тиклаш орқали кафолатланиши мумкин. Бу борада Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида мустақил сиёсат олиб бораётгани диққатга сазовордир.

Ўрмончилик сохасини оладиган бўлсак, 1990 йилгача Республикамизда умумий ўрмон фонди ер майдони 2,5 млн гектар бўлиб, шундан ўрмон билан қопланган майдонлар 1,4 млн гектарни ва ўрмон билан қопланганлик даражаси 3,1 % ни ташкил этиб, ўрмон хўжалигини юритувчи субъектлари сони 46 тани ташкил этар эди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин, ўрмонларни асраш мақсадида қишлоқ хўжалиги ерларидаги барча ўрмонли ерлар ўрмон хўжаликлари тасарруфига ўтказиб берилди, шунингдек Иттифоқ даврида 2,5 млн гектардан ортиқ арчазор, пистазор ва саксовулзор ўрмонлари чорва моллари боқиш учун узоқ муддатга фойдаланиш учун чорвачилик хўжаликларига бириктириб берилган эди. Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 7 январдаги 13 сонли қарори билан узоқ муддатга фойдаланишга берилган далолатномалар бекор қилинди ва ўрмонли ерлар ўрмон хўжалигини юритиш учун ўрмон хўжаликларига қайтариб берилди.

Бозор муносабатига ўтилиши туфайли ўрмон фонди ерларида чорва молларини боқиш тўловли тарзда амалга ошириладиган бўлди. Катта ва кичик дарё бўйларидаги ерларда ҳар хил иншоатлар қурилиб, атрофи қаровсиз бўлиб ётар эди. Эндиликда дарёлар қирғоқларида 100 -300 метргача кенгликда сувни мухофаза қилиш зоналари ажратилди ва у ерлардаги санитар аҳволни яҳшилаш мақсадида ўрмон хўжаликларига ўтказиб берилди ва у ерларда дов дарахт кўчатлари экилиб ўрмонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида 2013 йилга келиб республикамиздаги умумий ўрмон фонди ер майдони 9,6 млн гектарга шу жумладан ўрмон билан қопланган майдонлар 3,0 млн гектарга етди. Бугунги кунда ушбу ҳудудда 90 дан ортиқ ўрмон хўжалигини юритувчи субъектлар фаолият кўрсатади. Бугунги кунда ўрмон хўжаликлари томонидан ҳар йили республика бўйича 42 минг гектар майдонда уруғдан, кўчатдан экилиб ва табиий тикланиши бўйича тадбирлар ўтқазилиб келинмоқда.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви натижасида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқишга қулай имконият яратилди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти билан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиб, бу йўналишда бир қанча муҳим конвенцияларни ратификация қилди. Экологик тараққиётнинг халқаро, минтақавий муаммоларини ҳал этиш учун барқарор ривожланиш Концепцияси ва Миллий стратегияси, «XXI аср кун тартиби», атроф-муҳитни, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, чўлланишга қарши кураш, озон қатламини емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш, чиқиндиларни бошқариш Миллий ҳаракат режалари, парник газлари эмиссиясини камайтириш Миллий стратегияси қабул қилинганлиги фикримиз исботидир.

Маълумки, бизга собиқ тоталитар тузумдан нафақат миллий, балки минтақавий, ҳатто, умумбашарий аҳамият касб этган оғир экологик муаммолар мерос бўлиб қолган. Дунёда бирор бир мамлакат Ўзбекистон каби бир авлод кўз ўнгида бутун бошли денгиз қуришидек ўта оғир ва мураккаб экологик муаммога дуч келган эмас. Шуни таъкидлаш керакки, Қизилқум ва Қорақум чўллари ўртасида 5 млн гектардан ортиқ майдонда янги “Оролқум” юзага келди. Ушбу денгизнинг қуриган тубидаги чўкиндилар салгина шамолда тўзиб кетиб, атрофдаги табиатга, аҳолига, ҳайвонларга сальбий таъсир кўрсатмоқда. Қуриган денгиз тубидан кўтарилган заҳарли туз ва кимёвий чўкиндилар Қизилқум саҳроларига кўплаб ёғилиши натижасида у ердаги ўсимликлар дунёсига сальбий таъсир кўрсатмоқда.

Аҳволни бундай давом этиши Оролни иккинчи фожиасини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам қуриган денгиз тубида очилиб қолган майдонларни биринчи навбатда

ўрмонлаштириш ва у ердан заҳарли қум ва туз заррачаларини ҳавога кўтарилишини тўхтатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш лозим. Собиқ иттифоқ даврида Оролни қуриган тубида ўрмонлаштириш бўйича дастлабки ишлар бошланган эди, лекин ушбу ишларнинг кўлами ва ҳажми жуда кам бўлиб, ҳар йили ўртача 6-7 минг гектаргача майдонда бажарилар эди. Мустақилликдан кейин бу борада олиб бориладиган ишлар ҳажми 2 баробарга кўпайди ва эндиликда йиллик ўрмон мелиорация ишлари 15-16 минг гектар ҳажмда амалга оширилмоқда.

М.Б.Усмонов, М.Р.Мирзаабдуллаева ва Г.Ш.Узаковалар таъкидлаганидек, “давлатимизнинг мустақилликка эришиши, ижтимой-иқтисодий тараққиётда бозор йўналишини танланиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислоҳатларнинг амалга оширилиши самараси ўлароқ 1998 йил 30 апрелда ер бойликларидан

фойдаланиш ва уни муҳофазасининг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжат бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг стратегик мақсади ҳисобланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор иқтисодиёти муносабатларини жорий этиш талаблари ва шарт-шароитларига мос равишда ишлаб чиқилган”[1].

Умуман олганда, ер муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг ривожланишини шартли равишда бир неча босқичларга ажратган ҳолда даврлаштиришимиз мумкин. Юридик адабиётларда ер қонунчилиги ривожланишини даврлаштириш бўйича турлича фикр ва мулоҳазалар билдирилганлигини таъкидлаш ўринли.

Бизнинг фикримизча, мустақиллик йилларида ер қонунчилигининг ривожланишини шартли равишда қуйидагича даврлаштиришимиз мақсадга мувофиқ бўларди:

Биринчи босқич, мустақилликнинг илк йиллари ва ўтиш даврида ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунчилик асосларининг шаклланиши ҳамда мустақил Ўзбекистонда ер бериш, ер ажратиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишнинг ҳуқуқий манбалари белгиланиши, ерларни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари яратилиши билан тавсифланади ҳамда 1991-1998 йилларни қамраб олади.

Ушбу даврда авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ҳамда унда ер соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг конституциявий даражада тартибга солиниши аҳамиятлидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ер соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи – ерга нисбатан мулкчиликни, ерларни муҳофаза қилиш ва ундан

[1]Усмонов М.Б., Мирзаабдуллаева М.Р., Узакова Г.Ш. Ўзбекистонда ер ҳуқуқининг назарий муаммолари. Монография / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. проф. Ж.Т.Холмўминов. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 5-6.

оқилона фойдаланиш талабини белгиловчи қатор моддалар (50, 54, 55, 100-моддалар) ўрин олди[1].

Жумладан, мазкур босқичда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Хорижий юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳрида ер участкаларини ижарага бериш тўғрисида"ги 06.07.1994 йилдаги 346-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.11.1994 йилдаги "Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 575-сонли Қарори ва унинг асосида тасдиқланган "Ер майдонлари ажратиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссия тўғрисида" Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Корхоналар, иморатлар ва иншоотлар қурилиши учун танланган ерларда лойиҳалаш ишларини бошлашга рухсат бериш ва шу мақсадлар учун ер ажратиш тўғрисида"ги 29.12.1994 йилдаги 626-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида"ги 11.04.1995 йилдаги 126-сонли Қарори ва унинг асосида ишлаб чиқилган "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида"ги Низом кабиларни киритишимиз мумкин. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосан турли мақсадларда ер участкаларини бериш асослари ва тартибларини мустаҳкамлайди.

---

[1]Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ер-ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солиниши хусусиятлари тўғрисида батафсил қаранг: Усмонов М. Ўзбекистонда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2011. – №5. – Б. 68-71.; Холмўминов Ж.Т. Конституцияда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш масалаларининг тартибга солиниши // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – №6. – Б. 124-126.; Кенжаев Р. Ерларни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари// ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2011. – №5. – Б. 71-73.; Узакова Г. Ерларни муҳофаза қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2011. – №5. – Б. 75-76.; Хазраткулов А. Ер мулкчилигини бошқаришнинг конституциявий асослари // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2011. – №5. – Б. 86-89.; Сафаров Дж.И. Атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари: хорижий тажриба // Олий хўжалик суди Ахборотномаси – Тошкент, 2010. – №3. – Б.41-45.

Иккинчи босқич, бозор муносабатларига ўтиш шароитида ер муносабатларини тартибга солишнинг барқарор асосларининг шаклланиши, ер қонунчилигининг кодификациялашуви амалга оширилиши, ер соҳасида давлат бошқарувининг такомиллашуви, ер соҳасидаги кадастр ва мониторинг институтларининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилганлиги билан тавсифланади (1998-2006 йиллар).

Ушбу босқичда ер қонунчилигидаги муҳим янгилик бу – ер қонунчилигининг кодификациялашуви, яъни 1998 йил 30 апрелда 91 моддадан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси қабул қилиниши ва 1998 йил 1 июлдан кучга кириши бўлди.

Ер қонунчилиги ривожланишининг ушбу даврида ер мониторинги ва кадастри каби институтларнинг ҳуқуқий асослари шаклланиши рўй берди. Хусусан, мазкур даврда 1998 йил 28 августда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва ушбу Қонун ижросини таъминлаш бўйича 31.12.1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида”ги 543-сонли Қарори қабул қилинди ва унинг асосида “Давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.12.2000 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 496-сонли Қарори қабул қилиниб, унинг асосида “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилиши билан ер мониторингини юритиш механизмлари белгилаб берилганлиги ҳам ушбу давр қонунчилигидаги ўзига хос жиҳатлардан бири бўлди.

Шу билан бирга ушбу давр мобайнида маҳаллий давлат ҳокимият органларининг ҳам ер муносабатларини тартибга солиш бўйича ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари ҳам қизиқиш уйғотади. Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимининг 03.01.2003 йилдаги “Тошкент шаҳрида ер майдонларини узоқ муддатли ижарага ва

доимий фойдаланишга бериш бўйича ўтказиладиган танлов савдоларининг тартиби ва шартлари тўғрисида”ги 4-сонли Қарори қабул қилинган ва унинг асосида “Тошкент шаҳрида ер майдонларини эгалик қилишга, доимий фойдаланишга ва ижарага бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун тузилган Хайъат тўғрисида”ги ва “Ер майдонларини танлов савдолари асосида узоқ муддатли ижарага ва доимий фойдаланишга бериш тартиби тўғрисида”ги низомлар тасдиқланган.

Шунингдек, ушбу даврда фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳам ривожлантирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2003 йилдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 476-сон қарори ва унинг асосида “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низом, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сон буйруғи билан тасдиқланган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилди.

Ушбу даврда амалга оширилган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири бу – ер соҳасидаги давлат бошқарувини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлиб, ердан фойдаланиш, геодезия ва картография соҳасидаги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ердан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва ер муносабатларини тартибга солиш, давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.10.2004 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ–3502-сон Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.10.2004 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат

кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 483-сон қарори ва унинг асосида “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тўғрисида”ги Низом қабул қилинди.

Учинчи босқич, бозор муносабатларига ўтилиши туфайли ерларни фуқаролик муомаласига жалб этишга йўналтирилган, ер соҳасида ипотека ва бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинганлиги, ердан фойдаланишнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида фермер хўжаликлари фаолиятига тааллуқли, хусусан, фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи қабул қилинганлиги каби хусусиятлар билан тавсифланади (2006 йилдан ҳозирги вақтга қадар бўлган давр).

Ушбу даврда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар моҳият эътибори билан асосан қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат бўлиб, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрларини ижросини таъминлаш ва ер соҳасида тадбиркорлик муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, ушбу давр мобайнида 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ер участкаларидан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинганлигини алоҳида эътироф этиш лозим бўлади. Жумладан, бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 147-сон қарори ва унинг асосида тасдиқланган “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида доимий фойдаланиш учун ва узоқ муддатли ижарага ер участкалари бериш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинганлиги ер соҳасидаги

қонунчиликнинг мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга мувофиқ ҳолда ривожланаётганлигидан далолат беради.

Ушбу босқичда ердан фойдаланишнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида фермер хўжаликлари фаолиятига тааллуқли, хусусан, фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Мазкур босқичда хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.2006 йилдаги “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги ПФ–3780-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2011 йилдаги “Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4301-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.03.2010 йилдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш якунлари тўғрисида”ги 47-сон қарори қабул қилинганлиги ҳам сўзимизни тасдиқлайди.

Ушбу даврда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.05.2006 йилдаги “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 97-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 146-сон қарори ва унинг асосида тасдиқланган Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартиби тўғрисида Низом ва Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари

ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида Низом қабул қилинди.

Айни дамда биз ер соҳасидаги қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш истиқболларига оид бир неча устувор йўналишларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, ер қонунчилигининг ерларнинг ҳуқуқий муҳофазасига оид нормаларини ўрганиш асосида уларнинг асосан ерларнинг деградация ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш ҳамда салбий хўжалик таъсирига учраган ерларни қайта тиклашга қаратилганлигини кузатишимиз мумкин. Ваҳоланки, унда инсонлар фаолияти натижасида салбий таъсирга учрамаган ерларнинг, айниқса, табиий кучлар (тошқин, чўлланиш ва б.қ.) салбий таъсири остида бўлган ерларнинг унумдорлигини ошириш масалалари тартибга солинмаган. Ушбу камчиликни бартараф этиш мақсадида Ер кодексида мазкур масалаларга бағишланган ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи алоҳида модда киритилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, ҳозирги кунда ерларнинг хусусийлаштирилиши, ер ипотекаси борасида сезиларли ишлар амалга оширилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, шундай муносабатлар объекти бўлган ер участкаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларини ҳам қонунчиликда мустаҳкамлаш зарурияти туғилмоқда. Шунингдек, ер билан боғлиқ шартномаларни тузиш, уларни амалга ошириш, улар билан боғлиқ юридик оқибатларнинг келиб чиқишига оид юридик нормаларнинг такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, тупроқнинг ернинг унумдор қатлами ва умуман қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчи асосий органик моддаларни сақловчиси эканлигини ҳисобга олган ҳолда Ер кодексида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга бағишланган

алоҳида боб киритилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу боб доирасида тупроқ унумдорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари, тупроқ унумдорлигини таъминлаш соҳасида давлат ва ҳудудий дастурлар, тупроқ унумдорлигини таъминлаш устидан назорат, тупроқ унумдорлигини меъёрлаш, тупроқ ва агрокимё хизматини кўрсатиш, тупроқ унумдорлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятни молиялаш, тупроқ унумдор қатламини сидириб олиш ва сақлаш каби масалаларни тартибга солиш зарур.

Тўртинчидан, ерларни муҳофаза қилишнинг муҳим тадбирларидан бири ерларни рекультивация қилиш бўлиб, унинг ҳуқуқий ифодаси ер қонунчилигида ўз аксини топиши лозим. Шунга мувофиқ, Ер кодексининг ерларни муҳофаза қилишга оид 11-бобида ерларни рекультивация қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи махсус модда киритиш зарур. Унда, фойдаланиш учун ёки ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерлари ёхуд ўрмон фонди ерларида фойдали қазилмалар конларида қазиб олиш, геологик қидирув ҳамда бошқа ишларни амалга оширувчи ташкилотлар бу ерларда кўрсатилган ишлар якунига етгач, ерларни қишлоқ ҳамда ўрмон хўжалигида фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш бўйича ўз ҳисобларидан рекультивация қилиш мажбуриятини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид қонунчилик ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтмоқда ва бу ривожланиш йўли Ўзбекистон танлаган тараққиётнинг “ўзбек модели”га хос бўлган хусусиятлар билан белгиланади ҳамда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим жиҳатларини ўзида акс эттиради.

Оксана Юрьевна Ганюхина
кандидат юридических наук, доцент кафедры земельного и экологического права ФГБОУ ВПО “Саратовская государственная юридическая академия”

ЭКОЛОГИЧЕСКИЙ КОНТРОЛЬ – ОСНОВА УПРАВЛЕНИЯ ПРИРОДНЫМИ РЕСУРСАМИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ

Экологическая проблема является одной из самых актуальных проблем современности в связи с тем, что экологическая обстановка в мире за последние годы резко обострилась. Само слово экология приобрело семантический компонент “бережное отношение” в таких часто употребляемых в последнее время словосочетаниях: экология слова, экология души, экология культуры, что свидетельствует о необходимости изменения отношения общества к экологии. Экологический кризис, угроза экологической катастрофы беспокоит все население земного шара. Действительно, угроза окружающей среде, по существу, превратилась в проблему выживания человечества. “На рубеже веков человечество, население нашей страны оказалось перед лицом глобальной экологической угрозы, – пишет Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов, – не замечать этого, бездействовать – значит обречь себя на вымирание”[1].

Создание благоприятных условий для здоровья людей, сохранения экологического равновесия, рационального неистощительного природопользования в интересах эффективного и устойчивого социально-экономического развития республики, сохранение богатства видов и генетического фонда живой природы, сохранение многообразия экологических систем, ландшафтов и уникальных природных объектов, обеспечение экологической безопасности, сохранение культурного наследия, связанного с

[1]www.tsilecolog.ucoz.ru

объектами природы – являются целями охраны природы в Республике Узбекистан[1].

Государственное управление в сфере экологии является частью социально-политического управления обществом и проявляется в государственном регулировании экологических отношений. Посредством государственного управления государство осуществляет экологическую функцию государства и реализует экологическую политику. Государственное управление в сфере экологии направлено на обеспечение экологической безопасности, прав граждан на здоровую окружающую среду, на организацию рационального природопользования в стране, охрану, сохранение, воспроизводство и восстановление природных объектов и комплексов. Государственное управление в сфере экологии вытекает из права государственной собственности и связано с правомочием государства как собственника распоряжаться природными ресурсами. Государство посредством деятельности государственных органов организует использование природных ресурсов, предоставляет его юридическим и физическим лицам в пользование, во владение, аренду, а в случаях необходимости изымает их из пользования. Под государственным управлением в сфере экологии следует понимать исполнительно-распорядительную деятельность государственных органов по организации использования природных ресурсов и охраны окружающей природной среды. Государственное управление направлено на обеспечение реализации законодательных и других нормативно-правовых актов, обеспечение правопорядка при природопользовании и охраны окружающей природной среды[2].

Государственные органы Узбекской Республики наделены полномочиями по прекращению или приостановлению незаконного природопользования или иного вредного воздействия на окружающую природную среду, а также правом давать обязательные указания по устранению причин и последствий правонарушений.

[1]Закон Республики Узбекистан №754-XII от 9 декабря 1992 г. «Об охране природы» //www.lex.uz
[2]www.tsilecolog.ucoz.ru

Распорядительная деятельность государственных органов проявляется также в решении ими вопросов планирования использования и охраны природных ресурсов, распределения и перераспределения природных ресурсов. Данные полномочия были изъяты у контролирующих органов исполнительной власти в области охраны окружающей среды в России, что существенно усложняет процесс привлечения к ответственности виновных.

Государственное управление в сфере экологии осуществляется в соответствующих формах, к которым относятся нормотворческая, исполнительно-распорядительная и правоохранительная деятельность государственных органов. Правоохранительная деятельность государственных органов заключается в осуществлении экологического контроля со стороны государственных органов управления и принятии соответствующих мер к нарушителям экологического законодательства.

Государственные органы управления республики Узбекистан, как и в России, в зависимости от их полномочий, установленных законодательством, подразделяются на органы общей и специальной компетенции. К государственным органам общей компетенции относятся Президент Республики Узбекистан, Кабинет Министров Республики Узбекистан, Совет Министров Республики Каракалпакстан и органы государственной власти на местах.

К органам специальной компетенции относятся министерства, государственные комитеты и ведомства, в чье ведение входят полномочия в области регулирования экологических отношений. Государственные органы специальной компетенции подразделяются на межотраслевые, осуществляющие деятельность в сфере регулирования, использования и охраны нескольких природных ресурсов и отраслевые органы, регулирующие вопросы использования и охраны отдельного природного объекта. К межотраслевым органам экологического управления относятся Государственный комитет Республики Узбекистан по охране

природы, Центр гидрометеорологической службы при Кабинете Министров Республики Узбекистан, Министерство здравоохранения Республики Узбекистан.

К отраслевым органам экологического управления относятся Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, Государственный комитет Республики Узбекистан по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственному кадастру, Государственный комитет Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам, Государственный комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству и др. Центральное место в системе органов специальной компетенции занимает Государственный комитет Республики Узбекистан по охране природы (далее – Госкомприрода), поскольку он является надведомственным, координирующим органом, осуществляющим межотраслевое управление и контроль в сфере охраны природы. Госкомприрода подчинен и подотчетен Сенату Олий Мажлиса Республики Узбекистан, что отличает его от других органов республиканского управления[1].

Экологический контроль, являясь одним из проявлений экологической функции современного государства, выступает как составная часть механизма реализации и обеспечения эколого-правовых норм. В экологическом законодательстве Республики Узбекистан нет законодательного закрепления данного понятия, в отличие от Российского законодательства. Где контроль в области охраны окружающей среды (экологический контроль) – система мер, направленная на предотвращение, выявление и пресечение нарушения законодательства в области охраны окружающей среды, обеспечение соблюдения субъектами хозяйственной и иной деятельности требований, в том числе нормативов и нормативных документов, в области охраны окружающей среды[2].

---

[1]www.tsilecolog.ucoz.ru

[2] Федеральный закон от 10 января 2002 г. № 7-ФЗ «Об охране окружающей среды» // СЗ РФ. 2002. № 2, ст. 133; 2013. № 27, ст. 3477.

Теоретическое же понятие – экологический контроль – это проверка соблюдения предприятиями, учреждениями, организациями, министерствами, государственными комитетами и ведомствами и гражданами требований по охране окружающей природной среды, рационального использования природных ресурсов и обеспечению экологической безопасности населения, изучение и мониторинг состояния окружающей природной среды, проведение экологической экспертизы, а также осуществление других организационно-правовых мероприятий в этой сфере. По нашему мнению, в данном понятии помимо функции экологического контроля, перечислены такие функции управления как экологический мониторинг и экологическая экспертиза, что значительно усложняет определить содержательную сторону экологического контроля.

В целях обеспечения устойчивой окружающей природной среды для настоящих и будущих поколений людей устанавливает следующие задачи экологического контроля: наблюдение за состоянием окружающей природной среды и ее изменениями под влиянием хозяйственной и иной деятельности; проверку выполнения программ и отдельных мероприятий по охране окружающей среды, рациональному использованию природных ресурсов, оздоровлению окружающей природной среды, соблюдению требований природоохранного законодательства и нормативов качества окружающей природной среды.

Закон указывает следующие виды экологического контроля: экологический мониторинг; государственный экологический контроль; ведомственный экологический контроль; производственный экологический контроль; общественный экологический контроль (ст. 29)[1]. Хотелось бы еще раз указать на недопустимость определения мониторинга как вида экологического контроля, поскольку это самостоятельная функция управления.

[1] Закон Республики Узбекистан №754-XII от 9 декабря 1992 г. «Об охране природы» // www.lex.uz

В условиях реформирования и демократизации системы управления государственный экологический контроль приобретает новую сущность и содержание. В частности, в настоящее время можно выделить следующие его особенности. Во-первых, он выступает как постоянно осуществляемая государственная деятельность не одного, а многих и даже всех органов государства. Во-вторых, он приобретает демократический, гласный характер, становится доступным для общественности. В-третьих, государственный экологический контроль из самодовлеющего института превратился в средство эффективного решения экологических задач. В-четвертых, высокий уровень качества экологического контроля добывается с помощью правового контроля, основанного на законодательстве, исключающего произвольные действия, жесткость и ничем не ограниченное усмотрение.

Государственный экологический контроль осуществляется: а) от имени государства; б) специально уполномоченными на то органами и должностными лицами; в) носит вне- и надведомственный характер; г) представляет собой одну из функций государственного экологического управления; д) сопряжен с применением в необходимых случаях мер административного взыскания (приостановление деятельности, лишение права природопользования, штраф и т.п.).

Анализ экологического законодательства и положений об органах специального экологического контроля показывает, что они наделяются совокупностью прав и обязанностей, необходимых им для выполнения поставленной задачи. Все полномочия этих органов в этой сфере можно сгруппировать по шести направлениям: право посещать подконтрольные объекты, знакомиться с документами, требовать информацию, справки и отчеты; требовать устранения отмеченных недостатков и проведения профилактических природоохранительных мер в установленные сроки; выдавать разрешение на природопользование, устанавливать лимиты и

нормативы, назначать государственную экологическую экспертизу; принимать решение об ограничении, приостановлении, прекращении деятельности экологически вредных объектов, о возбуждении ходатайства о прекращении их финансирования учреждениями банка; налагать административный штраф в установленном размере за нарушение природоохранительного законодательства; предъявлять иски о возмещении вреда, причиненного природной среде, и направлять материалы для привлечения виновных к уголовной ответственности. Эти полномочия распространяются на все виды хозяйствующих субъектов независимо от форм собственности и подчиненности. Они принадлежат всем специально уполномоченным органам с учетом их профиля деятельности, рамок подведомственного им пространства, природных ресурсов, находящихся в их ведении[1].

Ведомственный экологический контроль осуществляется органами экологической службы министерств, государственных комитетов и ведомств за деятельностью подчиненных им структурных образований и организаций, учреждений, предприятий.

Производственный экологический контроль ограничен рамками конкретного хозяйствующего субъекта, предприятия, организации и осуществляется либо его руководителем, либо руководителями отдельных служб (главным инженером, главным технологом и т.п.), либо специально организованными экологическими службами (отделами) на основании представленных им прав и обязанностей нормативным актом либо специальным приказом, уполномочием.

Общественный экологический контроль в области охраны окружающей природной среды осуществляется общественными объединениями, трудовыми коллективами, гражданами. Может осуществляться в различных формах: а) общественная экологическая экспертиза; б) обращение в государственные органы управления и

[1]www.tsilecolog.ucoz.ru

власти, а также в средства массовой информации; в) направление жалоб, заявлений, исков в правоохранительные органы и суд.

Указанные виды экологического контроля зафиксированы в законе Российской Федерации “Об охране окружающей среды”, однако, непосредственного самостоятельного, нормативного закрепления экологического контроля и его видов в российском законодательстве отсутствует.

А вот в Республике Узбекистан он скоро появится. Проект Закона Республики Узбекистан “Об экологическом контроле” рассмотрен во втором чтении всесторонне. В целом принятие и реализация проекта Закона “Об экологическом контроле”, будет способствовать повышению эффективности экологического контроля, координации деятельности государственных учреждений, гражданских институтов в этой сфере, а также укреплению роли органов самоуправления граждан, и других общественных организаций в осуществлении действенного экологического контроля, в решении важнейших государственных программ в сферах охраны окружающей среды и здравоохранения. Данный единый нормативный документ, где сконцентрированы и конкретизированы процессуальные механизмы осуществления всех видов экологического контроля, создаст уникальную возможность для эффективного участия гражданского общества в решении важнейших государственных программ в области охраны окружающей среды[1].

Остается лишь надеяться, что эта замечательная практика дойдет и до российского законодательства.

[1] www.econews.uz/index.php/home/prirodopolzovanie/item/2246

Олим Холмаматович Нарзуллаев
Тошкент давлат юридик университети Экология ва аграр ҳуқуқи кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА ЯНГИ ЭКОЛОГИК МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

XXI аср юқори технолгиялар ва ахборот асри ҳисобланади.Цивилизация тарихида самарали технологияларни жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга. Халқаро миқёсида аҳолининг ўсиши табиий ресурслар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабани қондириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, барқарор ривожланиш шароитида илм фан ютуқлари иннавацион технологияларини жорий этган ҳолда норматив-ҳуқуқий базани шакллантириган ҳолда тараққиётга эришиш талаб этилади.

Бугунги кунда табиат бойликларидан инсоният томонидан шиддатли фойдаланиши жараёнида сўнги 2 минг йил ичида ер юзидаги табиий заҳираларнинг деярли 40 фоизи фойдаланиб бўлинди(аниқланган заҳираларнинг). Бунинг натижасида табиат инсоният олдига глобал исиш, чўлланиш, атмосфера, денгиз ва океанларнинг ифлосланиши, ўрмон ёнғинлари, хаддан зиёд қорнинг кўп ёғиши, зилзилалар, сув тошқинлари каби турли фавқулодда ҳолатларини юзага келтирмоқда.

Экологик барқарорлик – инсон фаолияти ва табиат «инжиқлик»лари (зилзила, тошқин, сунами ва ҳ.к.)нинг атроф муҳитга салбий таъсир этмайдиган даражаси, яъни маълум бир ҳудуд, кенглик ва минтақада экологик хавфсиз муҳит ҳолатининг бир меъёрда ушлаб турилишидир.

Жамиятда экологик хавфсизлик ривожланишга таҳдид солаётган ички ва ташқи омиллар сифатида қаралиб, давлатимиз раҳбари белгилаб берган концепциялар ва кўрсатмалар асосида унинг таъсир доираси борган сари камайтирилиб ва бартараф этилиб борилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий

ислоҳатлар натижасида қолоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига эга бўлиб, ижтимоий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда мисли кўрилмаган янгиликлар юз бериб, жадал тараққий этаётган мамлакат сифатида танилди. Шунингдек, “Биз учун мутлақо янги бўлмиш автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, нефть ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган янги-янги саноат тармоқларига асос солинди. Шунингдек, озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати ва бошқа тармоқлар тўлиқ модернизация қилинди ва дунё бозорида рақобатдош бўлган товарлар ишлаб чиқариш бошланди ва давом этмоқда”[1].

Таъкидлаш лозимки, табиат ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасида амалга оширилган ислоҳотларда қўлланилаётган инновациядан кўзланган асосий мақсад табиат бойликларидан оқилона фойдаланган ҳолда юқори самарадорликка эришиш, кам ҳаражат қилиб юқори сифатга эришиш, маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш, ер, сув, атмосфера ва бошқа заҳиралардан унимли фойдаланишдан иборат. Зеро, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишдаридан биридир.

Кейинги ўн йилликда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида экология ҳуқуқи назариясининг янада тараққиётига хизмат қиладиган энг муҳим устувор институтлар, йўналишлар қўйидагилар бўлиб қолади. Биринчидан. Ген инженерияси соҳасида атроф муҳит масаласи. Иккинчидан. Энергетикада (қуёш, шамол, сув, иссиқлиқ энергетикалари) атроф муҳитни муҳофаза қилиш, Учинчидан. Экологик туризм фаолиятни ривожлантириш, инвестиция ва технологияларни жалб этиш.

[1]Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир” номли маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси 2013 йил 7 декабр.

Тўртинчидан. Трансчегаравий сувлардан фойдаланиш, трансчегаравий чиқиндилар каби масалалар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар ичида, ген инженериясифаолияти натижасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат объектларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳалқаро миқёсда генетика соҳасини ривожлантириш ва тараққиёти амалиётга татбиқ этиш экология ва аграр соҳани ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу мақсадларга эришишнинг асосий омиллари сифатида қаралади. Чунончи, “Ривожланган мамлакатлардан ибрат олиб, физиология, генетика, селекция соҳасида фундаментал тадқиқотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, бу ишга давлат ёрдамини мунтазам йўлга қўйиш, селекция ишининг жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш лозим”[1].

Ген инженерияси-барча жонзот (шу жумладан, инсон) устида олиб бориладиган илмий-тажрибавий фаолиятдир. Ген инженериясида янги нав ва зот яратиш учун бир турдаги ёки бир оиладаги ҳайвонлар ва ўсимликлар эмас, балки бир-биридан бутунлай узоқ тур ва оиладаги ўсимликлар ва ҳайвонлар ўзаро ген инженерияси усулида чатиштирилади. Натижада мутлақо инсон тасаввурига сиғиши қийин бўлган гибридлар ва мутантлар (масалан, фил ва туянинг, балиқ ва товуқнинг, бўри ва қуённинг чатишмалари) юзага келади. Жаҳон жамоатчилигининг фикрича, бундай гибрид ва мутантларни яратилиши мавжуд табиий мувозанатни бузиш билан бирга инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ген инженерияси табиат қонуниятларни билишда, экология ва тибииётнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда, саноат ва қишлоқ хўжалигининг турли хил соҳаларини мувофиқлаштириш ва уйғунлаштиришда, кўплаб экологик ва ижтимоий муаммоларининг

[1]Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 412б.

ечимини топишда инсоннинг имкониятларини кенгайтиради ва янги жиҳатларни касб этади[1].

Ген инженерияси соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳар қандай касалликни олдини олувчи турли вакциналарни, касалликларни тез даволовчи дори-дармонларни тайёрлашда, янгидан-янги озиқ-овқат маҳсулотларини пайдо бўлишида асосий восита вазифасини бажаради. Бу эса экологик хавфсизлик ва табиат қонуниятларини бузмасликни талаб этади. АҚШ олимлари гуруч ядросидаги ДНК кодини ўзгартириш йўли билан шолининг сувсизликка чидамли навини клонлаш усулида яратишгани оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди[2].

Муайян янги натижага эришиш йўлида амалга оширилаётган тажрибалар ва амалиётлар ижобий натижа билан бирга салбий оқибатларни ҳам вужудга келтириши мумкинлигига ҳар доим ҳам шундай тадқиқот олиб бораётган шахслар кафолат бера олишмайди. Айниқса бир туркумда бўлмаган ўсимликлар ва ҳайвонлар генининг ўзгартирилиши келажакда инсон учун қандай хавф-хатар туғдиришини олдиндан башорат қилиш қийин. Бу борада табиат ресурсларидан илмий мақсадларда оқилона фойдаланишни ташкил этиш ва ушбу масаланинг ҳуқуқий механизмини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётларда, инсоннинг ақлий-ижодий фаолияти тирик борлиқнинг барча объектлари тиббиёт, биология, зоология, селекция, генитика, физиология каби жонли табиат билан боғлиқ барча соҳаларда олиб борилади. Нимаики тирик мавжудот бўлса, айнан ўша ген инженерияси тадқиқотининг объекти бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

Ген инженерияси фаолияти натижасидаги олинган маҳсулот фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар доирасига кирадиган масала, лекин

[1] Иойрыш А.И., Красовский О.А. Правовые аспекты генной инженерии // Государство и право, 1997. –№3. – С 112.
[2] Абдураҳмонов Ш. Ҳужайрани сунъий кўпайтириш истиқболлари // Сирли олам, 2002. – №8. – Б.12.

ушбу жараёнинг ўзи табиат қонуниятлари ва табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Хорижий давлатларда бу фаолият экология ҳуқуқининг объекти сифатида қаралиб алоҳида ўрганиладиган институт сифатида қаралмоқда. И.В.Гущиннинг фикрига кўра, ген инженерияси ва у билан боғлиқ муносабатлар экология ҳуқуқий муносабатлар доирасига киради[1]. Қозоғистон Республикаси Экология кодексининг 28-моддасида, ген инженерияси фаолиятини амалга ошириш тартиби берилган бўлиб, унда шунингдек, ушбу фаолятни амалга оширадиган шахслар риоя этиши лозим бўлган экологик-ҳуқуқий талаблар белгиланган.

Ген инженерияси натижалари инсон соғлиги ва атроф-муҳит учун анча хавфли бўлиши мумкин. Бу борада норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиладиган бўлса ушбу ҳужжатда ассосий эътибор, экологик муносабатларга устуворлик берилади, бу эса экология ҳуқуқининг махсус манбаси бўлиб хизмат қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Кўпчилик МДҲ мамлакатларида айнан шу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Масалан, Россия Федерациясида “Ген инженерияси соҳасидаги фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Швейцария, Янги Зеландия, Украина, Молдавия, Арманистон, Белоруссия давлатларида ген инженерияси соҳасида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва жонли табиатдан оқилона фойдаланиниш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди[2].

Ўзбекистон Республикасининг “Ген инженерияси тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш зарурияти юзага келди.

Фикримизча, юқорида қабул қилиниши таклиф этилаётган қонун ўзида ген инженерияси фаолиятининг ҳуқуқий тушинчасини, ген

---

[1]Гущин И.В., Дуля Е.Н., Авдей А.Г. Правовое регулирование государственного контроля в сфере генно-инженерной деятельности. Учреждение образования «Гродненский государственный университет имени Янки Купалы». 2010 г.

[2]Храмова Ю.Р. Генно-инженерные достижения в аспекте эколого-правовой проблематики. //Юридический мир. 2003. №3.С.66.

инженерияси соҳасидаги фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, ушбу фаолиятни амалга ошириш вақтидаги атроф-муҳит ва экология хавфсизлиги чегаралари ва меъёрларини, ген инженерияси натижаларини ҳуқуқий муҳофаза этиш чораларини ифодалаши зарур.

Ижтимоий тараққиётнинг муҳим воситаси бўлган инновацион ғоя ва лойиҳалар ишлаб чиқарилаётган товарлар турини кенгайтириш, ишлаб чиқариш сарфини камайтириш, экологик тоза технологияларни жорий этишга хизмат қилмоқда.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов Осиё Қуёш Энергияси Форумининг олтинчи йиғилишида қуйидаги фикрларни илгари сурдилар: Бугунги босқичда қуёш энергиясидан фойдаланиш муаммоси илмий тадқиқотлар ва тажриба-синов ишланмалари соҳасидан уларни амалиётда қўллаш соҳасига барқарор суръатда ўтиб бормоқда. Қуёш энергетикаси эса, қайта тикланадиган энергиянинг бошқа турлари каби, тўлиқ рақобатдош, энергиянинг, энергия олиш усул ва воситаларининг энг соф турларидан бирига айланмоқда[1].

Маълумки, кейинги йилларда энергетика соҳасининг муқобил тури ҳисобланган қайта тикланувчи энергия манбалари глобал аҳамият касб этиб, дунё иқтисодиётидаги устувор йўналишлардан бирига айланиб бормоқда. Бугунги кунда жадал суратларда амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ривожланиши ва тараққиёти энергияга бўлган талабнинг кучайишига олиб келди. Дунёда муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларини излаб топиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, хусусан, электр ва иссиқлиқ энергияси олиш учун қуёш энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ масалларни ривожланиши экологик тоза технологияларни жорий этиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Экология ҳуқуқи назариясида энергиядан фойдаланишнинг қуйидаги турлари қайд этилади.

[1]Каримов И.А. “Қуёш энергияси технологияларини ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари” мавзусидаги Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишидагинутқи “Халқ сўзи” газетаси 23 ноябр.

Чунончи, Қуёш, шамол, сув, атом, иссиқлик(углеводород) каби турларга бўлинади.

Европада энг кўп энергиядан фойдаланадиган давлат Германия ҳисобланади. Бир киловатт-соатэлектр энергиясини ишлаб чиқариш атом энергияси-2 цент, иссиқлик энергияси (углеводород)-5 цент, шамол энергияси-9 цент, Қуёш энергияси-35 цент билан баҳоланади[1].

Осиё қуёш энергияси форуми "Қуёш энергияси технологияларини ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари" мавзусидаги мазкур йиғилишида Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларидан қарийб 300 нафар халқаро молия институтлари, компания ва корпорациялар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, олимлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этди.

Марказий Осиё шароитида бир йилда 8 ой қуёшли кунлар бўлиб туриши ва ушбу арзон қуёш энергиясини қўллаш натижасида олинадиган биогазнинг таннархи бошқа минтақаларда олинган биогазларга нисбатан анча арзонга тушади. Агар 2008 йилда бир киловатт-соат қуёш электр энергиясини ишлаб чиқариш 35 цент даражасида бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам, экспертларнинг маълумотларига кўра, ўртача 11-12 центни ташкил этаётгани, Хитой ва Ҳиндистон каби айрим мамлакатларда эса барпо этилаётган фотоэлектр станцияларда бир киловатт-соат электр энергияси таннархини 8-9 центга қадар тушириш вазифаси қўйилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу мақсадга эришиш мумкин экани аён бўлади[2].

Ўзбекистоннинг қуёш энергияси бўйича ялпи салоҳияти 50973 миллион тонна нефть эквивалентига тенг, деб баҳоланади. Бу эса республика ҳудудидаги ҳозиргача текширилган барча қайта тикланувчи энергия манбаларининг 99,7 фоизига тенг. Унинг техникавий салоҳияти 176,8 миллион тонна нефть эквивалентига

[1]Deutsche Welle/DW. 2010.

[2]Каримов И.А. "Қуёш энергияси технологияларини ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари" мавзусидаги Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишидагинутқи "Халқ сўзи" газетаси 23 ноябр.

яқинлашиб қолади (ҚТЭМ жами техникавий салоҳиятининг 98,6 фоизи). Ўзбекистон ҳудудига ҳар йили тушаётган қуёш энергияси ўзининг абсолют қийматига кўра мамлакатнинг ўрганилган барча углеводород хомашёси захирасидан кўпдир. Ҳозирги вақтда қуёш энергиясининг бор-йўғи 0,6 миллион тонна нефть эквивалентига тенг қуввати ўзлаштирилган холос (техникавий салоҳиятнинг 0,3 фоизи)[1].

Қуёш энергияси — бу қайта тикланувчи энергия манбаидир, у амалда ишлатиш нуқтаи назаридан келажаги порлоқ, қулай ва фойдаланишда оддий энергия. Электрэнергия ишлаб чиқарилишида қуёш энергияси алоҳида аҳамиятга эга. Атроф табиий муҳитга зарарли таъсири бўлмайди, қуёш энергияси ишлаб чиқарилишида талофатлар бўлмайди, газ ва кўмир ёқиш ҳисобига олинадиган энергияга қараганда жуда самаралидир, яъни табиий ресурслар ишлатилмайди ва атроф муҳитга чиқиндилар чиқарилмайди. Бу эса экология ҳуқуқининг энг муҳим талаблари яъни экологик жиҳатдан атроф муҳитни ифлосланиши, бузилиши ва экологик хавфсизлик талаблари технологик жараёнларнинг камчиқитли ва чиқитсизлигини таъминлаш, ифлослантириш ва заҳарланишни камайтириш ва зарарли моддаларни нейтраллаштириш, энергияни альтернатив турларидан кенг фойдаланиш, тозалагич технологияларини доимо такомиллаштириб бориш ва уларни давлат назоратида ушлаб туриш каби талабларининг амалга оширилишига хизмат қилади.

Таҳлилларга қараганда, ҳозиргача 80 га яқин мамлакатда муқобил энергия манбалари соҳасида миллий қонунчилик яратилган. Айниқса, сўнгги ўн йилликда мазкур соҳада Австралия, Австрия, Бельгия, Бразилия, Канада, Хитой, Дания, Эстония, Чехия, Франция, Германия, Ирландия, Жанубий Корея, Нидерландия, Португалия, Сингапур, Швеция, Швейцария, АҚШ, Ҳиндистон ва Монголия каби мамлакатларда тегишли қонунлар қабул қилинган.

Ҳозирги кунда муқобил энергия манбаларидан янада самарали фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий асослар

[1]Холмўминов Ж.Т. Янгича назар: энергетика ва қонун ёхуд соҳанинг ҳуқуқий асослари. “Инсон ва қонун” газетаси 2013 йил 20 ноябр.

яратилган яъни “Электр энергетикаси тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони (1.03.2013), бу соҳани янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, энергетикада атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва энергиядан оқилона фойдаланиш соҳаси билан боғлиқ масалаларни амалга ошириш муҳим вазифалардандир. Бу борада ҳам экология соҳасида энергетикада атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табий ресурслардан фойдаланиш соҳасига оид ҳуқуқий билимларни кенгроқ ўрганиш, ҳуқуқий норматив ҳужжатларни тарғиб қилиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича қонунчилик ҳамда меъёрий базани янада такомиллаштириш барқарор ривожланишнинг асосий шартларидан бўлиб қолади.

Экологик туризм – экология ҳуқуқи соҳасига янги кириб келган ва ривожланаётган соҳа ҳисобланади. Экологик туризм соҳасида истиқлол йилларида Ўзбекистонда инсоннинг табиат ва жамиятга нисбатан муносабатини уйғунлаштириш, экологик барқарорликка эришиш ва аҳолининг экологик маданиятини оширишга доир жуда катта ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида мамлакатимизда экологик туризм истиқболли ва ривожланиб бораётган соҳага айланмоқда. Жумладан, “Туризм тўғрисида”ги, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 ноябрдаги 294 сонли “2013-2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги, 2013 йил 20 сентябрдаги 261 сонли “Хоразм вилоятида туристик инфратузилманинг қўшимча объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2013 йил 30 сентябрдаги 259 сонли “2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида

туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарорлари туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида муҳим аҳамият касб этади. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экологик туризм ва унинг инфратузилмасини янада ривожлантириш, миллий сайёҳлик хизматларини халқаро бозорларга таклиф этиш имконини кенгайтирмоқда.

Ўзбекистон экологик туризмни ривожлантириш учун жуда катта салоҳиятга эга ва Марказий Осиёда муҳим ўрин тутади. Ҳозирги пайтда республикамизда қўриқланадиган ерларнинг умумий майдони 2 миллион гектардан ортиқ, қўриқланадиган 11 табиий ҳудудий объект, 8 қўриқхона, 400 дан ортиқ табиат ёдгорликлари мавжуд.

Бугунги кунда Ўзбекистонда “Буюк ипак йўли” бўйича экотуризм йўналишини ривожлантириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг бой тарихий ва маданий меросини тарғиб қилишдаги ролини ошириш хорижда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ҳақида холис тасаввурни шакллантиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, экологик туризмни ривожлантириш учун ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Туризм соҳасида илм-фан ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш, хорижий тажриба асосида унинг инфратузилмасини такомиллаштириш, экотуризм соҳасида хизмат кўрсатишни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш муҳим вазифалардан биридир.

Индонезия, Украина, Германия, Франция ва Озарбойжон каби давлатларнинг экотуризмни ривожлантириш бўйича тажрибаларидан самарали фойдаланиш керак.

Бугунги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, экология соҳасида экологик туризмни ривожлантириш учун муайян ишларни амалга ошириш керак. Жумладан: экологик туризм табиат қуйнида амалга оширилишини ҳисобга олиб, бу соҳада хизмат қиладиган шахсларга давра суҳбатларини ўтказиш, жаҳон стандартларига мос равишда

хизматларни кўрсатиш экологик туризм соҳадасида хизмат қиладиган шахсларга методикаларни ўргатиш, атроф табиий муҳитни муҳфаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишга доир кўрсатмалар бериш, корхона, ташкилотларда ва олий ўқув юртлари тизимида экологик туризм соҳасига оид ҳуқуқий билимларни кенгроқ ўргатиш ҳамда тадбирлар олиб бориш, экологик туризм бўйича соҳага оид қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг моҳияти тушунтириш, жаҳон тажрибасида миллий боғлар, қўриқхоналардан туристик мақсадларда фойдаланиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш, экологик туризм соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунчиликни янада такомиллаштириш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда экологик туризм соҳасида амалга оширилаётган ишлар халқаро стандартлар талаби даражасига жавоб беради ва бу халқаро ҳуқуқий аҳамиятга эгалиги билан алоҳида ажралиб туради.

Юлия Викторовна Сорокина
кандидат юридических наук, доцент кафедры земельного и экологического права ФГБОУ ВПО «Саратовская государственная юридическая академия»

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ОХОТЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ

Животный мир представляет собой неотъемлемую часть природной среды. Государство принимает активные меры по его охране и рациональному использованию, а укрепление законности и правопорядка в данной сфере являются важнейшими приоритетами политики любого государства. Указанные направления реализуется через целый комплекс специальных мер по сохранению природных ресурсов, особое место среди которых занимают меры по восстановлению охотничьих ресурсов.

Охотничьи ресурсы составляют значительную часть животного мира в его юридическом понимании. Однако в различных странах термины “охотничьи ресурсы”, “охотничьи угодья”, “охотничий фонд” и т.п. несколько видоизменяются под влиянием целого ряда объективных и субъективных факторов.

Так, в соответствии с Правилами охоты и рыболовства на территории Республики Узбекистан (Утверждены Приказом председателя Госкомприроды от 22 марта 2006 г. № 27) природоресурсное законодательство республики оперирует следующими понятиями: *“охота”* – поиск, выслеживание и преследование с целью добычи, попытка добычи или добыча (отстрел, отлов) диких животных, обитающих в состоянии естественной свободы; *“охотничьи и рыболовные угодья (охотугодья)”* – все земли, воды и леса, являющиеся местом обитания и нахождения диких животных, на которых разрешена спортивно-любительская и промысловая охота и рыбная ловля; *“квота”* – установленная норма на добывание животных; устанавливается на те виды животных, которые добываются в большом количестве - охотничье-промысловые, а также на редкие и малочисленные виды животных; на массовые виды, добываемые в незначительном количестве, квота не устанавливается; *“государственный охотничье-рыболовный фонд (гософотфонд”)* – дикие животные, обитающие в состоянии естественной свободы, а также выпущенные в охотничьи и рыболовные угодья.

В Российской Федерации с 2009 года используются следующие термины: “*охота”*– деятельность, связанная с поиском, выслеживанием, преследованием охотничьих ресурсов, их добычей, первичной переработкой и транспортировкой; *“охотничьи угодья”*– территории, в границах которых допускается осуществление видов деятельности в сфере охотничьего хозяйства; *“охотничье хозяйство”*– сфера деятельности по сохранению и использованию охотничьих ресурсов и среды их обитания, по созданию охотничьей

инфраструктуры, оказанию услуг в данной сфере, а также по закупке, производству и продаже продукции охоты; *“охотничьи ресурсы”* - объекты животного мира, которые в соответствии с настоящим Федеральным законом и (или) законами субъектов РФ используются или могут быть использованы в целях охоты; *“квота добычи охотничьих ресурсов”* – часть лимита добычи охотничьих ресурсов, которая определяется в отношении каждого охотничьего угодья[1].

Как видим, в Республике Узбекистан процесс охоты зачастую связан и процессуально и территориально с процессом рыболовства, а в России такой правовой связи нет, рыболовству посвящен отдельный федеральный закон[2].

В настоящее время государственное управление в области охоты и сохранения охотничьих ресурсов в Российской Федерации осуществляется федеральными органами государственной власти и органами государственной власти субъектов РФ с учетом распределения полномочий в данной области.

Министерство природных ресурсов и экологии Российской Федерации (Минприроды России) осуществляет функции по выработке государственной политики и нормативно-правовому регулированию в сфере изучения, использования, воспроизводства и охраны природных ресурсов, включая объекты животного мира и среду их обитания, в области охоты. Функции надзора и контроля в соответствии с установленными полномочиями осуществляет Федеральная служба по надзору в сфере природопользования (Росприроднадзор).

Органы государственной власти субъектов РФ исполняют переданные Российской Федерацией полномочия в области охоты и сохранения охотничьих ресурсов, в числе которых находится и осуществление федерального государственного охотничьего надзора,

---

[1]Федеральный закон от 24 июля 2009 г. № 209-ФЗ «Об охоте и о сохранении охотничьих ресурсов и о внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации» // Собр. законодательства Рос. Федерации. 2009. № 30, ст. 3735; 2013. № 30, ч.1, ст. 4034.

[2] Федеральный закон от 20 декабря 2004 г. № 166-ФЗ «О рыболовстве и сохранении водных биологических ресурсов» // Собр. законодательства Рос. Федерации. 2004. № 52, ч. 1, ст. 5270; 2013. № 27, ст. 3440.

выдача разрешений на добычу охотничьих ресурсов, осуществление государственного мониторинга объектов животного мира, государственного мониторинга охотничьих ресурсов и среды их обитания на территории субъекта РФ и др.

Российская Федерация обладает значительными ресурсами диких животных. Согласно данным государственного учета в Российской Федерации в 2011 году обитало 711,9 тыс. лосей, 401,1 тыс. кабанов, 860,9 тыс. косуль, 193,5 тыс. благородных оленей, 936,9 тыс. диких северных оленей, 181,1 тыс. бурых медведей. В сезон охоты 2010 – 2011 годов было добыто 4,5 тыс. благородных оленей, 21,6 тыс. диких северных оленей, 21,7 тыс. лосей, 34,1 тыс. кабанов, 3,8 тыс. бурых медведей, 234,3 тыс. соболей, более 3500 тыс. пушных зверей (горностай, корсак, хори, белка, ондатра, колонок, песец, норки, сурки), около 120 тыс. лисиц, 75 тыс. зайцев, 22 тыс. глухарей и 36 тыс. тетеревов[1]. К сожалению, численность многих охотничьих ресурсов далека от биологической продуктивности популяций и экологической емкости угодий. В целом по стране суммарная численность копытных животных примерно в 6 раз ниже потенциально возможной.

Несмотря на наличие Федерального закона от 24 июля 2009 г. № 209-ФЗ «Об охоте и о сохранении охотничьих ресурсов и о внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации», в настоящее время в стране отсутствуют утвержденные стратегические документы, определяющие приоритеты государственной политики в области охоты и сохранения охотничьих ресурсов на долгосрочную перспективу. В целях частичного устранения такого пробела в марте 2013 года Распоряжением Правительства РФ от 26 марта 2013 г. № 436-р[2] была утверждена Государственная программа Российской Федерации «Воспроизводство и использование природных ресурсов», а в ее

[1] Распоряжение Правительства РФ от 26 марта 2013 г. № 436-р «Об утверждении Государственной программы Российской Федерации «Воспроизводство и использование природных ресурсов» // Собр. законодательства Рос. Федерации. 2013. № 13, ст. 1601.
[2]Собр. законодательства Рос. Федерации. 2013. № 13, ст. 1601.

рамках подпрограмма “Сохранение и воспроизводство охотничьих ресурсов”, в соответствии с которой на сохранение и воспроизводство охотничьих ресурсов планируется направить 17,4 млрд. рублей. По итогам реализации этой подпрограммы будут достигнуты:

сохранение и рост численности основных видов охотничьих ресурсов (прежде всего, копытных животных) в интересах нынешнего и будущих поколений на основе сокращения разрыва между фактической и расчетной численностью охотничьих ресурсов с учетом биологической продуктивности популяций и экологической емкости угодий (в среднем на 8 процентов к 2020 году по сравнению с уровнем 2011 года);

рост показателя отношения фактической добычи охотничьих ресурсов к установленным лимитам добычи по отдельным видам (не менее 70 процентов к 2020 году) как основного индикатора состояния дел с сохранением и воспроизводством охотничьих ресурсов и среды их обитания;

обеспечение эффективности федерального государственного охотничьего надзора, минимизация факторов, негативно влияющих на численность охотничьих ресурсов.

В Республике Узбекистан по данным учетов 2010 года численность важных объектов спортивной и промысловой охоты составила: сибирских горных козлов – 2020, кабанов – 2300, волков – 1040, шакалов – 7530, диких кошек (степная и камышовая) – 4040, лисиц – 11450, барсуков – 1680, каменных куниц – 1010, дикобразов – 1460, красных сурков – 2255, зайцев – 39940, ондатры – 3500, фазанов – 26170, кекликов – 59470, уларов – 1150, гнездящихся водоплавающих – 59000, голубей – 113170[1]. Однако, охотники республики все чаще возвращаются с охоты без добычи. Это касается и спортивной охоты, которая в настоящее время уже не так распространена, и промысловой охоты, которая на пушных зверей

[1] Общественно-информационный еженедельник «Зеркало XXI». 2011. 14 сентября.

вообще практически не проводится. При всем при этом наблюдается высокая плотность диких животных, которая ведет к заразным болезным и эпидемиям.

Основными пользователями ресурсов охотничьей фауны республики Узбекистан являются гослесохотхозяйства и охотобщества. Они же ведут охотничье хозяйство. Областные охотобщества имеют 43 приписных охотничье-рыболовных хозяйств на площади 774,9 тыс.га. В их задачи входит обеспечение охраны растительного и животного мира, проведение воспроизводственных и биотехнических мероприятий для улучшения условий обитания охотничьих животных и роста их поголовья. Делается это за счет собственных средств охотобществ[1].

Госкомприрода, являясь органом государственного контроля в области охраны и использования животного и растительного мира, в одностороннем порядке подготовила достаточно специфические подзаконные нормативные акты, в которых определила для своего подразделения – Госбиоконтроля – управленческие и хозяйственные функции. Они зафиксированы в пролоббированном в 2004 году Постановлении “Об усилении контроля за рациональным использованием биологических ресурсов, ввозом и вывозом их за пределы Республики Узбекистан”. Госбиоконтроль стал выдавать разрешения на природопользование в Узбекистане, подменяя органы, занимающиеся ведением охотничьего хозяйства.

Не выполняется Закон “Об охране и использовании животного мира” по регулированию численности животных, проведению санитарных и профилактических мероприятий по сокращению поголовья вредных животных. Охотпользователи в полном объеме могли бы проводить эти мероприятия, но все опять упирается в разрешения, за которые нужно платить органам охраны природы.

Отдельные пользователи имеют немалые запасы охотничьих животных на закрепленных землях, но не могут использовать их, ведь

[1]http://www.uznature.uz/sites/default/files/imce/National%20doklad.pdf

дополнительное изъятие требует отчисления средств органам охраны природы – на условиях предоплаты в размере 100%. В итоге добывается минимальное количество животных, в среднем 17% от возможных показателей. 83% ресурсов животного мира недопромышляются.

Чтобы сохранить в целости уникальную природу Узбекистана с ее биоразнообразием, уберечь от некомпетентных решений, требуется четко разграничить функции Госкомприроды и Главного управления лесного хозяйства в области охраны и использования животного и растительного мира, хотя некоторые их функции определены в самих Правилах охоты и рыболовства на территории Республики Узбекистан 2006 года. Так, Государственный комитет Республики Узбекистан по охране природы имеет право выдавать разрешения на добывание диких животных в течение всего года на всей территории Республики Узбекистан для любых, установленных законодательством, целей. В зависимости от экологической обстановки и погодных условий сроки спортивной и любительской охоты, а также нормы отстрела регулируются приказом Государственного комитета Республики Узбекистан по охране природы. По согласованию с Академией наук Республики Узбекистан Государственному комитету Республики Узбекистан по охране природы предоставляется право менять сроки начала и окончания спортивной и любительской охоты до 30 дней, или закрывать охоту на отдельные виды животных[1].

Кроме упомянутых Правил, вопросы охоты также регулируются Законом Республики Узбекистан “Об охране и использовании животного мира”, Положением о Государственном комитете Республики Узбекистан по охране природы, утвержденным постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 26 апреля 1996 г. № 232-1, постановлением Кабинета Министров Республики

[1]Правила охоты и рыболовства на территории Республики Узбекистан (Утверждены Приказом председателя Госкомприроды от 22 марта 2006 г. № 27, зарегистрированным МЮ 2 мая 2006 г. № 1569. Доступ из http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=19742

Узбекистан от 28 октября 2004 г. № 508 “Об усилении контроля за рациональным использованием биологических ресурсов, ввозом и вывозом их за пределы Республики Узбекистан”, которые действуют на всей территории Республики Узбекистан и распространяются на всех пользователей животным миром. При этом все юридические и физические лица, ведущие охотничье-рыболовное хозяйство, обязаны осуществлять пользование животным миром только на основании квот на добывание животных на территории Узбекистана, проводить научно обоснованные охранные и биотехнические мероприятия, регулирование численности диких животных, учеты численности диких животных и учеты добываемых животных, выполнять принятые на себя обязательства, в установленные сроки представлять в органы охраны природы отчеты по ведению охотничье-рыболовного хозяйства.

Как видно из приведенных данных, проблемы в сфере осуществления охотничьего хозяйства и сохранения охотничьих ресурсов существуют и в Республике Узбекистан и в Российской Федерации. Итогом проведения слаженной скоординированной государственной политики в данной сфере явится расширение площадей охотничьих угодий в наших странах, что создаст условия для развития охотничьего хозяйства, повысит эффективность сохранения охотничьих ресурсов, рост численности большинства из них. А все это, в свою очередь, обеспечит непрерывность мероприятий по обеспечению сохранения и воспроизводства охотничьих ресурсов и преемственность среди тех, кто охотится и кто ведет охотничье хозяйство.

Гўзал Шариповна Узакова
Тошкент давлат юридик университети Экология ва аграр ҳуқуқи кафедраси доцент вазифасини бажурувчиси, юридик фанлар номзоди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЗАХИРА ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси ер фонди таркибида захира ерлар алоҳида мустақил тоифани ташкил этиб, ушбу ерларнинг умумий майдони 12250,2 минг гектар ёки бутун мавжуд ер фондининг 27,59 %ини ташкил қилади”[1].

Ушбу ер фонди тоифасининг тарихий жиҳатларига мурожаат этиш асосида таъкидлаш лозимки, 1998 йил 30 апрелга қадар мамлакатимизда амал қилган Ўзбекистон ССРнинг 1990 йил 20 июндаги “Ер тўғрисида”ги Қонунида ҳам захира ерлар алоҳида ер фонди тоифасини ташкил этган (3-модда). Ушбу Қонуннинг (8-боб) 49-моддасига мувофиқ, доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилмаган ҳамма ерлар захира ерлар бўлган ҳамда уларга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилган ерлар ҳам киритилган. Захира ерлар халқ депутатлари район Советларининг ихтиёрида бўлган ва кўпроқ қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгалик қилиш, фойдаланишга ва ижарага беришга мўлжалланган. Халқ депутатлари район Советлари маҳаллий аҳамиятга молик захира ерларнинг айрим участкаларини ўз қарорлари билан халқ депутатлари қишлоқ (овул) Советлари ихтиёрига беришлари мумкин бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер кодексининг 8-моддаси 8-бандига мувофиқ эса, захира ерлар ер фондининг алоҳида тоифасини ташкил этади. Шунга мувофиқ, Ер кодекси 10-бобининг 78-моддаси захира ерларининг ҳуқуқий ҳолатига бағишланган. Хусусан, унга мувофиқ, ер фонди тоифаларига киритилмаган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга

[1]Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий Ҳисобот. – Тошкент: 2013. – Б. 9.

эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб берилмаган (реализация қилинмаган) барча ерлар захира ерлардир.

Ж.Т.Холмўминов таъкидлаганидек, “Захира ерлар – Ўзбекистон Республикаси ер фонди таркибига кирадиган мустақил тоифасини ташкил қилиб, доимий эгаллаш ва фойдаланишга берилмаган ер массивлари ҳисобланади”[1].

Маълумки, давлатнинг ерга бўлган эгалик ҳуқуқини амалга оширувчи Республика ҳокимияти идоралари ер участкаларини корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасида тақсимлайдилар. Бир қисм ерлар эса бўлинмасдан қолади. Булар, асосан, ўзлаштирилмаган ерлардир. Булар кейинчалик хўжалик муомаласига киритиладиган захира ёки экологик мувозанатни таъминлаб турадиган ерлардир. Шундай қилиб, захира ерларни икки турга бўлиш мумкин – ердан фойдаланишда резерв ролини ўйнайдиган, яъни кейинчалик фойдаланиш учун база бўлиб хизмат қиладиган ва фойдаланишга умуман яроқсиз бўлган ерлар. Захира ерлар асосий фойдаланиш мақсадига кўра ҳар қандай бошқа ер фонди тоифасига ўтиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатларда уларга ўша ер фондининг ҳуқуқий ҳолати қўлланилади[2].

Захира ерлар туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади ва Ер кодексга мувофиқ асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага беришга мўлжалланади.

Ер кодексининг 6-моддасига мувофиқ, фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш туманлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига киритилган. Ушбу қоида ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли Қарори билан тасдиқланган “Шаҳарсозлик

[1]Ўша жойда.
[2]Ер ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррирлар: ю.ф.д. Усмонов М.Б., ю.ф.д. Жўраев Й.О. – Тошкент: ТДЮИ, 2002. – Б. 273.

фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 50-бандида ҳам белгиланган. Унга кўра, туман ҳокимининг ваколатига, ер участкаси ўлчами ва ерларнинг турларидан қатъи назар, захира ерлардан ер участкаси ажратиш ҳам киради.

Шунингдек, Ер кодексининг 53-моддасида фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари биринчи навбатда захирадаги ерлардан ер участкалари ҳисобидан берилиши белгиланган. Ушбу қоида ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги янги таҳрирдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 12-банди ҳамда 2005 йил 19 ноябрдаги “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-бандида[1] ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида деҳқон хўжалиги шунингдек захира ерларда ҳам ташкил этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида эса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида доимий фойдаланиш учун ва узоқ муддатли ижарага ер участкалари бериш учун танловга ер участкалари биринчи навбатда захира ерлар ва фойдаланилмаётган ерлардан ажратилиши кўзда тутилган.

---

[1]Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2005 й. 1523-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 18.11.2005 й. 237а-сон Буйруғи билан тасдиқланган.

Ер кодексининг 56-моддасида эса, боғдорчилик ва узумчилик учун ер участкалари шаҳарларнинг кўкаламзор зонасидан ёки бошқа аҳоли пунктлари чегарасидан ташқарида аҳоли пунктлари ҳудудининг кенгайиш истиқболларини эътиборга олиб, сув ресурслари ҳамда уларга лимитлар ажратиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда захира ерлардан ажратиб берилади, деб кўрсатилган.

Амалдаги ер қонунчилигига мувофиқ, шаҳарлар ва посёлкаларнинг маъмурий чегараларидаги барча ерлар, шу жумладан, захира ерлар ҳам шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерлари таркибига киритилган (ЕК 59-модда). Шунингдек, шаҳар атрофи зоналарида шаҳар атрофидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳудуди, аҳоли дам олиш зоналари, шаҳарни ривожлантириш учун ҳам захира ерлар ажратилади (ЕК 60-модда).

Юқоридагилар билан бир қаторда Ер кодексида кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланиш натижасида экология ва санитария-гигиенага оид белгиланган талабларга жавоб берадиган маҳсулот олиш таъминланмаётган ер участкалари қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқарилиши лозим ва консервация қилиш учун уларни захира ерлар жумласига ўтказиш мумкинлиги белгилаб қўйилган (81-модда).

Шу билан бир вақтда захира ерлар қисқа муддатли лойиҳалар учун ишлатилиши мумкин – ер тузиш, топографо-геодезия, картография, тупроқ, агрокимёвий чора-тадбирлар, геоботаник ва бошқа тадқиқот ишлари ўтказилиши мумкин[1].

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида (49-боби) эса, захира ерларга юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг солиқ солиш объекти сифатида қаралмаслиги тўғрисидаги норма белгиланган (280-модда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 496-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисида”ги Низомда эса, ер

[1] Грудцына Л.Ю., Козлова М.Н. Справочник собственника и арендатора. – М.: Юстицинформ, 2007. – С. 23-24.

мониторинги ер фонди тоифаларига мувофиқ бўлган кичик тизимларга бўлиниши ҳамда улардан бирини захира ерлар мониторинги ташкил этиши белгилаб қўйилган (3-банд).

Ер участкаларини захирага ажратилишидан асосий мақсад қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни кўпайтириш, саноат, транспорт, алоқа ва коммуникация ва бошқа ноқишоқ хўжалик мақсадлари учун хизмат қилади[1].

Қоида тариқаси, захира ерлари – у ёки бу ҳолатлар таъсирида хўжалик фаолиятига жалб қилинмаган ер усти участкаси бўлиб ҳисобланади. Захирада бўлиш – "ўз вақти-соатини кутиш муддати" бўлиб, у жамиятга унинг хилма-хил мақсадлар учун бўш ерлар керак бўлганда фойдаланилади. Захира ерларини ҳудудий жойлаштириш ўзгариб туради. Захира ерларининг майдони ҳам объектив сабабларга кўра, маълум вақтларда қисқариб, муайян муддатларда кенгайиб боради[2].

Хўжалик фаолияти ёки фуқаролик муомаласи учун вақтинчалик зарур бўлмагани боис, захира ерлари ҳеч кимга тегишли бўлмаган, ташландиқ ёки хўжасиз ерлар сифатида баҳоланиши мумкин эмас. Чунки, уларнинг мулкдори – давлат ҳисобланади. Бу шуни англатадики, ушбу ер фонди тоифаси фуқаролар ва юридик шахслар томонидан зарур ҳуқуқий асосларсиз, яъни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши мумкин эмас. Шу билан бир қаторда захира ерлар давлат мулкчилигида бўлгани боис, давлат томонидан ҳисобга олиниши лозим бўлиб, улар тўғрисидаги маълумотлар кадастр ҳужжатларига киритилади. Шу билан бирга, мулкдори ёки қонуний фойдаланувчилари зарур назоратсиз қолдирган ёки фойдаланмаётган, бироқ ер-кадастр ҳужжатларига мувофиқ, қонуний мулкдори бўлиб қолаётган ер участкалари захира ер участкалари деб ҳисобланиши мумкин эмас. Ушбу ҳужжатларга ер участкасидан воз кечиш

[1]Ер кодексига шарҳлар / Масъул муҳаррир: проф. М.Б.Усмонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 339.
[2] Комментарий к Земельному кодексу Российской Федерации (постатейный) / Под ред. Г.В.Чубукова, М.Ю.Тихомирова. – М.: Издательство Тихомирова М.Ю., 2007.

тўғрисидаги тегишли ўзгартиришлар киритилганидан сўнггина улар захира ерлар таркибига ўтказилиши мумкин.

Захира ерлар вақтинчалик хўжалик фаолиятида ишлатилмаётган участкалар сифатида ушбу белгисига кўра, консервация қилиш мақсадида хўжалик муомаласидан чиқарилган ер участкаларига ўхшаш. Бироқ, шу билан улар ўртасидаги ўхшашлик тугайди.

Консервация салбий (зарарли) таъсирга дучор бўлган ва унинг натижасида ер деградацияси ва экологик вазиятнинг ёмонлашуви рўй берган, шунингдек, фойдаланилиши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатилишига сабаб бўладиган ифлосланган ерларга нисбатан қўлланилади.

Ер участкасини консервация қилиш тўғрисидаги қарор асосида ер тузиш тўғрисидаги лойиҳа ишлаб чиқилади ва унда ер участкасини консервация қилиш муддатлари, ер дегарадациясини тугатиш, тупроқ унумдорлигини ва ифлосланган ҳудудларни қайта тиклаш бўйича чора-тадбирлар, уларнинг кетма-кетлиги ва қиймати, шунингдек, кўрсатилган чораларни амалга ошириб бўлгач, ер участкасидан фойдаланиш бўйича таклифлар ўрин олган бўлади.

Консервация қилиниши муносабати билан хўжалик муомаласидан чиқарилган ерлар ер участкалари мулкдорлари, ердан фойдаланувчилар ва ер ижарачиларида сақланиб қолиниши ёки қонунчиликда белгиланган тартибда захира ерларга ўтказилиши мумкин[1].

Бу борадаги хорижий тажрибани ўрганиш, шундан далолат берадики, захира ерлар деярли барча мамлакатларда алоҳида ер фонди тоифасини ташкил этади. Хусусан, Молдова Республикасининг 1991 йил 25 декабрда қабул қилинган Ер кодексининг 64-моддасига мувофиқ, эгалик қилиш, фойдаланиш ва мулк ҳуқуқига берилмаган барча ерлар захира ерлар фондини ташкил қилади. Унга шунингдек, ушбу Кодексга мувофиқ, эгалик қилиш, фойдаланиш ва мулк ҳуқуқи тугатилган ерлар ҳам киради. Захира

[1]Чубуков Г.В. Земельное право России. Учебник. – М.: Изд. Тихомирова М.Ю., 2002. – С. 252–253.

ерлар маҳаллий оммавий бошқарув органлари юритувида бўлади ҳамда фуқаро, корхона, муассаса ва ташкилотларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари, шунингдек, бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун беришга мўлжалланган бўлади.

Арманистоннинг 1991 йил 29 январдаги Ер кодекси 56-моддасида (12-боб) эса, фойдаланиш ва мулк ҳуқуқи учун берилмаган барча давлат ерлари захира ерлар деб тан олиниши белгиланган. Унга кўра, захира ерлар фойдаланиш ва мулк ҳуқуқига берилмаган барча давлат ерлари захира ерлар фондини ташкил қилади. Улар сирасига, шунингдек, мулк ҳуқуқи ва фойдаланиш ҳуқуқи тугатилган ер участкалари ҳам киради. Захира ерлар тегишли халқ депутатлари кенгашлари юритувида бўлади ҳамда мулк ва фойдаланиш ҳуқуқи учун берилиши мумкин.

Озарбойжон Республикасининг 1999 йил 25 июндаги Ер кодекси (8-бўлим) 92-моддасига мувофиқ эса, мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, доимий ва узоқ муддатли фойдаланишга берилмаган ер участкалари захира ер фондини ташкил қилади. Уларнинг таркибига шунингдек, мулк ҳуқуқи, эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи қонунда белгиланган тартибда тугатилган ер участкалари ҳам киради. Захира ерлари район, шаҳар халқ депутатлри кенгашлари юритувида бўлади. Ушбу ер фонди тоифаси мулк, эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи асосида фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга биринчи навбатда қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун берилади.

Қозоғистон Республикасининг 2003 йил 20 июнда қабул қилинган Ер кодекси (16-боби) 137-моддасида эса, захира ерлари таркиби белгиланган бўлиб, унга кўра, мулк ёки ердан фойдаланиш учун берилмаган, район ижроия органлари юритувида бўлган барча ерлар захира ерларини ташкил қилади. Ядро қуроли синовлари ўтказилган ер участкалари Қозоғистон Республикаси Ҳукумати қарори билан захира ерлар таркибига ўтказилади.

Захира ерлар қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа мақсадлар учун қонунчиликда белгиланган тартиб ва шартлар асосида фойдаланиш

ёки мулк ҳуқуқига берилади. Захира ерларни бошқа тоифага ўтказиш бир вақтнинг ўзида уларни мулк ҳуқуқи ёки ердан фойдаланиш ҳуқуқига бериш билан амалга оширилади (138-модда).

Россия Федерациясининг 2001 йил 25 октябрда қабул қилинган Ер кодексининг (18-боб) охирги 103-моддаси захира ерларга бағишланган бўлиб, унга кўра, захира ерларга давлат ёки муниципал мулкчиликда бўлган ҳамда фуқаро ёки юридик шахсларга берилмаган ерлар киради, ер қонунчилигига мувофиқ шакллантириладиган қайта тақсимланадиган ерлар фонди бундан мустасно. Захира ерлардан фойдаланишга улар бошқа тоифага ўтказгандан кейин йўл қўйилади, захира ерлар ов қилиш жойларида ва бошқа қонун билан кўзда тутилган ҳоллар, бундан мустасно.

Украина қонун чиқарувчи органининг бу борада захира ерларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашга оид тутган йўли ўзига хослиги билан ажралиб туради. Хусусан, Украинанинг 2001 йил 25 октябрда қабул қилинган Ер кодексида захира ерлар алоҳида ер фонди тоифаси сифатида ажратилмаган. Унинг 19-моддасига мувофиқ, ер фондининг 9 та тоифаси мавжуд бўлиб, ҳар бир ер фондининг мулк ёки фойдаланиш ҳуқуқи асосида фуқаро ёки юридик шахсларга берилмаган ер участкаси захирада туриши мумкин. Унинг 24-моддасига кўра эса, давлат ёки коммунал корхона, муассаса ва ташкилот тугатилган ҳолларда, унинг доимий фойдаланишда бўлган ер участкаси тегишли ижро ҳокимияти органи ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи қарори билан захира ерларга ўтказилади ёки бошқа фуқаро ва юридик шахсларга мақсадли фойдаланиш учун ўтказилади.

Тожикистон Республикасининг 1997 йил 12 декабрдаги Ер кодексида эса, давлат захира ерлари алоҳида ер фонди таркибига киритилган (3-модда). Хусусан, унинг 77^3-моддасига биноан, шаҳар захира ерлари – шаҳар ҳудуди жисмоний ва юридик шахсларга фойдаланиш учун берилмаган ер участкалари, шунингдек,

фойдаланиш ҳуқуқи ер қонунчилигига мувофиқ тугатилган ер участкалари ҳам шакллантирилиши белгиланган.

Давлат захира ерлари эса, муддатсиз фойдаланишга берилмаган барча ерлардан иборат. Уларга шунингдек, фойдаланиш ҳуқуқи тугатилган ҳамда ташкил этилган махсус ер фонди ҳам киради. Давлат захираси ерлари район Ҳукумати юритувида бўлади ва фойдаланишга беришга мўлжалланган бўлади ҳамда қишлоқ ишлаб чиқариши, саноат, транспорт ва бошқа халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун захира бўлади ҳамда асосан қишлоқ ишлаб чиқариши учун ижарага берилади (99-модда).

Қирғизистон Республикасининг 1999 йил 2 июндаги Ер кодексига (18-боб) мувофиқ, захира ерлар мулк ҳуқуқи ёки фойдаланишга берилмаган барча ерлардан иборат бўлиб, ушбу ерлар давлат мулки ҳисобланади. Захира ерларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилади ва Қирғизистон Республикаси Жоқорғи Кенеши (парламент) томонидан тасдиқланади (93-модда). Захира ерлар ваколатли органлар юритувида бўлади ҳамда қишлоқ хўжалиги ва бошқа мақсадлар учун ушбу Кодексда белгиланган тартиб ва шартлар асосида фойдаланишга берилади (94-модда).

Беларусь Республикасининг 2008 йил 23 июлдаги Ер тўғрисидаги кодексининг 6-моддасига мувофиқ, захира ерларга бошқа ер фонди тоифасига киритилмаган ва ердан фойдаланишга берилмаган ер участкалари киради. Захира ерлар тегишли ижроия қўмитасининг юритувида бўлиб, захира сифатида кўриб чиқилади ва бошқа ер фонди тоифасига ўтказилгандан кейин фойдаланишга берилиши мумкин бўлади.

Туркманистон Республикасининг 2004 йил 25 октябрдаги Ер тўғрисидаги кодекси (11-боб) 71-моддасида давлат захира ерларига мулк, фойдаланиш ва ижарага берилмаган барча ерлар кириши, ушбу ер фонди тоифаси ушбу Кодексга мувофиқ, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун Туркманистон фуқаролари ва юридик шахсларига

мулк ҳуқуқи, фойдаланиш ва ижарага беришга мўлжалланиши белгиланган.

Демак, захира ерлари ер фондининг мустақил тоифаси сифатида доимий аниқ белгиланган мақсади бўлмайди ҳамда ўз таркибига давлат ёки муниципал мулкчиликда бўлган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган ерларни қамраб олади ва келгусида бошқа ер фонди тоифаларини тўлдириш учун захира вазифасини бажаради.

Марина Анатольевна Ермолина
кандидат юридических наук, доцент кафедры мировой политики Факультета международных отношений Санкт-Петербургского государственного университета, старший научный сотрудник Центра интерэкоправа Евразийского научно-исследовательского института проблем права

КОНЦЕПЦИЯ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ И ПОЛИТИКЕ В НОВОМ ТЫСЯЧЕЛЕТИИ

Во второй половине прошлого века, когда возникла реальная угроза экологической катастрофы, перед человечеством встал выбор приемлемой модели дальнейшего развития цивилизации. Идеей предложенной концепции устойчивого развития стало “такое развитие, которое удовлетворяет потребности нынешнего поколения, не ставя под угрозу возможности будущих поколений удовлетворять их потребности”[1].

Феномен концепции устойчивого развития состоял, прежде всего, в том, что идея устойчивости прочно связалась с социальными, экономическими и экологическими аспектами международной политики. Удачное сочетание этих составляющих стало

[1] Коптюг В.А. Окружающая среда и развитие мировой экономики / В.А. Коптюг // Материалы междунар. науч.-практич. конф. (Июнь 1992, Рио-де-Жанейро) / Новосибирск, СОРАН, 1992.

одновременно и политическим брендом[1], и основой “взаимовыгодного” международного сотрудничества.

После Конференции по окружающей среде и развитию в Рио-де-Жанейро (1992) концепция устойчивого развития стала фундаментальной основой международного сотрудничества. Но только на Конференции по устойчивому развитию в Йоханнесбурге (2002) стороны “признали” коллективную ответственность за сохранение окружающей среды на благо настоящего и будущих поколений[2].

Конференция ООН по устойчивому в Рио-де-Жанейро (2012) показала, что идею устойчивого развития необходимо связывать с глобализацией и другими процессами и явлениями в современном мире.

Принципы устойчивого развития в контексте “экологического процветания и благополучия”[3] в настоящее время включены в национальные стратегии всех без исключения европейских стран. В то же время, как было отмечено в Повестке дня на XXI век, реализация устойчивого развития “в одной отдельно взятой стране”, в принципе, не возможна[4].

Определяя приоритеты международной политики, лидеры государств порой “забывают”, что проблемы экономического роста характерны как для развитых, так и для развивающихся стран.

В свое время ныне экономически развитые страны активно эксплуатировали природные ресурсы, загрязняли окружающую среду промышленными выбросами и сбросами, но всерьез “обеспокоились” проблемами охраны окружающей среды, когда возникла реальная угроза существованию человека.

---

[1] Стецко Е.В. Устойчивое развитие как политический бренд // Актуальные проблемы мировой политики в XXI веке: Сб. статей / под ред. В.С.Ягьи, М.Л. Лагутиной. – СПб.: СПбГУ, 2011. – С.392.

[2]Проблемы развития экономики и общества / М.А.Ермолина, И.В.Кирьянов, Е.Д.Кочегарова и др. – Saint-Louis, MO: Publishing House “Science& Innovation Center” (St. Louis, Missouri, USA), 2013. – p. 15.

[3] Там же. – С 17.

[4] Концепция устойчивого развития и местная повестка дня на XXI век: Методическое пособие / под редакцией Д.А. Голубева, Н.Д. Сорокина. – СПб.: Издательство «Союз художников», 2003.

Так, в Западной Европе и США проблемами лесовосстановления местные правительства серьезно озаботились только тогда, когда были вырублены практически все древесные ресурсы[1]. Проблемы же “особо охраняемых природных территорий” возникли только тогда, когда остались лишь территории, на которые “почти” не ступала нога человека.

Очевидно, что восстановленные лесные ресурсы с экологической точки зрения – это уже не лес, а “искусственно созданные лесные насаждения” никогда не смогут достигнуть размеров естественно произрастающих лесов. Точно так же как и искусственно созданные водные объекты не смогут стать основой экосистемы, а выращенные в неволе животные не смогут давать полноценное потомство и жить в условиях естественной свободы[2].

Принято считать, что проблема доступа к водным ресурсам касается лишь развивающихся стран. Однако, по прогнозам экспертов ООН, уже к 2025 году с нехваткой воды столкнется около 2/3 населения стран мира[3].

Поскольку современные международные проблемы взаимосвязаны и взаимообусловлены, то и решать их рано или поздно придется всему мировому сообществу.

Одним из приоритетных аспектов международного права и политики в новом тысячелетии является взаимодействие международных и национальных институтов в свете неизбежных вызовов грядущего столетия. При этом очевидно, что политический имидж любой страны определяется выполнением международных обязательств.

В настоящее время основными приоритетами международной политики в сфере устойчивого развития являются: обеспечение права человека на благоприятную окружающую среду, рациональное

---

[1] Моисеева Е.Е., Бардаков А.В. Управление лесами в Финляндии. [Режим доступа]: http://science-bsea.bgita.ru/2007/leskomp_2007/moiseeva_upr.htm

[2] Моисеева Е.Е., Бардаков А.В. Управление лесами в Финляндии. [Режим доступа]: http://science-bsea.bgita.ru/2007/leskomp_2007/moiseeva_upr.htm

[3] Грани глобализации. Трудные вопросы современного развития. – М.: Альпина Паблишер, 2003.

потребление (или использование природных ресурсов), борьба с нищетой и эффективное международное сотрудничество.

Дурбек Неъматович Махкамов
Тошкент давлат юридик университети Экология ва аграр ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди

ЎСИМЛИК ДУНЁСИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИККА НАЗАР: ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗА

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда Бош қомусимизга асосан, Президентимиз раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий давлат қурилиши, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини барпо этиш учун асос бўлади.[1] Истиқболга мўлжалланган шундай ислоҳотлар намунаси бўлмиш Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"[2] га бағишланган маърузаларида акс этганидек, бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ниҳоятда муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан келиб чиққан ҳолда, тегишли қонун ҳужжатларига атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолини экологик хавфсизлигини таъминлайдиган бир қатор нормалар киритилиши назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасида экологик чора-тадбирлар ва ҳуқуқий рағбатлантиришнинг қонуний базасини ривожлантириш жараёни, давлат ва табиатдан фойдаланувчилар орасидаги муносабатлар

[1]Усмонов М.Б. Конституция иқтисодий ислоҳотлар асоси.ТДЮИ Ахборотномаси. –Тошкент, 2008. –№6. – Б.57.
[2]Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза.2010 йил 12 ноябр/–Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

бошқариш механизми ва тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган, ҳамда миллий ҳуқуқий-қонунчилик базасини халқаро экологик конвенциялар ва битимлар талабига мослаштириш доимий равишда давом этмоқда. Бу эса табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини такомиллаштириш ва янгича ривожланиш даражасининг муҳимлигидан далолат беради.

Хусусан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг камайиб кетишининг олдини олиш, биологик хилма-хилликни таъминлаш, табиатни унинг табиий ҳолатида сақлаш муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш механизмини **такомиллаштиришни тақозо этади. Айнан шу йўл билан камёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини сақлаб қолиш мумкин**[1]**.** Зеро, амалдаги мавжуд “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Ўрмон тўғрисида”ги қонунлар ўсимлик дунёсининг ҳуқуқий асослари ҳисобланади. Бугунги кунда қонунчиликнинг таҳлили амалиётда ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Қуйида ушбу ҳолатлардан баъзиларини таъкидлаб ўтишимиз жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунининг 8-моддасида “ўсимлик дунёси объектлари доимий ёки вақтинча (узоқ муддатли ва қисқа муддатли) фойдаланишга бериб қўйилиши мумкин”лиги белгиланган ҳолда, ўсимлик дунёсидан фойдаланиш турларининг қайси бири доимий фойдаланишга, қайси бири вақтинча фойдаланишга берилиши ва вақтинча фойдаланишнинг узоқ ва қисқа тури қанча муддатда бўлишлиги ўз аксини топмаган. Фикримизча, юқоридаги қонунда бу масала аниқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Бу борада қонун ости меъёрий ҳужжатларда ҳам аниқ тартиб кўрсатилмаган.

---

[1]Умаров Д.М. Правовое регулирование охраны заповедников в Республике Узбекистан: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2009. – С.3.

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”**ги Қонуни 35-моддаси биринчи қисми бешинчи бандида “**бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилишига, шунингдек сув объектларига, хўжалик объектлари ва табиий ресурсларга (ерлар, ўрмонлар, ҳайвонот дунёси, фойдали қазилмалар ва бошқаларга) зарар етказилишига йўл қўймаслиги” **кўрсатилган.** Қонуннинг ушбу моддасида табиий ресурс тушунчаси ишлатилганда, асосий табиий ресурслар сирасидан ўсимлик дунёси тушиб қолмоқда. Ваҳоланки, сувдан фойдаланувчилар ўсимликлар, шу жумладан сув ўсимликларига зарар етказмасликлари лозим бўлиб, бу бу сув ҳавзасида экологик барқарорлик ва хилма-хилликни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Боз устига нормани шу таҳрирда ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасидаги норма ифодаланиш услубига ҳамоҳанг бўларди. Модомики барча норматив ҳуқуқий ҳужжатлар айнан бош Қомусимиз асосида ишлаб чиқилади.

Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилувчи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 196-модда биринчи қисмида ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши тўғрисида сўз боради. Ваҳоланки, ўсимлик дунёси объектлари ҳам атроф табиий муҳитнинг таркибий қисми ва ажралмас бўғини ҳисобланади. Модданинг номланишини унинг таркибига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида 196-моддаси диспозициясини “ўсимлик дунёси объектларининг қирилиб кетиши” деган сўзлари билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарори билан тасдиқланган “Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш тартиби тўғрисида” низомни

такомиллаштириш ва уни “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқлаштириш зарур. Хусусан, Низомнинг 2-банди ва Қонуннинг 5-моддаси айни бир ҳолатни турлича таърифлайди. Қонунчиликнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Низомнинг 2-бандидаги “табиий ўсимлик гуруҳлари”ни“табиий ўсимлик жамоалари” деб, “уларнинг ўсиш давридаги маҳсуллари”ни “улар ҳаёти фаолиятининг маҳсуллари” деб ўзгартириш ўсимлик дунёси объектларига нисбатан бир хил ёндашув шаклланишини таъминлайди.

“Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ва “Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низом ўртасидаги тафовутлардан яна бири Қонуннинг 7-моддасида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишнинг 10 та тури назарда тутилган бўлса, Низомининг 3-бандида 11 та, яъни “ўсимлик дунёси объектларидан коллекциялаш мақсадларида фойдаланиш” тури ҳам қўшимча сифатида кўрсатилган. Айни дамда Қонуннинг 22-моддасида ботаника коллекциялари тўплашга алоҳида модда бағишланган. Шуларни ҳисобга олиб, Қонуннинг 7-моддаси биринчи қисмига 11-банд қилиб, “ўсимлик дунёси объектларидан коллекциялаш мақсадларида фойдаланиш”ни киритиш лозим. Бундан ташқари тегишли қонунларда камёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ асосий тушунчалар аниқ белгиланмаганлиги ҳамда, бир-бирини такрорловчи ва ҳаволаки нормаларнинг мавжудлиги ҳам амалдаги ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Афсуски, ўсимлик дунёсига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун алоҳида бир маъмурий жазо санкцияси ўрнатилмаган. Гарчанд, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунда ўсимлик дунёси экология ҳуқуқининг алоҳида

бир объекти сифатида тан олиниб, экологик хавфсизлик тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этиши мустаҳкамланган бўлсада, бироқ ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи алоҳида нормаларнинг мавжуд эмаслиги салбий ҳолатдир. Фикримизча, бу борада Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда алоҳида моддада жавобгарлик белгиланган қоидаларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, бу ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади, бу эса ўз навбатида табиатнинг ажралмас бўғини бўлмиш ўсимлик дунёсининг муҳофазасини таъминлайди. Шунингдек, ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун энг кўп қўлланиладиган жавобгарлик тури бу маъмурий жавобгарлик эканлигини ҳисобга олиб, бу борадаги жазо санкцияларидан жарима миқдорини ошириш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Жиноят қонуни нормаларини таҳлил қилиш унинг айрим моддаларида айнан ўсимлик дунёси объектлари атроф табиий муҳитнинг таркибий қисми сифатида инобатга олинмаганлигини кўрсатмоқда. Чунончи, ЖКнинг атроф табиий муҳитни ифлослантириш деб номланган 196-моддасида ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши тўғрисида сўз боради. Ваҳоланки, ўсимлик дунёси объектлари ҳам атроф табиий муҳитнинг таркибий қисми ва ажралмас бўғини ҳисобланади. Модданинг номланишини унинг таркибига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида 196-моддаси диспозициясини “камёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик дунёси объектларининг нобуд бўлишиши” деган таҳрирдаги жумла билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги таҳлил ва таклифларнинг вужудга келиши албатта бежиз эмас. Зотан инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши

ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатланувчи кучидир. Бугунги экологик хавфсизлигимизга таъсир кўрсатаётган таҳдидлар бизнинг зиммамизга муҳим экологик-ҳуқуқий хусусиятдаги вазифаларни ҳал этишдек юксак ва айни дамда долзарб масъулиятни юклайди.[1] Зеро, Муҳтарам Юртбошимизнинг "Агар биз фарзандларимиз соғлом бўлишини истасак, бизга соғлом экология керак" (2009 й. 27 дкебрь куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат), дея билдирган фикрлари барчамиз учун чақириқ ҳамда дастуруламал бўлиб қолмоғи лозим.[2] Тан олишимиз лозимки, мана шундай соғлом муҳит, соғлом экологияни таъминловчи, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирувчи асосий манба ўсимликлардир. Зеро ўсимликлар инсон учун озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак, дори-дармонлар, табиат кўркигина бўлиб қолмай, балки энг асосийси кислород етказиб беради. Мутахассис олимларнинг тахминига қараганда дунё бўйича ҳар соатда ўсимликларнинг бир тури йўқолиб бормоқда. Ҳар қандай турнинг йўқолиши эса уни тиклаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади. Бундай салбий оқибатларни олдини олиш учун ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тартибига оид айрим масалалар амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларимизда аниқ ва қатъий белгилаб қўйилиши, бебаҳо табиат неъмати бўлмиш ўсимлик дунёсини келажак авлодга қолдириш мақсадида қўйилган навбатдаги қадамларимиздан биридир.

---

[1]Нурматов М.М. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан қонунчилик палатаси депутатларини сайлашда кузатувчилар иштирокини тиаъминлаш зарурати. ТДЮИ Ахборотномаси. –Тошкент, 2011. – №1. – Б. 134.

[2]Тешабоев М.Соғлом муҳит-авлодлар саломатлиги гаровидир. Баркамол авлодни тарбиялашда экологик қонунчиликнинг ўрни: илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. ТДЮИ, 2010. –Б.12.

Шерзод Махмудович Масадиков
заведующий кафедрой Предпринимательское право (бизнес право)
Ташкентского государственного юридического униаерситета,
кандидат юридических наук

ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОЕ ПАРТНЁРСТВО В ОБЛАСТИ УЛУЧШЕНИЯ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ

В мировой практике прослеживается такая тенденция, государство посредством особого взаимодействия с частным бизнесом через механизм государственно-частного партнерства совместно осуществляют инфраструктурные проекты, которые направлены на улучшение состояния окружающей среды.

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммоси умуман комплекс ҳолда, ирригация-дренаж тизими билан биргаликда, энг кам экологик оқибатлар билан юқори ҳосил олишга қаратилган суғоришнинг ювиш режими ва суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизими яратилиши сифатида қаралиши зарур;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимини яхшилаш бўйича барча чоратадбирлар ташкилий-технологик, иқтисодий ва қурилиш-техник чораларни кўзда тутган ҳолда, сувни тежаш орқали, шунингдек аниқ табиий-техник тизимларда мақбул мелиоратив режимларни барпо этиш йўли билан иқтисодий мақсадга мувофиқликни ҳисобга олган ҳолда асосланиши керак;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизими ҳар хил табиий шарт-шароитлар учун талаб қилинадиган тупроққа ишлов бериш технологияларини таъминловчи агротехник усулларни – такрорий ва оралиқ экинлар экишни жорий қилиб алмашлаб экишни ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини оширувчи дуккакли дон экинлари экишни рағбатлантириш, аралаш экинларни маданийлаштириб, тупроқни мулчалашни ўз ичига олиши керак;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва унумдорлигини оширишга йўналтирилган экинларни алмашлаб экишнинг юқорида кўрсатиб ўтилган тизимини амалга ошириш, сувни ҳисобга олиш, режалаштириш ҳамда сувни суғориш ва коллектор дренаж тармоғида тақсимлашнинг мукаммал тизимини яратиш, коллектор-дренаж сувларидан контурлар ичида суғоришга

ишлатишда фойдаланиш, шўрланган ерларнинг шўрини ювишни такомиллаштириш йўли билан таъминланиши керак;

мелиоратив ва табиий-хўжалик шарт-шароитлари ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда қўлланиладиган мелиоратив чора-тадбирлар комплексига тузатиш киритиш;

ирригация-мелиорация тизимининг ишончли ишлашини ҳисобга олиш ва баҳолаш, уларни таъмирлаш, тиклаш, қуриш ва реконструкция қилиш заруриятини аниқлаш суғориладиган ерларнинг мақбул мелиоратив ҳолатини таъминлаш ва сақлаш нуқтаи назаридан амалга оширилиши керак[1].

Юқорида кўрсатилган принциплар аграр ҳуқуқи, ер ҳуқуқи доирасида таҳлил қилиниб, унда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бу принципларнинг маълум бир қисми сифатида намоён бўлган. Ушбу принциплардан келиб чиқиб, ер мелиорациясини яхшилаш бўйича ҳам асосий принципларни ишлаб чиқиш ва буни ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича олиб бориладиган чора-тадбирларда тадбиқ этиш ўринли деб ўйлаймиз. Қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган махсус принциплар сифатида қўйидагилар эътироф этиш мумкин:

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бевосита давлат томонидан бошқарилиши ва тартибга солиниши; Бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлат бош ислоҳатчилиги худди мана шу мелиорация ишларини олиб боришда муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат учун, унинг иқтисодиётига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири бўлганлиги боис ҳам бевосита давлатнинг ўзи ваколатли давлат органлари орқали мелиорация ишларини ташкил қилади ва унинг олиб борилиши юзасидан қатъий назоратни юритади.

---

[1] Суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳаларни шакллантириш, ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 ноябрдаги 261-сон қарорига 1-илова. // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2008 йил, 49 – сон, 480 – модда.

мелиорация тизимларини давлат рўйхатига олиниши; Мелиорация тизимларига коллектор-дренаж ва юза ташлама сувларни тўплаш ҳамда уларни суғориладиган ерлардан ташқарига чиқариб ташлашга кўмаклашадиган, коллекторлар ва коллектор-дренаж тармоғини (иншоотлар билан бирга), вертикал дренаж қудуқларини, мелиоратив насос станциялари ва кузатув тармоғини ўз ичига оладиган сув хўжалиги объектлари киради. Ушбу обеъктларни давлат рўйхатига олиниши ўз навбатида уларнинг ишлаш имкониятларининг ортишига ва доимий равишда ушбу объектларнинг ҳолати юзасидан кузатув, назорат олиб борилишини, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва мелиоратив тизимларнинг техник ҳолатини тавсифловчи асосий миқдорий кўрсаткичларнинг тизимлаштирилган маълумотлари тўплами – мелиоратив кадастр юритилишини таъминлайди. Ерларнинг ҳолатини яхшилашда мелиоратив кадастрнинг аҳамияти муҳим ўринни эгаллайди. Мелиоратив кадастр маълумотларига қараб ерларнинг сифатини, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар, давлат бюджетидан капитал харажатлар ажратиш масаласи ҳал қилинади[1].

ер мелиорциясини яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишда экологик хавфсизликни таъминлаш; Ушбу принцип, барча корхона, муассаса ташкилот ҳамда фуқароларнинг атроф муҳитга зарар етказмаслиги мажбуриятидан келиб чиқади[2], ер мелиорациясини яхшилаш чора тадбирларини амалга ошираётган корхона, ташкилот, муассаса, экологик хавфсизлик талабларига риоя қилишлари шарт.

ер мелиорациясини яхшилаш чора-тадбирларини илмий ва экологик жиҳатдан асослаш; қишлоқ хўжалигига мўлжаланган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши ўз-ўзидан қишлоқларда моддий ҳаёт турмуш тарзининг кўтарилишига олиб келади. Худди шу сабабдан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишларни режалаштирганда албатта уларни илмий жиҳатдан ҳулосаларга

[1]Усмонов М. Ер ва қонун. Тошкент. “Адолат”, 1994. – Б 138.
[2] Геннадий В.А. Принципы земельного права: автореф. дис. на соиск. учен.степ. д.ю.н.: Москва, 2005. – С 49.

таянган ҳолда олиб бориш ва уни экологик талаб ва қоидалардан келиб чиқиб амалага оширилишини ифодалайди.

ер мелиорация иншоатларини қуриш ва таъмирлашда янги технологиялардан фойдаланиш; Барчамизга маълумки, ҳозирги кунда ҳар бир соҳада янги-янги ишланмалар жорий қилинмоқда ва ишларни режалаштириш ҳамда амалга оширишда техниканинг сунги ютуқлари ва имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Шу каби мелиорация иншоатларини қуриш ва таъмирлашда ҳам худди шу техниканинг сўнги янгилакларидан фойдаланиб ташкил қилиниши қурилаётган ёки қурилиши режалаштирилаётган мелиорация объекларининг узоқ муддат хизмат қилишини натижада тупроқ унумдорлиги ошишига олиб келиб, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиши олди олинади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 29 октябрдаги ПФ–3932-сон Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, ҳамда жамғарма фаолиятини ташкил қилувчиЎзбекистон Республикаси Молия вазирлигиҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тўғрисидаНизом[1] мавжуд. Ушбу хужжат суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва мелиоратив техникани сотиб олишга ажратиладиган молиявий ресурсларни мақсадли сарфланишини тартибга солишга қаратилган. Бунинг натижасида бир қатор мелиоратив ҳолатни яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестициялар жалб қилинди. ер мелиорациясини яхшилаш натижасида тупроқ унумдорлигини ошириш; Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан кўзланган асосий мақсад, тупроқ унумдорлигини ошириш ва натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил олишдир. Тупроқ унумдорлигини оширишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Лекин

[1]“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 йил, 44-сон, 444-модда.

шулардан энг самаралиси ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўлиб, бунинг натижасида мелиоратив ҳолати яхшиланган ерлар худди янги ўзлаштирилган ерлар сингари узоқ йиллар давомида юқори ҳосил олиш учун замин бўлиб хизмат қилади.

ердан фойдаланувчиларнинг ер мелиорациясига доир талаб ва қоидаларга риоя қилишлари принципи; Ҳар бир муносабатда субъетларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлгани сингари ер мелиорациясини яхшилаш жараёнида ҳам ердан фойдаланувчилар белгиланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мажбуриятларини амалга оширишлари ва бунга қатъий риоя қилишларини англатади.

Умуман олганда, ер мелиорациясини яхшилашдаги принциплар – ер мелиорациясига доир нормаларга асос бўлиши ва ушбу мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиш чегарасини белгилайди.

Хулоса ўрнида ҳозирда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг принципларини назарий жиҳатдан ўрганилиб тадқиқ қилинмганлигини айтиш мумкин. Юқорида кўрсатилган принциплар амалий аҳамиятга эга бўлганлиги боис уларни мелиорация ишларини олиб боришда асос қилиб олинса ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кўпроқ натижаларга эришиш мумкин бўларди.

Робия СобировнаТошбоева
Термиз давлат университети ўқитувчиси,
юридик фанлар номзоди, доцент вазифасини бажарувчи

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бугунги кунда глобаллашув ўз таъсирини ўтказмаган биронта ҳам соҳа қолмади. Зеро у дастлаб мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида акс этган бўлса, эндиликда у сиёсат, ахлоқ, миллий-маънавий ҳаёт, инсонларнинг кундалик турмуш кечиришига, ҳаттоки,

давлатларнинг экологик сиёсатига ҳамда атроф муҳит сақлашгача бўлган жараёнларни ўзида акс эттирмоқда.

Маълумки “Глобаллашув” сўзи лотин тилидаги globus – шар, француз тилидаги global – умумбашарий сўзларидан олинган маънода кўпроқ қўлланилади.

Шу маънода, глобаллашув тушунчасига берилган таърифларга эътибор берайлик. Л.Е.Гриннинг фикрича “Глобаллашув – минтақалар ва умуман жаҳоннинг интеграцияси ва яқинлашувининг натижасидир”[1].

Профессор А.Р.Косигенконинг таърифига кўра «Глобаллашув кўп ўлчамли жараён, у ўз таъсир доирасича турли усул ва воситалар билан барча соҳаларни қамраб олади»[2].

Фикримизча берилган таърифлар ичида анча мукаммал таъриф сифатида буни эътироф этиш ўринлидир. Шу маънода “глобал” тушунчасига таъриф берилганда унга бугунги жаҳон миқёсида содир бўлган ва бўлаётган ўзгаришларни ҳам ҳисобга олиш лозимдир.

Бундан кўриниб турибдики ҳозирги экологик муаммолар, экологик саросима, экологик инқироз, экологик офатлар, экологик ҳалокат, танглик бошқа муаммолар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тўғри таъкидлганидек, “Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир”. Демак, бу ғоя инсонларни табиат ҳамда атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресруслар ва энергиядан оқилона фойдаланиш, энергетика ва экологик хавфсизлик муаммоларини олдини олишга замон талаби асосида янада эътибор берилишини тақозо этади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида “Фуқаролар атроф–муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” ва 54-моддасида “Мулкдор ўз мулкига ўз

---

[1] Гринин Л.Е. Глобализация и национальный суверенитет. История и современность. М., №1, 2005. С.8-11.
[2]Қаранг: http://www.kiss/old/parts glovalez/12-19 01 cosil henko htmy

хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланишда экологик муҳитга зарар етмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт,”-деб ифода этилган.

Зеро,Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида, “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиат захиралари умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”,-деб кўрсатилганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Юқоридаги фикрлар шундан далолат бериб турибдики, глобаллашув масаласига кўпроқ иқтисодий, фалсафий ёндошув тушунчалари берилган бўлсада, аммо ҳали юридик адабиётларда, айниқса “экологик-ҳуқуқий ёндошув” тушунчаси талаб даражасида ўз аксини топмаган.

Шу маънода, экологик ёндошув глобаллашувни ер сайёрасидаги экологик вазиятнинг ёмонлашуви ва шунга мувофиқ иқтисодий тараққиётнинг чегарасини белгилаш билан боғлиқ равишда талқин этилди. Бугунги кунда табиат ва атроф-табиий муҳит ҳолатини кескин ёмонлашганлиги, биосферага техноген таъсирни кучайиши оқибатида сайёрамизда тиклаб бўлмас ўзгаришлар содир бўлаётганлиги кўпчиликни саросимага солмоқда.

Экологияни бузилиши сабаб ва оқибатлари хусусида мутахассисларнинг изланишлари инсоният тамаддунининг ўта нозиклиги ҳақидаги хулосаларга олиб келмоқда.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, бу масалада инсоният тақдири бир хил эканлиги ҳамда бутун жаҳонни қамраб олган инқирозий жараёнларнинг кучайиб ва кенгайиб бориши ҳақидаги фикрни уйғотади.

Юқоридаги муаммолар нақадар долзарб экан, ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамияти глобаллашув жараёнлари юзага келтираётган бундай зиддиятларни бартараф этиш устида жиддий бош қотирмоқда.

Хусусан, 1992 йил июнь ойида Рио-де-Жанейро шаҳрида БМТ ҳомийлиги ва кузатуви остида ўтказилган “Атроф муҳит ва тараққиёт” мавзуидаги конференцияда дунёда таркиб топган ҳолатнинг сабаблари илк бор таҳлил этилиб, муаммоларнинг муайян ечими таклиф этилди. Кейинчалик, 2002 йил август-сентябрь ойларида Йоханнесбургда (Жанубий Африка) юқори доирадаги Умумжаҳон учрашувида барқарор тараққиёт тўғрисидаги декларация дунёдаги 147 давлат раҳбарлари ва ҳукумати аъзолари томонидан имзоланди[1].

Ҳозир халқаро ташкилотлар ҳамда дунёнинг қатор олим, сиёсатчилари, экологлар томонидан билдирилган ва сўнгги давр таҳдидларини бартараф этишга қаратилган бир неча глобал ғоялар илгари сурилмоқда.

Ана шундай ғоялардан бири – БМТ илгари сурган ва “Барқарор тараққиёт” номини олган бўлиб, у ҳам иқтисодиёт ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ. Табиатни асраш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган мазкур ғоянинг асосий мақсадларидан бири – экологик иқтисодиётни шакллантиришдан иборатдир.

Масалан:Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларига трансчегаравий таъсир кўрсатаётган Тожикистон алюминий заводи (ТАЛКО ДУК) фаолияти билан боғлиқ кескин экологик ҳолат сақланиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда “Талко”ДУК фаолияти натижасида Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари ҳудудида атмосфера ҳавосидаги фторли водоротнинг миқдори йўл қўйиладиган энг юқори концентрациядан (ЙҚЮК) ўрта ҳисобда 1.8-2 баравар, ёз ойларида эса 3-4 баравар ошиб кетмоқда.

Ушбу зарарли моддаларнинг талай қисми ҳаво оқими билан теварак атрофга, шу жумладан Ўзбекистоннинг Денов, Сариосиё,

[1] Йоханнесбургская декларация по устойчивому развитию: план выполнения решений; Доклад Всемирной встречи на высшем уровне по устойчивому развитию. Йоханнесбург, Южная Африка, 26 августа-4 сентября 2002 г. //Официальный сайт ООН.

Узун ва бошқа туманлари ҳудудига ўтиб, минтақанинг минг йиллар давомида шаклланган экологик тизимини бузмоқда. Шунингдек, бу ерда зич яшаётган 1 миллионга яқин аҳолининг соғлиғига ўнглаб бўлмайдиган даражада зарар етказмоқда.[1]

Юқоридаги салбий холатларни олдини олиш ва мазкур масалани ҳал этиш мақсадида Тошкенда 2013 йил 20-21 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Ўзбекистон экологик ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган **“Тожикистон “Талко” давлат унитар корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатлари таьсирини бартараф этиш чора тадбирлари” мавзусида** халқаро семинар бўлиб ўтдива алоҳида қарор қабул қилинди.[2]

Ана шу мақсадда ўтказилган яна бир тадбир, жумладанЎзбекистон Республикаси Президенти Испом.Каримов ташаббуси билан Тошкенда 2013 йил 20-23 ноябрь кунлариташкил этилган **“Қуёш энергияси-келажак энергияси”муаммосига бағишланган форум[3] ҳам шулар жумласидандир.**

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, глобализация шароитида экологик муаммоларни ҳал қилиш, атроф табиий муҳитни асраш, инсон учун қулай атроф табиий муҳит шароитини яратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ана шу мақсадда мамлакатимизда қабул қилинган экологик қонунлар, яъни Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги, “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги, “Чиқиндилар

[1] Халқ сўзи, 2013 йил 23 август.
[2] Халқ сўзи, 2013 йил 23 август.
[3] Халқ сўзи. 2013 йил, 25 ноябрь.

тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қабул қилинган экологик қонунлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон қарори асосида қабул қилинган, 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатларДастури[1] мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал қилиш борасида катта аҳамиятга эга бўлгантарихий ҳужжат бўлиб улар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг экологик методларини жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги сохасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш, зеро аҳолининг экологик-аграр соҳадаги таълим ва тарбиясини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берди.

Ушбу Дастурлар атроф-муҳит ҳолатининг кафолатланган сифатли даражасига эришиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатдан фойдаланиш бошқарувини такомиллаштириш ва самарали иқтисодий усулларини татбиқ қилиш, атроф-муҳит устуворлигини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, мамлакатнинг барқарор ривожланишига, экологик илм-фанни олға суришга ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълимни жорий қилишга, экологик билимларни кенг тарғиб қилишга, шунингдек экологик маданиятни оширишга ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Дастурнинг 4-бандида назарда тутилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур деб кўрсатилди:

табиий ресурслардан, шу жумладан сув, ер, минерал-хом ашё ва биологик ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш;

ишлаб чиқаришда экологик тоза технологияларни жорий этиш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳисобига ҳаво муҳити, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини босқичма-босқич камайтириш;

[1]Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 282-модда

атроф табиий муҳитни мунтазам баҳолаш ва унинг ижтимоий-экологик ҳолати прогнозини тузиш учун атроф табиий муҳит мониторинги механизмини такомиллаштириш;

экологик офат минтақасида – Оролбўйи ва мамлакатнинг бошқа экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларидаги экологик ҳолатни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва йирик шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги канализация тармоқлари тизимлари ва тозалаш иншоотларини яхшилаш;

атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтириш;

атроф табиий муҳит муҳофазаси, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълим, шунингдек экологик билимларни тарғиб қилиш соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меъёрий-услубий асосни такомиллаштириш;

экологик муаммоларни ҳал этишда минтақавий ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш[1].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, глобаллашув жараёнида Ўзбекистон Республикасининг экологик муаммоларни ҳал қилиш борасидаги фаолияти алоҳида ўзига хос бўлиб, давлатимизда экологик муаммоларни бартараф қилиш борасида асрларга тенг келадиган кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги билан ҳамда тарихий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий жараёнларни ўзида акс эттириб, ҳозирги ва келажак авлодга хизмат қилиши, халқаро андозаларга мослиги билан фарқланади.

Шунингдек, бу борада қуйидаги йўналишларда амалий фаолият кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

[1] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 282-модда.

биринчидан, халқимизни тарихий мерос, урф-одат, экологик анъана ва қадриятларимизни юксалтиришнинг зарурий эҳтиёжига айланишига эришиш, экологик ҳуқуқий илмларни чуқур эгаллашга қаратилган ғояни шакллантириш;

иккинчидан, экологик хавфсизлик ҳамда барқарор тараққиёти йўлида фидоилик кўрсатишда баҳамжиҳат фаолият олиб бориш ҳамда ҳар бир фуқарони табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишига ҳаёти мазмунидаги энг муҳим маънивий эҳтиёжларига айланишига эришиш;

учинчидан, халқларнинг ўз экология соҳасидаги, табиатни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш урф-одат, анъана ва қадриятларни қай даражада улуғлаётгани, дунё халқлари ўртасида оммавийлаштириш борасида ўз маблағлари, куч-қувватларини аямаётганликларига бағишланган давра суҳбатлари ўтказишда мутахассислар билан бир қаторда ўқувчи ва талабаларни ҳам кенг жалб қилиш олиб бориладиган экологик ҳуқуқий таълим ва тарбиявий ишларнинг самарали бўлишга ёрдам беради;

тўртинчидан, жамоатчилик ташкилотларининг экологик ҳуқуқий таълим ва тарбиядаги фаоллигини ошириш ҳам бугунги глобаллашув даврининг энг долзарб вазифасига айланиб бормоғи лозим.

Умуман олганда глобаллашувнинг экологияга, атроф табиатни мухитдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга ўтказаётган тажовуздан ҳимояланиш барча миллат ва элатлар учун муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳали ҳам кеч эмаски, миллатни ана шу экологик хавф-хатар ва тажовуздан ҳимоя қилиш имкониятлари мавжуд. Ана шундай имкониятлардан бири экологик қонунларга бўйсиниш, уларни талабини бажариш ва экологик қонунларни такомиллаштиришдан иборат бўлиб, уни амалиётга жорий этиш ҳисобланади.

Глобаллашув жараёнининг авж олиши экологик муаммоларни ҳал қилишга қанчалик хавф солмасин унга қарши тура оладиган

экологик-ҳуқуқий омиллардан самарали тарзда фойдаланиш имкониятларини ишга солишнинг аҳамияти ошиб боради ва бу ўз навбатида табиатни келажак авлод учун сақланиб қолишига ёрдам беради

Хуллас шу билан бирга, ҳозирги глобаллашув шароитида, яъни экология соҳасини қонунлаштириш, ушбу экологик қонунларни эса такомиллаштириб бориш, айрим амалдаги экологик қонунларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Жумладан, ҳозирги кунда глобаллашув талабларидан келиб чиқиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида хорижий мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиб, **“Табиий ресурслар давлат кадастрлари тўғрисида”ги** Қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фахридин Қосимович Мамадов
Тошкент давлат аграр университети ўқитувчиси

БАЛИҚ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Инсон ҳаётини табиатдан, табиий бойликлардан айрича ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас. Инсоннинг табиат билан тириклиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Тириклик манбаларидан бири ҳисобланган балиқчилик билан инсоният қадим замонлардан буён шуғулланиб келмоқда ва у хўжалик фаолиятининг энг қадимги шаклларидан бири ҳисобланади. Балиқ гўштида бошқа ҳайвон организмларида учрамайдиган, инсон саломатлиги учун фойдали бўлган аминокислоталар, витаминлар, микро ва макроэлементлар мавжуд. Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган тавсияларга асосан, ҳар бир организм соғлом ривожланиши учун унинг кундалик озуқа таркибида одамнинг ёшига қараб 10 граммдан 50 граммгача балиқ

маҳсулоти бўлиши керак[1]. Ёки бўлмасам, бир киши бир йилда 10-12 килограмм балиқ истеъмол қилиши лозим экан[2].

Балиқчилик соҳасини ривожлантиришда мамлакатимизда жуда катта имкониятлар мавжуд. Ватанимиз ҳудудида 500 дан ортиқ катта-кичик сув ҳавзалари ва 600 дан зиёд дарёлар мавжуд бўлиб, 1 млн. гектардан ортиқ майдонни ташкил этади. Шундан 800 минг гектар майдонда балиқ овлаш билан шуғулланиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Зоология институти олимларининг охирги маълумотларига кўра, Ўзбекистонда жойлашган дарёлар ва сув ҳавзаларида балиқларнинг 81 тури мавжуд. Улардан фақат 11 тури саноат аҳамиятига эга. Улар асосан, зоғорабалиқ, оқ ола, леш, чўртан, оддий қизил куз, карась, оққайроқ, толстолоб, оқ амур, илон балиқ, лаққа турларига кирувчи балиқлардан иборатдир[3].

Балиқчилик соҳасида бозор тамойилларини жорий этиш, балиқчиликни ривожлантириш ва аҳолини балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августда “Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 350-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарор балиқчилик соҳасини монополиядан чиқариш, балиқчилик корхоналарини хусусийлаштириш, соҳада хусусий мулкчиликни жорий этиш орқали ушбу соҳани янада ривожлантиришга кенг йўл очиб берди. Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори билан “Республика балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаларини бириктириб қўйиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” Низом тасдиқланган бўлиб, низом балиқчилик хўжалигига табиий сув ҳавзаларини ижарага бериш ва улардан фойдаланиш тартибини

---

[1] Ахмедов Х., Турғунова У., Саидов З. Балиқ чавақларини етиштириш. – Тошкент: изд. ЧФ. “KARRLO”. 2007. – Б.3.

[2] Алиев Ғ.Қ. Ўзбекистон Республикасида сув ва балиқ ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш.//Правовое регулирование пользования и охраны водных и рыбных ресурсов Республики Узбекистан. Материалы круглого стола. –Ташкент: ТГЮИ. – С.9.

[3] Абидов К., Акрамхўжаев А., Беликов В., Каипова Д. Ўзбекистон сув ҳавзалари ва дарёларида балиқ маҳсудорлиги ва уни ошириш истиқболлари. / Ekologiya xabarnomasi. – 2006. – № 6. – 11 б.

белгилаб берди. Соҳада олиб борилган ислоҳотлар натижасида мамлакатимиздаги мавжуд табиий сув ҳавзаларидан балиқ овлашдаги квоталар бекор қилинди. Мавжуд балиқ ресурсларини кўпайтириш ва балиқчиликни ривожлантиришни илмий асосда ташкил қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибида Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ташкил қилинди.

Республика хукумати охирги йилларда балиқчилик соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2009 йил 26 февралда 03/I-318-сон билан тасдиқланган "2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича тадбирлар Дастури"и соҳа ривожланишини ўзига хос босқичи бўлди деб айтиш мумкин. Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида 985 та балиқчилик хўжалиги фаолият юритмоқда, шу жумладан 2009 йилда 587 та ёки 59,5% балиқчилик фермер хўжалиги ташкил этилди.

Дастурга кўра, 2009 йилда табиий сув ҳавзалари ва сунъий кўл хўжаликларида етиштирилган балиқларни овлаш 2008 йилга нисбатан 20%га ошиши режалаштирилган эди. 2009 йил ҳисобот йилида ҳудудлардан олинган тезкор маълумотларга кўра, 9300 тонна балиқ сунъий кўл хўжаликларида етиштирилган ва табиий сув ҳавзаларидан саноат шаклида овланган, бу 2008 йилдагига нисбатан 2200 тонна ёки 13% кўпроқни ташкил этади[1].

Ўтказилган тадбирлар амалиётда ўзининг самарасини кўрсатди. Балиқ овлаш ва аҳолини балиқ маҳсулоти билан таъминлаш ҳажми сезиларли ошди. Республикадаги энг йирик балиқ хўжалиги ҳавзаси ҳисобланган Айдар-Арнасой кўллар тизимида 2006 ва 2011 йилларни солиштириб кўрганда, балиқ овлаш ҳар йили ўтган йилга нисбатан

[1] http:// www.uznature.uz .

1,5 %дан то 35,2 %гача, балиқ овлаш ҳажми 2010 йилда 2003 йилга қараганда 1235,58 тоннага ёки 2,41 маротабага ошган[1].

Республикамизда балиқчилик соҳасида бир қанча ютуқларга эришилганига қарамай, ҳозирги кунда мавжуд имкониятлардан тўлалигича фойдаланилаётгани йўқ. Балиқ хўжалиги фаолиятида мавжуд бўлган баъзи ҳолатлар бу соҳани янада ривожланишига салбий таъсир этмоқда. Хусусан, битта сув ҳавзасини бир неча балиқ хўжаликларига берилганлиги ва балиқ овлаш квоталари бекор қилинганлиги хўжаликлар томонидан балиқларни ҳисобсиз овланишига, балиқ заҳираларини камайишига олиб келди. Балиқ заҳираларини камайишини олдини олиш чора-тадбирларидан бири бўлган, ҳовузларга балиқ чавақларини ташлаш барча фойдаланувчилар томонидан амалга оширилаётгани йўқ. Ҳовузларни балиқлашни амалга ошираётганлар ҳам бу ишни режали асосда олиб бораётганлари йўқ. Шунингдек, табиий сув ҳавзалари ижарачиларини тез-тез ўзгариши, балиқчилик соҳасида етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган шахсларни бу соҳага қўл уриши фаолиятни самарасиз тугалланишига олиб келмоқда.

Республика балиқчилик соҳасини ривожлантириш, тармоқда бозор иқтисодиёти талабларини янада кенгроқ ва тўлароқ жорий этиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

табиий сув ҳавзаларини битта балиқчилик хўжалигига бириктириш, балиқ заҳираларини камайишини олдини олиш, сув ресурсларини экологик ҳимоя қилиш чора-тадбирларини бажарилишига эришиш.

табиий сув ҳавзаларида овланадиган балиқларга нисбатан квоталарни ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали балиқ турлари ва уларни наслларини сақланиши, кўпайиши ва тикланишини йўлга қўйиш.

[1] Состояние, охрана и использование биологических ресурсов.//Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республики Узбекистан (2008-2011). –Ташкент: изд. “Chinor ENK”, 2013. – С.119.

балиқ хўжаликлари томонидан балиқларни ўстиришга қўйиб юбориш, балиқчилик мелиорацияси, балиқларнинг овланадиган турлари наслларини сақлаб қолиш ишларини ҳамда балиқчилик ресурсларини сақлаш ва кўпайтириш бўйича шартномавий мажбуриятларини бажарилишини назорат қилишни кучайтириш.

Вазирлар Маҳкамасининг “Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 350-сон қарорида кўзда тутилган Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот марказининг асосий вазифаларидан бири бўлган “балиқчилик тармоғи учун кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш”ни янада такомиллаштириш.

Балиқчилик соҳасини янада ривожлантириш, балиқ заҳираларини кўпайтириш фақатгина юқорида кўрсатилган чора-тадбирлар ёрдамида амалга ошириш мумкин эмас, албатта. Балиқчилик соҳасини халқ хўжалигини забардаст тармоқларидан бирига айлантириш учун Ўзбекистон ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва унинг таркибидаги Давлат бионазорат бошқармаси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибидаги Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Зоология институти ва балиқ хўжаликлари ўзаро хамкорликни янада кучайтириб, илмий-иқтисодий асосда ишлаб чиқилган дастурларни изчил ҳаётга татбиқ этишлари керак.

Oybek Aliqulovich Ostonov,
Zulayho Kuchkarbaevna Ashirboyeva
Toshkent davlat agrar universiteti o’qituvchilari,
tarix fanlari nomzodlari

EKOLOGIK SIYOSATNING HUQUQIY ASOSLARI

Ekologik xavfsizlikni ta’minlash – barqaror, biosferaviy ta’minlangan rivojlanish strategiyasini shakllantirish va amalga oshirishdagi eng ustun

vazifalaridan biridir. Respublikaning mintaqalararo va xalqaro hamkorligini amalga oshirishda ekologik xavfsizlik birinchi o'rinda turishi kerak.[1]

Huquqiy qonunlarning ekologik xavfsizlikni ta'minlashdagi vazifasi, davlatning tabiatni muhofaza qilish sohasidagi faoliyatini insonparvarlashtirish vositasi bo'lib, shaxs va boshqa ijtimoiy birliklarning tabiatga nisbatan gumanistik munosabatini qonuniy-huquqiy asosda amalga oshirishida namoyon bo'ladi. Boshqacha qilib aytganda, bir tomondan, ekologik xavfsizlikni ta'minlovchi sub'ektlarning tabiatni muhofaza qilish sohasidagi huquqlarini, majburiyatlarini, mas'uliyatlarini va burchlarini umuminsoniy manfaatlar doirasida muvofiqlashtiradi. Ikkinchi tomondan, tabiatni muhofaza qilish sohasidagi davlat siyosatini insonparvarlashtirishning asosiy maqsadi – biosfera ekologik muvozanatiga antropogen ta'sirni boshqarish va nazorat qilishdan iborat. Shu maqsaddan kelib chiqib, ekologik xavfsizlik siyosatini huquqiy jihatdan ta'minlash – tabiatni muhofaza qilishga doir gumanistik faoliyat yo'nalishlarini o'zaro muvofiqlashtirish hamda ularni oqilona tashkil qilish bilan bog'liq.

Tabiatni muhofaza qilishning huquqiy qonunlari, me'yoriy aktlari majmuasi "tabiat-jamiyat-inson" munosabatlarini insonparvarlashtirish jarayonini tartibga solish bilan, bir tomondan, ekologik xavfsizlik sub'yektlariniig tabiatni muhofaza qilish ijtimoiy mas'uliyati va majburiyatining tarixiy zaruriyatini anglash bo'lsa, ikkinchi tomondan, ularni insonparvarlashtirish va amaliyotga tadbiq qilish jarayonining imkoniyatlarini vujudga keltiradi. Bunda eng muhimi, ekologik xavfsizlikni ta'minlash siyosatining huquqiy-qonuniy asoslari insonning tabiatni muhofaza qilish burchini, mas'uliyatini va majburiyatini anglagan holda, amaliy faoliyatini tashkil qilishdan iborat bo'lib, uni insonparvarlashtirishning ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ma'naviy shart-sharoitlarini, vositalarini, usullarini birlashtiruvchi omil bo'lib hisoblanadi.

---

[1]Қаранг: Никонюрова Е., Тяптиргянов М. Биоразнообразие в системе социоприродных отношений: Экологическая безопасность и проблемы жизнеобеспечения социокультурного регионального развития // Безопасность Евразии. – №3 – 2003, июль-сентябрь. – С.653–668.

Bu vazifalarning amalga oshirilishi va ularning samaradorligi davlatning jamiyat ekologik ehtiyojlari hamda manfaatlaridan kelib chiqadigan huquqiy qonunlar majmuasini yaratish, amalga joriy etishning siyosiy mexanizmlarini ishlab chiqishiga bog'liqdir.

Ekologik xavfsizlik siyosatining huquqiy-qonuniy asoslari «tabiat-jamiyat-inson» ijtimoiy-ekologik munosabatlarini, ularning faoliyat yo'nalishlarini insonparvarlashtirishga millat, davlat manfaatlari nuqtai nazaridan yondashib, tashkillashtirish va boshqarish ehtiyojlarini qondirishga qaratilgan. Lekin, har qanday davlat nisbatan mukammal qonuniy-huquqiy bazaga, institutsional tuzilmasiga ega bo'lishiga qaramasdan, umuman jamiyat manfaatlarining turli individual shakllari o'rtasidagi ziddiyatlarni, xususan tabiatni o'zgartirish va muhofaza qilish sohalarining nomutanosibligini bartaraf qilish imkoniyatiga ega emas. Chunki, ekologik huquqiy qonunlar tabiatni muhofaza qilish ehtiyojlarini ifodalashi bilan boshqa ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy manfaatlarga zid kelib qolishi mumkin. Shunga qaramasdan, ekologik xavfsizlik siyosatining umumgumanistik xarakteridan kelib chiqadigan bo'lsak, har qanday huquqiy qonun, muqarrar ravishda, umuminsoniyat manfaatlariga mos keladi.

Ekologik xavfsizlik siyosatini qonuniy-huquqiy ta'minlashda bir-biridan nisbatan mustaqil ikki yo'nalish, qarashlar tizimi borligini ko'ramiz. Xususan, birinchi yo'nalishdagilari – ekologik xavfsizlikning mahalliy, milliy jihatlarini yoki tabiat komponentlarining muayyan elementlarini muhofaza qilishning maxsus qonunlarini yaratish va siyosiy faoliyatini tashkil qilishni yoqlab chiqadilar. Muammoga bu tarzda yondashish tor doiradagi utilitar, pragmatik manfaatlarni mutlaqlashtirishdan iboratdir. SHuning uchun bu yo'nalishni, shartli ravishda, ***induvidualistik yondashish*** deb atash o'rinlidir. Ikkinchi yo'nalishdagi mutaxassislar va olimlar hozirgi davrda ekologik muammolarning olamshumul xarakter kasb etishi, ya'ni mahalliy, milliy xarakterga ega bo'lgan ekologik xavfsizlik masalalari o'z chegaralarini kengaytirib, avval mintaqaviy, keyinchalik umumbashariy darajaga

ko'tarilishini hisobga olib, biosfera tabiiy komponentlarini majmuaviy tarzda muhofaza qilishning siyosiy vositalarini, qonuniy-huquqiy usullarini yoqlab chiqmoqdalar. Bu yo'nalishni esa tabiatni muhofaza qilish sohasidagi ***globalizm va universalizm,*** deb atash mumkin.

Hozirgi davrga kelib, ekologik xavfsizlik siyosati – tabiat boyliklaridan foydalanishning turli sohalarini rasmiy davlat siyosati darajasida – mahalliy, milliy, mintaqaviy va olamshumul miqyosda muvofiqlashtirish zaruriyatini hisobga oladigan bo'lsak, ikkinchi yo'nalish ustuvorligini ta'minlashning ahamiyati namoyon bo'ladi. Shu bilan birgalikda, ekologik xavfsizlik siyosatini huquqiy qonunlar bilan takomillashtirish va boshqarishda bu yo'nalishlar ichidagi birinchi navbatda bajarish kerak bo'lgan alohida vazifalarni aniqlash muhim ahamiyatga zga. SHuning uchun, bir tomondan mahalliy, milliy manfaatlarga zid bo'lgan antiekologik siyosat doirasidagi xatti-harakatlarni bartaraf qilish xalqaro miqyosdagi mustahkam huquqiy bazaga, siyosiy nazorat mexanizmlariga ehtiyojni ham kuchaytirmoqda. Ikkinchi tomondan, milliy ekologik xavfsizlik siyosatidagi turli yo'nalishlarning nisbatan mustaqil faoliyatlarini xalqaro huquqiy qonunlar, me'yorlar asosida tashkil qilish zarur. Chunki, tabiatning muayyan komponentidan foydalanuvchi milliy ishlab chiqarish tarmoqlarining global ekologik manfaatlar doirasidagi munosabatlarini huquqiy qonunlar asosida muvofiqlashtirish, har bir davlatning ham, planetalar miqyosida ham ekologik xavfsizlikni ta'minlash siyosatida alohida ahamiyatga ega.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, hozirgi davrda ekologik xavfsizlikni ta'minlashning, bir tomondan, huquqiy-qonuniy asoslari nochor bo'lsa, ikkinchi tomondan, ularni amalga oshirishning mexanizmlari nomukammalligi mavjud. Ya'ni, ilmiy darajada tabiiy boyliklardan foydalanishning tarmoq yoki mahalliy iqtisodiy manfaatlariga asoslangan ishlab chiqarishning ekstensiv rivojlanish xalqaro xarakteri huquqiy qonunlarni ham, ularning harakatlantiruvchi mexanizmlarini ham ahamiyatsiz qilib qo'ygan.

Tabiatni muhofaza qilishni huquqiy qonunlar orqali boshqarishning samaradorligi uning sub'ekti bo'lgan xalq ommasining davlat ekologik xavfsizlik siyosatiga munosabatiga, ya'ni bu siyosatning zaruriyatini ekologik siyosiy ongning rivojlanish darajasida anglashiga bog'liqdir. Boshqacha qilib aytganda, ekologik xavfsizlik siyosati tabiatni muhofaza qilish haqidagi huquqiy qonunlarning ma'muriy-majburiy qo'llanilishini emas, balki bu tadbirning hayotiy zaruriyat ekanligiga ommani ishontirishdan ham iboratdir. Bu esa, ekologik xavfsizlikni ta'minlash siyosatini insonparvarlashtirishning mohiyatini, mazmunini belgilaydi.

Ekologik huquqiy ta'lim-tarbiyaning bir-biri bilan bog'liq bo'lgan ikki universal xususiyati mavjud, ya'ni bir tomondan, davlatning ekologik xavfsizlik siyosati huquqiy qonunlar majmuasi yordamida "tabiat-jamiyat-inson" munosabatlarini biosfera mutanosibligi qonuniyatlariga bo'ysundiradi. Ikkinchi tomondan, antiekologik faoliyatlarni chegaralash, ta'qiqlash, jazolashni huquqiy ta'minlash ekologik xavfsizlik siyosatini umuminsoniy qadriyatlar sifatida namoyon qiladi.

Umumlashtirib aytganimizda, ekologik xavfsizlik siyosatining huquqiy-qonuniy asoslari quyidagi ma'naviy-aksiologik xususiyatlarga ega:

1) har qanday davlatning tabiiy boyliklardan oqilona foydalanish va muhofaza qilishga doir milliy huquqiy-qonuniy asoslarini umuminsoniy qadriyat darajasida izohlash;

2) mahalliy, milliy manfaatlarga mos davlat ekologik xavfsizlik siyosatining huquqiy-qonuniy jihatlarini umuminsoniy qadriyatlar bilan uyg'unligini ta'minlash;

3) ekologik huquqiy-qonuniy normalarning tabiatni muhofaza qilish ehtiyojlari va manfaatlariga mos dinamik o'zgartirishga, ularning pedagogik-didaktik, profilaktik xususiyatlariga alohida e'tibor berish zarur.

Ekologik xavfsizlik siyosatida huquqiy qonunlarning aksiologik xususiyatlari tabiatni muhofaza qilish faoliyatini rag'batlantirish, uning ma'naviy omillarini rivojlantirishda namoyon bo'ladi. Eng muhimi, milliy

ekologik qadriyatlarning umuminsoniy gumanistik manfaatlarga mosligini ifodalashidir. Chunki, davlatning ekologik siyosati muayyan ijtimoiy-iqtisodiy manfaatlar nuqtai nazaridan baholanadigan bo'lsa, muqobil, hatto bir-biriga zid bo'lgan qarashlar vujudga keladi. Shunga qaramasdan, ekologik xavfsizlikni ta'minlash siyosatining axloqiy-aksiologik asoslari, uning siyosiy asoslariga nisbatan gumanizatsiyalashganligi bilan farq qiladi. Shuning uchun, umuman ekologik-aksiologik qadriyatlarning, xususan milliy qonuniy-huquqiy qadriyatlarning tor doirada manfaatlashuvi shartli va nisbiy xarakterga egadir.

Har bir kishida ekologik qadriyatlarni tarbiyalashning huquqiy-qonuniy asoslari, uning ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-mafkuraviy omillaridan ajralgan holda bo'lishi mumkin emas. Shuning uchun ekologik qadriyatlarning shakllanishi va rivojlanishida, ularni bir-biridan ajratib, huquqiy-qonuniy asoslarini yoki ta'lim-tarbiya usullari, vositalarining ayrim yo'nalishlarini mutlaqlashtirish yaramaydi. Boshqacha qilib aytganda, ekologik qadriyatlarning ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ma'naviy asoslarini yaratishga davlat siyosati nuqtai nazaridan yondashib, uning ob'ektiv shart-sharoitlari, sub'ektiv omillari mushtarakligini ta'minlovchi tashkiliy, huquqiy, ahloqiy, tarbiyaviy usullar, vositalar birligi taqozo qilinadi.

Ekologik xavfsizlikni ta'minlash siyosati ijtimoiy, iqtisodiy, ma'muriy, huquqiy, ma'naviy va boshqa yo'nalishlardagi siyosiy munosabatlarning rivojlanishi bilan uzviy bog'liq bo'lib, bunda davlat tomonidan yaratilayotgan siyosiy-huquqiy makon ekologik qadriyatlarni insonparvarlashtirishning real imkoniyatlarini yaratadi. Buni kengroq ma'noda izohlaydigan bo'lsak, ekologik xavfsizlik siyosatining gumanistik xarakteri ijtimoiy-siyosiy muhitning bir-biri bilan bog'liq ikki holatida namoyon bo'ladi, ya'ni har qanday shaxs va ijtimoiy birlikning faoliyat makonini, muayyan xususiyatlariga qarab chegaralash mumkin va uning zarurligidan kelib chiqib, shartli ravishda, "makro-makon muhiti" va "mikro-makon muhit"ga ajratish, metodologik jihatdan, tadqiqot samaradorligini ta'minlashning zaruriy shartidir. Bunda har bir shaxsning

makro-makondagi ijtimoiy-siyosiy faoliyati va munosabati, dastlab mikro-makonda shakllanishi va uning rivojlanishining asosi ekanligini e'tirof etish alohida ahamiyatga ega.

Ekologik xavfsizlik siyosatining samaradorligini oshirish uchun, bir tomondan, mikro-makon muhitining (oila, mehnat jamoasi, mahalla) turli shakllari va rivojlanish darajalari o'rtasidagi munosabatlarni uyg'unlashtirish; ikkinchi tomondan, har bir mikro-makon muhitining umumiy (milliy, mahalliy, mintaqaviy, olamshumul) makro-makon muhiti bilan bog'lanishlarini tashkil qilish har bir davlat ekologik siyosatini kuchaytirishni va ularni umumiy manfaatlarga ko'ra muvofiqlashtirishni taqozo qiladi. Bunda ekologik huquqiy qonunlar majmuasi "tabiat-jamiyat-inson" munosabatlarini (har ikki darajada) muvofiqlashtirishga qaratilgan, davlatning maxsus siyosiy usqurma elementi bo'lib hisoblanadi. SHuning uchun shaxs faoliyatida namoyon bo'layotgan jamiyatning ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ma'naviy qadriyatlari davlatning ekologik huquqiy siyosati bilan uzviy tarzda bog'lanib ketgan taqdirda, mikro va makro-makon muhitlarda ekologik xavfsizlikni ta'minlash siyosatini amalga oshirishga qulay shart-sharoit yaratiladi.

Ijtimoiy-siyosiy munosabatlarni ekologik gumanizm tamoyillariga ko'ra tashkil qilishdagi murakkablik, milliy manfaatlarni ustuvorlashtirish bilan bog'liq bo'lib, kishilarning ekologik huquqiy qonunlarni, normalarni o'zlashtirishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Lekin, munosabatlardagi qarama-qarshiliklar va manfaatlar xilma xilligini davlat siyosiy usqurma elementlari, ma'muriy tashkilotlari, jamoatchilik fikri, ijtimoiy-ahloqiy tamoyillar birligini ta'minlash orqali bartaraf qilish mumkin.

Ekologik xavfsizlik siyosati, o'z mazmuniga ko'ra, tabiatni muhofaza qilish faoliyatini tashkillashtirish, boshqarish va nazorat qilish sohasida ko'proq "majburlash" usulidan foydalanganligi uchun o'ziga xos ijtimoiy-psixologik natijalarni beradi. Biroq, rasmiy ekologik huquqiy qonunlar, kundalik axloqiy me'yorlarga, ijtimoiy mas'uliyat va burchga aylansagina, shaxs ekologik siyosiy etukligini, kamolotini belgilovchi mezonga aylanadi. SHuning uchun ham huquqiy davlatdan fuqarolik jamiyatiga

o’tishda ma’naviy-ahloqiy omillarning siyosiy omillarga nisbatan ustuvorlashib borish tendentsiyasi kuchayadi va qonuniyat maqomiga ega bo’ladi.

Юлдуз Юсупжановна Тохтаева,
Ўғилхон Нуғмонжоновна Раимжонова
Тошкент давлат аграр университети ўқитувчилари

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ЭКАЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, табиатни бошқариш тизими тубдан такомиллаштирилди. Атроф-мухитни асраш табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари таркиб топди. Атроф-муҳит ҳолатининг кафолатланган сифатли даражасига эришиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27- майдаги қарори билан “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит мухофазаси бўйича ҳаракатлар дастури ” қабул қилинди.

Ушбу дастурда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарурлиги белгилаб қўйилган. Яъни:

табиий ресурслардан шу жумладан сув, ер, минерал хом-ашё ва биологик ресурслардан комплекс фойдаланиш;

ишлаб чиқаришда экологик тоза технологияларни жорий этиш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳисобига ҳаво, сув ва ер ресурсларини ифлосланишини босқичма босқич камайтириш;

атроф табиий муҳитни мунтазам баҳолаш ва унинг ижтимоий экологик ҳолати прогнозини тузиш учун атроф табиий муҳит мониторинги меҳанизмини такомиллаштириш;

экологик офат минтақасида Оролбўйи ва мамлакатнинг бошқа экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларидаги экологик ҳолатни тиклаш ва соғломлаштириш чора тадбирлари комплексини амалга ошириш;

аҳолини тоза ичимлик суви билан таьминлаш ва йирик шаҳарлар, аҳоли пунктларидаги конализация тармоқлари тизимлари ва тозалаш иншоотларини яшилаш;

атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтириш;

атроф табиий муҳит муҳофазаси, экологик таьлим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таьлим, шунингдек экологик билимларни тарғиб қилиш соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меьёрий услубий асосни такомиллаштириш;

экологик муаммоларни ҳал этишда минтақавий ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш.

Мазкур дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 89,39 млрд сўм, 1635,55 млн АҚШ доллари ва 57,63 млн. евро сарф қилиниши мўлжалланган.

Президентимиз И.Каримов томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни ривожлантиришга қаратилган қонунларда экологик муносабатларни тартибга солиш экологик муаммоларни ҳал этиш муаммоларига эьтибор қаратилган. Масалан бу борада Ўзбекистон Республикасини “муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Маьмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Ер,

Жиноят, Шаҳарсозлик, Солиқ кодекслари атроф табиий муҳит муҳофазаси бўйича кенг жамоатчиликка ҳизмат қилади.

5-июн – “Жаҳон атроф – муҳитни муҳофаза қилиш куни” деб эьтироф этилган бўлиб бутун дунё атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳалқаро майдонда ҳамкорлик олиб боради Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасида бу борада Экоҳаракат дупутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмита аьзолари экологик муаммоларни ҳал этиш борасида қуйидаги асосий йўналишларда иш олиб борадилар:

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича махсус қонунчилик ҳужжатлари тизимини ривожлантириш ҳамда бошқа соҳалардаги қонунчиликни экология талабларига мутоносиблигини таьминлаш;

мазкур соҳада муҳим халқаро ҳуқуқ ҳужжатларига қўшилиш ҳамда ҳалқаро миқёсда миллий минтақавий экологик муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этиш;

атроф-муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган хужжатларни ижро этишда марказ ва жойларда жамоатчилик ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаоллигини ва иштирокини ошириш;

экологик қонунчилик меьёрий талаблари механизмини такомиллаштириш орқали атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида аҳоли, хўжалик юритувчи субьектлар ва давлат манфаатлари ўртасидаги уйғунликни таьминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қўмита аьзолари томонидан 2011-2014 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури юқоридаги асосий йўналишлардан келиб чиқиб қонун ижодкорлиги ва назорат таҳлил ишларини олиб бормоқда.

Президентимиз 2013-йил 14-февралдаги “Обод турмуш йили” давлат дастури тўғрисидаги қарорига асосан 2013-2015 йилларда бюджет маблағлари ҳамда ҳомийлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан маҳаллалардаги йўллар чети ҳамда маҳсус ажратилган “Яшил” майдонларга ҳар йили 15 млн туб манзарали ва 29,5 млн туб мевали дараҳтлар шунингдек 10 млн туб бута ва гуллар экиш кўзда тутилган.

Эндиликда Экоҳаракатни ташкил этиш ва унинг фаолиятини ривожлантириш орқали миллий ҳавфсизликнинг ажралмас қисми ҳисобланган экологик ҳавфсизликни таьминлаш борасидаги Ўзбекистон тажрибасини қатор нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар илғор ғоя сифатида ўрганмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” номли маьрузасида таькидланганидек, “Бугунги кунда экологик йўналишдаги юздан ортиқ нодавлат, нотижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва маьсулиятли вазифалар турибди. Мазкур ҳаракатдан сайланган депутатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантиришга, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари, шунингдек турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича маьсулиятини ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилишга кўмаклашишлари лозим”. Янги қонунларни қабул қилиш бўйича парламент палаталари аьзоларига атроф-муҳит масалалари муҳим аҳамият касб этишини билдиради.

Табиатни муҳофаза қилиш давлатни энг асосий вазифаларидан биридир мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш бўйича, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таьминлаш тадбирларини режалаштиришни такомиллаштириш, давлат экологик бошқарувини ислоҳ қилиш,

табиат бойликларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни таьминловчи иқтисодий механизмини такомиллаштириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини табиат бойликларидан фойдаланиш учун ва табиатни муҳофаза қилиш тажрибасига кенг жорий этиш бу соҳадаги ҳалқаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш экологик тузилмаларни тубдан яхшилаш ва аҳолини табиатга эҳтиёткорлик муносабатида бўлиш руҳида тарбиялаш масалаларини ҳал этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир. Табиатни муҳофаза этиш фаолиятини амалга оширишда асосий эьтибор республикасизни саьноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, айниқса саьноат корхоналари кўп жойлашган минтақаларда, даставвал Навоий, Фарғона, Қўқон, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод шаҳарларида, Хоразм вилояти ва Қорақолпоғистонда қулай экологик вазиятни таьминлашга қаратилмоғи лозим.

Табиат атроф-муҳитни экологик барқарорлигини таьминлашда , табиий мувозанатни сақлашда боғлар ва ўрмонлар катта ўрин тутади. Олимларнинг ҳисоб китобига кўра бир туб дараҳт 24 соат мобайнида уч киши учун зарур бўлган кислород ишлаб чиқаради. Бир гектар ўрмонзор эса йилига 18млн $м^3$ атмосфера ҳавосини тозалаб беради. Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳаётнинг давомийлиги яшил мўжиза бўлмиш табиатга боғлиқдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон флорасининг 4500 дан ортиқ ўсимлик турлари ташкил этади уларнинг 3000дан ортиғи яввойи ҳолда ўсувчи олий ўсимлик турлари бўлиб улардан 9 % эса эндемик турларини ташкил этади. Ушбу ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турларининг умумий сонидан 325таси эндемик, камёб ёки йўқолиб кетиш ҳавфи остидаги Ўзбекистон қизил китобига киритилгандир. Ўзбекистонинг ўрмон фонди майдонлари деярли 9.12 млн гектарни ташкил қилиб шундан ўрмон билан қопланган майдонлар 2.8 млн гектарни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 200 млн сўм, шунингдек аҳоли яшаш жойларидаги ўсимлик билан

қопланган ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли дам олиш рекрация ҳудудлари, Республикамиз шаҳарлари флорасини самарали ва эстетик жалб этувчи яшил ўсимликлар билан янада бойитиш тадбирлари учун маҳаллий бюджет ҳамда табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармалари, маблағлари ҳисобидан (ҳар йилги молияланадиган табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг камида 15-20% миқдорида) молияланиши кўзда тутилган.

Бу эзгу ишларнинг барчаси Президентимиз И.Каримов раҳбарлигида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини, ҳалқимизнинг турмуш маданиятини ва замонавий дунёқарашини ўзгартириш мақсадида бошланган бунёдкорлик ишларининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Нигора Аманнулахановна Жўраева
Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети
Давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси

ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКДА ПРИНЦИП-НОРМАЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Тамойиллар амалдаги ҳуқуқда акс этгани боис уларнинг ифода этилиши, мазмун-моҳияти, самараси ва бошқа ўзига хос жиҳатлари тегишли қонун ҳужжатлари соҳасининг ривожланишига боғлиқдир. Экологик муносабатларнинг барча иштирокчилари – давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслари, шунитнгдек қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд органлари, корхоналар, жамоат бирлашмалари ҳамда, албатта, фуқаролар – ҳуқуқий тамойилларга таяниб иш кўришлари керак. Тамойилларга риоя қилиниши давлатнинг ҳуқуқий ва ижтимоий характерининг ўзига хос мезони бўлиб, мазкур фаолият табиатдан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, инсон ва фуқаронинг экологик ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни самарали бўлишини таъминлайди.Ҳуқуқ принциплари ўз табиатига кўра ижтимоий-иқтисодий, сиёсий,

мафкуравий, аҳлоқий, диний ва махсус юридик турларга бўлинади.Ҳуқуқшуносликка оид адабиётларда умумий ва махсус, соҳавий ва тармоқлараро принциплар тўғрисида фикр-мулоҳазалар мавжуд.[1]

Ҳуқуқ принциплари одатда бевосита қонун хужжатларида мустаҳкамланади; баъзан ҳуқуқ нормаларининг мазмунидан келиб чиқади. Шунга кўра давлат ва ҳуқуқ назариясидан келиб чиқадиган бўлсак,табиатни мухофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ҳам принцип-нормалари мавжуддир. Принциплар таҳлили орқали фаннинг мазмун-моҳияти, табиати, ўзига хос хусусиятлари, ҳаракатланиш сифатлари ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Табиатни мухофаза қилиш туғрисидаги қонунчиликнинг принцип-нормаларини таҳлил қилар эканмиз: “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги(1992й.) қонунда бир қанча махсус принциплар ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.Улар қуйидагилар:

инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш;

фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш;

жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

табиатдан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тўламаслик;

экология экспертизаси ўтказишнинг мажбурийлиги;

табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;

табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

[1]Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик . – Т., ТДЮИ, 2000, 217 б.

табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;

табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш[1].

Айнан шу принциплар асосида атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатувчи барча ижтимоий муносабатлар иштирокчилари ўзининг хўжалик ва бошқа фаолиятини амалга оширишлари зарурдир.

Тамойилларга риоя қилиниши давлатнинг ҳуқуқий ва ижтимоий характерининг ўзига хос мезони бўлиб, мазкур фаолият табиатдан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, инсон ва фуқаронинг экологик ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни самарали бўлишини таъминлайди.

Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг тамойилларини қуйидагича таснифлашимиз мумкин, яъни ижтимоий хусусиятларига қараб (экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги), иқтисодий хусусиятларига кўра (табиатдан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва х.к.), ташқи сиёсий хусусиятларига кўра (халқаро ҳамкорлик, давлатнинг жавобгарлиги) ва бошқалар.

Таниқли рус олими С.А.Боголюбов эса табиатни мухофаза қилиш қонунчилиги принципларини шартли равишда қуйидагича таснифлайди:

иқтисодий принциплар (таъқиқлш, хақ тўлаш, зарарни қоплаш ва х.к)

гуманитар принциплари (риоя этиш,асраб-авайлаш, иштирок этиш, тарбиялаш ва х.к.)

бошқарув принциплари (мажбурийлик, мустақиллик, маъсулият, тизимлилик)[2]

---

[1]ЎзбекистонРеспубликасиОлийКенгашинингАхборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда.
[2]Экологическое право: дарслик.М.:ТК Велби, Изд-во Проспект,2008.42-43 б.

Экологик принцип-нормаларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларнинг асосийлари юқорида айтилгандек, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда ифодаланган бўлишига қарамай, уларнинг ривожланишида алоҳида табиий ресурсларга тааллуқли қонун ҳужжатлари катта аҳамият касб этади. Табиий ресурслар тўғрисидаги қонунларда принцип-нормалар нафақат ривожлантирилган, балки уларни оддий нормалар сифатида бажарилишига хизмат қилувчи ҳуқуқий механизмлар ва кафолатлар ифодаланган.

Ер қонунчилигида ер участкаларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, улардан мақсадли фойдаланиш, ерларнинг унумдорлигини ошириб бориш, ерга тааллуқли экологик талабларни доимий тарзда бажариш, ер участкаларини таркибини бузилиб кетишининг олдини олиш ва бошқа тамойиллар акс эттирилган.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қонунчилигида эса атмосферадан инсоннинг қулай (соғлом) атроф муҳитга бўлган ҳуқуқини қондириш мақсадида фойдаланиш, унинг зарарли таъсиридан одамлар соғлиғини муҳофаза қилиш, ифлослантирганлик учун ҳақ тўлаш, ҳавога салбий таъсир этувчи фаолиятни мажбурий экологик экспертизадан ўтказиш ва бошқа принцип-нормаларни учратиш мумкин.

Бундан ташқари алоҳида табиий ресурслар тўғрисидаги қонунларда айрим махсус тамойилар белгиланганлиги ҳам эътиборга лойиқ. Шу ўринда “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунда ер қаъри бойликларидан мажмуавий фойдаланиш, фойдаланиш жараёнида улар хавфидан одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш тамойилларни кўрсатиш мумкин. Сув ресурсларидан лимитлар асосида фойдаланиш ҳам тамойил сифатида сув қонунчилигида катта аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, экологик принцип-нормаларнинг ҳаммаси ҳам алоҳида табиий ресурслар тўғрисидаги қонунчиликда лозим даражада ўз ифодасини топмаган. Масалан, уларда мажбурий

экологик экспертиза ўтказиш, ҳудудлар (марказий, регионал ва маҳаллий) экологик манфаатларини уйғунлаштириш, табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш ва бошқа шунга ўхшаш тамойиллар ривожлантирилмаган. Қонунчиликдаги мазкур камчилик экологик тамойил-нормаларнинг аҳамиятини хаспўшлайди, уларнинг раҳбарий кучини сусайтиради. Шундай ҳолатларни ҳисобга олиш экологик принцип-нормаларни алоҳида табиий ресурслар тўғрисидаги қонунчиликка тўлиқ ва ҳар томонлама сингдириш ишларини амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Жамшид Абдулахатович Суванкулов
Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети
қошидаги “Экологик сиёсат ва ҳуқуқ” маркази илмий ходими

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИНИНГ “ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ КОМИССИЯСИ” НИ ТУЗИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистонда экология муаммоларининг ҳал қилинишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаол иштирок этиши йўлларини илмий тадқиқ этиш ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш ҳозирги давр талабига айланди. Бизнингча, эркин ва фаровон ҳаёт манбаи бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида экологик-ҳуқуқий муамммоларни ҳал қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки беқиёсдир.

Демак, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг шаклланишида мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишдек ўта мураккаб вазифани муваффақиятли ҳал этиш борасида маҳалла тузилмаларининг иштирокини тадқиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 10124 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда, уларнинг 8535 таси

маҳалла фуқаролар йиғини бўлса, 101 таси шаҳар фуқаролар йиғинлари, 1333 таси қишлоқ фуқаролар ва 154 таси овул фуқаролар йиғинларидир.[1]

Мамлакатимизда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди[2].

Амир Темур ва Бобурдек буюк бобокалонларимизнинг шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ишларига алоҳида аҳамият берганликларининг боиси шундаки, инсонлар қанчалик гўзал ва обод, гуркираб ривожланган шаҳар ва қишлоқларда яшасалар, меҳнат қилсалар, шунчалик кайфияти кўтаринки, ишлари унумли бўлган. Зеро, жамият аъзоларида она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни қарор топтириш учун, аввало, ҳар бир инсон ўзи яшаб турган шаҳрига, маҳалласига, ҳонадонига бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириши зарур[3].

Бундан кўринадики, буюк бобокалонларимиз ҳам атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига жуда катта эътибор билан қараган ва мамлакатни обод қилган.

Чунончи, “Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир, дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба – аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва беқиёс макон – бу маҳалладир”[4].

1999йил 14 апрелда қабул қилинган олдинги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги

---

[1] Маҳалла – кўп асрлик тарихга эга бўлган беқиёс ижтимоий институт.// Халқ сўзи, 2009 й. 14 март.

[2] Каримов И.А.. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. // Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.,19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б.43.

[3] Каримов И. Янгича тафаккурга кенг йўл. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т. Ўзбекистон, 1998. – Б.9.

[4] Каримов И. А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т., Ўзбекистон, 1999. – Б. 305–306.

Қонуннинг 8-моддасига кўра, фуқаролар йиғинининг органлари қуйидагилардан иборат эди:

фуқаролар йиғини кенгаши;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар;

фуқаролар йиғини тафтиш комиссияси;

туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия.

Яъни, ушбу қонунда фуқаролар йиғинларининг ушбу комиссияларини тузишнинг ҳуқуқий асослари ўз аксини топган эди.

2013 йил 22 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида эса фуқаролар йиғинларининг органлари белгиланиб, улар фуқаролар йиғини кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, тафтиш комиссиясидан иборат. Бундан кўринадики, ушбу янги таҳрирдаги Қонунда олдинги таҳрирдаги қонундаги “маъмурий комиссия” жумласи тушириб қолдирилган. Сабаби, ушбу маъмурий комиссиянинг шу пайтгача амал қилиши ёки қилмаслиги ҳақида ҳеч қаерда гапирилмаган ва ҳуқуқий асоси (Низоми) ишлаб чиқилмаган. Умумий тарзда гапирилганда, ҳали юқорида номлари келтирилган комиссияларнинг фаолият юритиши учун ушбу Қонундан ташқари, қонун ости актлари ишлаб чиқилмаган ёки етарлича эътибор берилмаган. Демак, ушбу комиссияларнинг фаолиятини юритиш учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилиши ва амалга киритилиши керак. Шундагина, Қонунлардаги тегишли моддаларнинг амал қилиниши механизми ойдинлашади ва “қотиб” қолмайди. Юқоридаги Қонунларнинг ҳар иккаласида ҳам комиссиялар ҳақида умумий ҳуқуқий асослар бор, лекин уларни амалга киритилиши ҳакида махсус ҳуқуқий база етарлича шакллантирилмаган.

Юридик адабиётларда ҳам ушбу комиссияларнинг фаолият юритиш тартиби ҳақида етарлича ёритиб берилмаган.

Булар ичида асосий орган бўлган фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари Янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг[1] 13-моддасида ўз аксини топган.Унга кўра, фуқаролар ниғини кенгаши тегишли ҳудуддаги аҳолининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар, спорт майдончаларини жиҳозлаш, моддий маданий мерос объектларини яроқли ҳолда сақлаш, дафн этиш жойларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлашга доир ишларда ихтиёрийлик асосида қатнашишини ташкил этади, ана шу мақсадларда туман, шаҳар ижро этувчи ҳокимият органи ажратадиган моддий маблағлардан ва бошқа воситалардан, ўз маблағларидан фойдаланади, жамоатчилик ёрдамини (ҳашарни) уюштиради, кўриклар ва танловлар ўтказади; иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг беҳуда сарфланишини камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказади ва бошқалар.

Бундан кўринадики, фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари доирасида айрим экологик ваколатлар ўз аксини топган. Ушбу ваколатларнинг амалга оширишни самарали ташкил қилиш учун ушбу тузилманинг имкониятлари етарли эмас. Қолаверса, бошқа бир қанча ваколатларнинг фуқаролар йиғини кенгаши ваколатларига киритилганлиги уларни амалиётда салмоқли бажарилишини қийинлаштирмоқда. Бу эса ушбу экология соҳасидаги ваколатларни алоҳида комиссия тузиш орқали унинг ваколатлари доирасига киритиш баробарида уларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш лозимлигини кўсатмоқда.

Шунингдек, фуқаролар йиғинининг ваколатларини самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини

[1] "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ги Қонуннинг янги таҳрири. // Олий мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 15 мартда қабул қилинган; Сенат томонидан 2013 йил 28 мартда маъқулланган; Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2013 йил 22 апрелда тасдиқланган. www.lex.uz

фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ташкил қилинади.

Шунинг билан бирга, янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасида фуқаролар йиғинининг асосий йўналишлари бўйича комиссия ва тафтиш комиссиясининг фаолият юритиши ҳақида белгиланган бўлиб, унинг 1-қисми 7-бандида экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия тузиш мумкинлиги ҳақида акс эттирилган. Лекин, ушбу Қонунда мазкур комиссияларнинг ваколатлари кўрсатилмаган.

Қонунчиликдаги ушбу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида тегишли тартибда тўлдириш ва тузатишлар киритиш мақсадга мувофиқдир, деб ўйлаймиз.

Фуқаролар йиғини Кенгаши ва бошқа органларни тузишга кўпгина омиллар таъсир қилади. Яъни, фуқаролар йиғини ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, маҳалла аҳолиси сони, молиявий имкониятлари ҳамда миллий урф-одатлар, анъаналар ва бошқалар.

Шунингдек, ҳозирги кунда фуқаролар йиғинларининг ўз ваколатлари доирасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни тегишли ҳудудда қонун талабларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича ўрни ва роли ошиб бораётганлиги ва ушбу экологик фаолиятни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида тартибга соладиган қонун ҳужжатлари етарлича эмаслигини эътиборга олиб, фуқаролар йиғинининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини назорат қилиш комиссиясининг фаолият юритиши учун қонуний асос мавжудлигини инобатга олиб, унинг амал қилинишни таъминлаш мақсадида “Фуқаролар йиғинларининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини назорат қилиш комиссияси

тўғрисида”ги Низом тегишли тартибда ишлаб чиқилиши ва қабул қилиш зарур.

Мазкур Низомда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси каби табиат объектларини муҳофаза қилишнинг шакллари ва усуллари, давлат ва нодавлат экологик ташкилотлар ва тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишларни ташкил қилишнинг мажбурийлиги тўғрисидаги меъёрлар, уларнинг атроф муҳитга етказилган ва етказилиши мумкин бўлган зарарли таъсирлари устидан жамоатчилик мониторингини олиб бориш қоидалари, жамоатчилик назорати, жамоатчилик экспертизаси ва бошқалар ўз ифодасини топиши лозим.

Бундай чора-тадбирларнинг бажарилиши мамлакатимиз экологик сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Махбуба Исролжоновна Содиқова
Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети
катта илмий ходим изланувчиси

АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ТУРЛАРИ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Табиатдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг шундай мажмуалари ёки айрим элементлари борки, улар инсонлар ва табиатнинг ўзи учун жуда қимматли, ноёб, бетакрор бўлиши билан бир қаторда жамият салбий таъсири остида қолиб, яксон бўлиши, йўқолиб ёки ўзгариб кетишидан кучли ва махсус муҳофаза этишга муҳтож бўлиб қолади. Бундай гўшалар инсон ва табиат учун алоҳида экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-

соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлади. Уларнинг бундай хусусиятлари махсус муҳофаза этишни талаб этади.

Камёб ёки йўқолиб кетаётган ва шу катта аҳамият касб этган ўсимлик ва ҳайвонот турларини алоҳида муҳфаза этишдан мақсад:

биз мерос бўлган ва баҳраманд бўлаётган табиат гўзалликлари ҳамда неъматларини келгуси авлодларимизга ҳам асраб авайлаб етказиш;

табиатнинг қимматли ҳамда ноёб мажмуа ва элементларини ўзгариб ёки йўқолиб кетишини олдини олиш, уларни тиклаш ва кўпайтириш;

уларнинг завқ бериш ва соғломлаштириш хислатларидан оқилона фойдаланиш;

улардаги табиий жараёнларни илмий ўрганиш асосида атроф муҳитни янада яхшироқ тушуниш, табиатни муҳофаза қилиш, тиклаш ҳамда кўпайтиришнинг янгича усул ва шаклларини яратиш, амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб табиатнинг айрим қимматли ва ноёб ҳудудларини муҳофаза қилишга жиддий эътибор берилди. Дастлабки экологик қонунлар қаторида 1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикасининг “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунининг[1] қабул қилинганлиги диққатга сазовардир. 2004 йил 3 декабрда мазкур Қонун “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” деган ном билан янги таҳрирда қабул қилинди.

Алоҳида муҳофаза этиладиган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси вакиллари ҳуқуқий мақомини тавсифловчи ўзига хос хусусиятлар нималардан иборат? Бизнингча, уларга қуйидагилар киради:

1) тегишли давлат органи томонидан ўсимлик ёки ҳайвонот дунёси вакилларининг алоҳида аҳамиятига қараб алоҳида муҳофаза объекти сифатида расман белгиланган ёки эълон қилинган бўлиши лозим;

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №6, 255-модда.

2) уларнинг хўжалик фаолиятига жалб этилиши тўлик ёки қисман тақиқланади;

3) улар эгаллаган ер (сув) майдони (сув юзаси) чегараланиб, унинг муҳофаза мақоми белгиланиши мумкин;

4) бундай объектларга нисбатан махсус муҳофаза режими ўрнатилади ва улардан фойдаланиш алоҳида мақомларда амалга оширилади;

5) махсус муҳофаза предмети бўлган бундай объектларнинг муҳофаза режими алоҳида бўлганлиги учун уларни бузушга қаратилган ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик жазо чоралари оддатдагига қараганда жиддийроқ бўлади.

Қонунга кўра алоҳида муҳофаза этиладиган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси вакиллари давлат мулки, деб белгиланган. Шу боис уларни муҳофаза қилиш фаолияти асосан давлат махсус органлари томонидан амалга оширилади. Улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ва бошқа органлар амалга оширади.

Уларни алоҳида муҳофаза қилиш давлат органлари томонидан амалга оширилганлиги бу фаолиятда жамоатчиликнинг иштирок этишини инкор этмайди. Жамоатчилик иштироки асосан жамоат назорати механизмларига таяниб амалга оширилиши лозим. Бироқ, амалиётда жамоат назоратини юритувчи жамоат органларининг фаолияти деярлик сезилмайди. Бундай фаолиятни кучайтириш учун жамоат назорати фаолиятини амалга оширадиган органларнинг ваколатига таалуқли қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва ижро интизомини юқори даражага кўтариш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Элбек Адылбекович Атаев
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

АТРОФ ТАБИИЙ МУҲИТ ВА ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ОБЪЕКТЛАРИ

Инсоният янги асрга қадам қўяр экан, унинг олдида табиатни ва атроф мухитни асраш, келажак авлоднинг барқарорлигини таъминлаш, турли экологик таҳдид ва инқирозларни олдини олишдек долзарб масала кўндаланг турибдики, бу ҳеч кимни ташвишга солмай қолмайди.

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон қарори асосида қабул қилинган, 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар Дастури[1] мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал қилиш борасида катта аҳамиятга эга бўлгантарихий ҳужжат бўлиб улар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг экологик методларини жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги сохасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш, зеро аҳолининг экологик соҳадаги таълим ва тарбиясини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берди.

Шу маьнода экологик назоратнинг объектлари унинг ҳуқуқий табиатини ёритиб бериш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Экологик назоратнинг объектлари қаторига авваламбор, мазкур назоратнинг таъсир доирасига тушувчи атроф табиий муҳитнинг ҳолати (сифати) киради.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида атроф табиий муҳитни у ёки бу тушунча орқали тавсифлайдиган бир қанча иборалар мавжуд. 1) ер, ер ости, тупроқ; 2) ер усти ва ер ости сувлари; 3) ўрмон ва бошқа ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошқа организмлар ва уларнинг ирсият фонди; 4) атмосфера ҳавоси,

[1] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 282-модда

атмосферанинг Озон қатлами ва ер атрофи фазо кенглиги. Бунда атроф-муҳитни ифлосланиш, камайиш, завол кўриш, барбод бўлиш, хўжалик ва бошқа фаолиятнинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш экология назорати объектини ташкил этади.

Ю.А.Жўраев бу борада ҳақли равишда шундай деб ёзади: “ашё кўринишидан табиатга ўхшаб турган объект юридик маънода табиат объекти бўла олишини аниқлашнинг асосий мезонлари бўлиб, унинг табиий шароитлардан ажратилмаганлиги, ундаги экологик алоқалалар узилиб қолмаганлиги ва у табиат кучлари таъсиридан холи бўлиб қолмаганлиги ҳисобланади”[1].

Ж.Т.Холмўминов таъкидлаганидек, “табиат ресурслари сифатида ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмон, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий заҳиралар такрорланмас бойлик бўлиб, у тирик мавжудот ҳаётининг асосий манбаидир”[2].

Б.Ҳ.Калонов экология назоратининг объектларини таҳлил қилиб, “табиат”, “атроф табиий муҳит” ва “атроф муҳит” тушунчалари нисбатини атрофлича таҳлил қилиб ўтади. Муаллиф таъкидлашича, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунида табиат “атроф табиий муҳит”, “атроф муҳит” каби ибораларда ифодаланган. Демак, Ўзбекистонда жамоат экология назоратининг моддий объекти сифатида табиат ва унинг бойликлари, атроф табиий муҳит ҳолати ёки сифати тан олинади[3].

Юқоридаги фикрларга хулоса ясаб, таъкидлаш лозимки, табиат моддий дунё объектлари ва тизимларининг табиий ҳолатдаги жамланмаси сифатида космос, қуёш, ерни ўз ичига олган бутун борлиқни англатади. Бироқ, у экология ҳуқуқи билан тартибга солинадиган объект сифатида амалда инсон фойдаланиши ва таъсир қилиш имкониятлари доирасида чегараланади. Демак, ҳуқуқнинг

---

[1] Жўраев Ю.А. Проблемы правового режима и охраны государственных памятников природы. – Тошкент, 1990. – С. 23.

[2]Холмўминов Ж.Т.Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий муаммолари / Проф. Р.Ж.Рўзиев умумий таҳрири остида. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008. – Б.3.

[3]Калонов Б.Ҳ. Давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари.Юрид. фан. ном.дисс..– Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 35.

таъсир кучи фақатгина инсон “имконияти” қодир бўлган объектгача амалда бўлади.

Фикримизча бу борада Б.Ҳ.Калонов асосли фикр юритган ҳолда қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: Ўзбекистонда ҳозирги пайтда шаклланган ҳуқуқ тизимига кўра, жамоат экологик назорати объекти сифатида табиат бир қанча алоҳида объектлардан – ер, ер ости бойликлари, сув, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан иборат бўлади. Юқорида таъкидланганидек, қонун ҳужжатларида энг кўп учрайдиган тушунча “атроф табиий муҳит” тушунчасидир[1]. Ушбу тушунчанинг ҳуқуқда ишлатилишининг ўзига хос асослари бор. Биринчидан, “табиат” тушунчаси кишилик жамияти ривожлана боргани ва унинг табиатга таъсири ортиб боргани сари ҳуқуқий тартибга солиниши лозим бўлган талабларига жавоб бермай қолди. Иккинчидан, “атроф табиий муҳит”[2] деб, номланган янги тушунчанинг ҳуқуқ таъсир доирасига олиниши “инсониятнинг шиддат билан ривожланаётган илмий-техника жараёнлари, аҳолининг ўсиши ва ҳ.к. шароитида кишиларнинг яшаш макони сифатида табиатнинг қулай ҳолатини сақлаб қолишдан манфаатдорлиги биринчи қаторга чиққанлиги”[3] билан боғлиқдир.

Экология муаммолари бўйича замонавий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий кўпчилигида айнан “атроф табиий муҳит” ибораси қўлланилади. Хусусан, илмий тадқиқотларда эътироф этилганидек, атроф табиий муҳит тушунчаси асосий тушунча эканлиги Европа Кенгаши раҳбарлигида тайёрланган ва 1994 йилда қабул қилинган “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш

---

[1]Табиатни муҳофаза қилишга бағишланган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг бир неча моддаларида ҳам атроф табиий муҳит тушунчасидан фойдаланилган. “Атроф табиий муҳит” тушунчасининг маъноси тўғрисида сўз юритишдан олдин таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ҳам бошқа чет давлатларда бўлганидек ҳуқуқий тартибга солишнинг объекти сифатида “табиат” эмас, балки “атроф табиий муҳит” намоён бўлади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, давлат экология назоратининнинг объекти бўлиб “атроф табиий муҳит” ҳолати ва унинг сифати ҳисобланади. Бу фикрни исботлаш учун “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг “экология назорати” деб, номланган VII бобига жойлаштирилган моддалари қоидаларини келтириш кифоя.

[2] Атроф табиий муҳит ва экология тушунчаларининг ўзаро нисбати ҳақида қаранг: Жўраев Ш. Ўзбекистон қонунчилигида экологик хавфсизлик тушунчаси // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2008. – №7. – Б.

[3] Колбасов О.С. Экология: политика - право. – М., 1976. – С. 16.

тўғрисида”ги намунавий қонун[1] нормалари мазмунидан ҳам англашилади. Ушбу намунавий қонунда кўзда тутилган “атроф табиий муҳит” тушунчаси ҳаво, космос, сув, тупроқ, иқлим, фауна ва флора каби табиат ресурслари билан бир қаторда инсон томонидан яратилган атроф муҳитга тааллуқли қадриятларни ҳам, шунингдек инсон яшаш даражаси ва унга таъсир қиладиган ва таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа омилларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Шундай қилиб, дунё амалиётидаги атроф табиий муҳит тушунчаси инсоннинг яшаш шароити ва унга таъсир қиладиган бошқа сунъий равишда пайдо бўлган объектларни ҳам қамраб олади. Атроф табиий муҳит тушунчасига табиий муҳитдан бошқа ижтимоий муҳит (яшаш шароити, меҳнат қилиши ва ҳ.к.)нинг ҳам киритилганлиги унинг табиатдан фарқловчи асосий мезондир[2].

Р.А.Икромов ҳам “атроф муҳит” ва “атроф табиий муҳит” атамаларини шарҳлар экан, “атроф табиий муҳит” тушунчаси истеъмол учун кўпроқ мос келади, деган фикрни билдириб ўтади[3].

Биз ҳам юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, атроф табиий муҳит тушунчасини моҳият эътибори билан атроф муҳит ёки табиат сингари тушунчалардан кенгроқ мазмун касб этишини инобатга олган ҳолда қонунчилик техникасида айнан “атроф табиий муҳит” тушунчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Таъкидлаш лозимки, жамоат экология назоратининг объекти сифатида атроф табиий муҳит - табиий тизимлар, табиат объектлари ва табиат бойликлари ўзаро муносабатда ва боғланган ҳолда тушунилади.

Жамоат экология назоратининг яна бир моддий объекти – табиат бойликларига нисбатан субъектив ҳуқуқнинг вужудга келиши ва ўзгаришидир. Зеро, фуқаролар ва юридик шахсларнинг табиат

---

[1]Evroup.Nature.Model.www / ngo. uz

[2]Калонов Б.Ҳ. Давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари.Юрид. фан. ном.дисс...– Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б.37–38.

[3]Икромов Р.А. Фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш муаммолари. Юрид. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2005. – Б.10.

бойликларига нисбатан муайян (чекланган) субъектив ҳуқуқларга эга бўлиши ўз навбатида бу соҳада жамоатчилик назоратини амалга ошириш заруриятидан далолат беради.

Б.Ҳ.Калонов таъкидлаганидек, атроф табиий муҳит объектларига нисбатан ҳуқуқий муносабатда бўлиш бир неча шаклларда амалга оширилиши мумкин: биринчидан, атроф муҳит объектларига нисбатан мулкчилик ҳуқуқи муносабатлари вужудга келиши ва ўзгариши мумкин; иккинчидан, бундай объектларга нисбатан эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи муносабатлари вужудга келиши ва ўзгариши мумкин; учинчидан, табиат объектларини эгалик қилишга ва фойдаланишига олмасдан туриб, уларга таъсир қилиш ҳуқуқи вужудга келиши ва ўзгариши мумкин (масалан, атмосфера ҳавосига заҳарли чиқит газларни чиқариш)[1].

Барчамизга аёнки, Ўзбекистонда табиат объектлари аксарият ҳолларда давлат мулки бўлиб ҳисобланади. Ушбу қоида бевосита Асосий Қомусимизда ўз аксини топган, унга биноан: ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир (55-модда).

Шунингдек, мазкур конституциявий норма жорий қонунларимизнинг қатор моддаларига ҳам сингдирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 16-моддасида “Ер давлат мулки – умумиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳам олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно”, деб белгилаб қўйилган. Худди шундай қоидаларни бошқа табиат объектларига тегишли қонунларда ҳам учратиш мумкин.

Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, давлат табиий ресурсларнинг асосий мулкдори сифатида уларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш тартибини белгилаб беради. Бунда давлатнинг

[1]Калонов Б.Ҳ. Давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари.Юрид. фан. ном.дисс...– Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 39.

мулкдор сифатида экология соҳасида юритаётган сиёсатининг табиат ва жамият манфаатларига қай даражада ҳамоҳанглигини назорат қилишда жамоат назоратини амалга оширувчи жамоатчилик муҳим аҳамият касб этади.

Атроф табиий муҳит объектларига нисбатан энг кўп тарқалган ҳуқуқий муносабатлар бўлиб уларга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳисобланади. Табиат объектларига эгалик қилиш ва фойдаланишнинг вужудга келиш асослари ҳамда бундай ҳуқуқни амалга ошириш табиат объектларига таъсир қилмасдан амалга оширилиши лозим. Бундай таъсир турлича бўлиши мумкин. Чунончи, Е.К.Фёдоров таъкидлашича, инсоннинг атроф муҳитга таъсири тўртта асосий шаклда бўлиши мумкин:

1) ер юзаси тузилишини ўзгартириб юбориш (чўлларни ҳайдаш, ўрмонларни кесиш, мелиорация, сунъий кўллар ва денгизларни вужудга келтириш ва ер усти сувлари режимини бошқача тарзда ўзгартириш ва ҳ.к.);

2) биосфера таркибини, ундаги моддалар мувозанати ва айланишини ўзгартириб юбориш (қазилма бойликларини қазиб олиш, чиқинди “тоғ”ларини яратиш, атмосферага ва сув ҳавзаларига ҳар ҳил зарарли моддаларни чиқариб ташлаш, намлик айланишини ўзгартириб юбориш);

3) ер шарининг айрим ҳудудлари ҳамда ер шарида энергетик, шу жумладан иссиқлик мувозанатини ўзгартириб юбориш;

4) тирик организмларнинг айримларини қириб юбориш, ҳайвонларнинг ва ўсимликларнинг айрим янги наслларини яратиш, уларни янги яшаш жойларига кўчириш натижасида муайян ўзгартиришлар киритиш. Бундай ҳаракатларнинг ҳар бири табиий тенглик(мувозанат)нинг у ёки бу элементини бузади[1]. Гувоҳи бўлганимиздек, эгалик қилиш ва фойдаланиш муносабатлари, агар

[1] Фёдоров Е.К. Экологический кризис и социалный прогресс. – Л., 1977. – С. 53.

улар табиат объектининг экологик талабларига мос равишда олиб борилмаса,салбий оқибатларга олиб келиши муқаррар[1].

Шу сабабдан экология назоратининг таъсир кучи табиат объектига нисбатан эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиш босқичдаёқ амал қилади. Биринчи навбатдатегишлихўжалик юритувчи субъект ўз хўжалик (ишлаб чиқариш) фаолиятининг экологик нуқтаи назардан қай даражада асосланганлигини исботлаш учун уни экологик экспертизадан ўтказиши лозим бўлади. Бу “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонунинг 13-моддасида мустаҳкамланган қатъий талаб бўлиб, унга мувофиқ, давлат дастурларининг, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари; барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш материаллари; лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари; табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ, хўжалик ва бошқа хил фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларнинг лойиҳалари; техника, технология, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар; атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар; кейинчалик уларга алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, фавқулодда экологик вазият ва экологик офат зоналари мақомини бериш мақсадида ўтказилган ҳудудларни комплекс текшириш материаллари; шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари; махсус ҳуқуқий режимли объектлар давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши шарт ҳисобланади (“Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонунинг 11-моддаси).

Табиат объектларини эгалик қилиш ва фойдаланишга беришнинг бошқа бир қанча ҳолатларида ҳам мазкур жараёнларнинг экологик

[1]Калонов Б.Ҳ. Давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари.Юрид. фан. ном.дисс...– Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б.42.

хавфи туғилишига шубҳалар бўлса, экология назорати ўтказилиши мумкин бўлади.

Юқоридаги таҳлил ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда биз экологик назорати фаолиятининг объектларини уч турга, яъни: биринчидан, атроф табиий муҳит ҳолати ва сифатини таъминлаш; иккинчидан, табиат объектига нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва ўзгаришида экологик хавфсизликни таъминлаш; учинчидан, инсоннинг қулай атроф муҳитга бўлган ҳуқуқини кафолатлашга ажратишни таклиф этамиз.

Экология назорати объектлари тизимида инсоннинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Р.А.Икромов таъбири билан айтганда, инсоннинг қулай атроф муҳитга бўлган ҳуқуқи унинг табиий ҳуқуқлари тизимида асосий ўринни эгаллайди[1].

Чунончи, Асосий Қомусимизда кафолатланган инсоннинг яшаш ҳуқуқи (24-модда) ҳамда жорий қонунларимизда белгиланган инсонларнинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, моҳият эътибори билан бир-биридан ажралмайди. Зотан, қулай атроф табиий муҳит таъминланмаса, инсоннинг яшаш ҳуқуқини амалга ошириши хавф остида қолади[2].

Махсус илмий адабиётларда тўғри таъкидлаганидек, инсоннинг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқи қуйидаги кафолатлар орқали таъминланади: а) атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш; б) атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқи; в) инсон саломатлигига ҳамда мулкига етказилган зарарни ундириб

[1]Икромов Р.А. Фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш муаммолари. Юрид. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 12.

[2] Мамаюсупов М. Инсон экологик ҳуқуқлари: умумий тавсифи ва таснифи // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – №1. – Б.94–95; Мамаюсупов М. Инсон экологик ҳуқуқларининг конституциявий мустаҳкамланиши // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2009. – №2. – Б.72–73.

олиш; г) жамоат экология экспертизасини ўтказиш; д) жамоат экология назоратини амалга ошириш[1].

Биологик ва ижтимоий мавжудот сифатида инсон ҳамда унинг манфаатлари экология ҳуқуқида бир вақтнинг ўзида бевосита қўриқланадиган объект тарзида ҳам намоён бўлади. Гап ифлосланган ҳаво, сув ва тупроқнинг зарарли таъсиридан жабр кўриши мумкин бўлган инсон саломатлиги ёки мол-мулки ҳақида бормоқда. Худди шундай, қишлоқ хўжалик экинлари, уй ҳайвонлари, бино, иншоотлар ва бошқа ижтимоий муҳит объектлари ҳам экологик ҳуқуқбузарликлар туфайли шикастланиши мумкин. Чунончи, Ғ.Қ.Алиев эътироф этганидек, “теварак-атрофнинг, табиатнинг ифлосланиши нафақат инсон саломатлигига, балки унинг маънавий оламига, бутун бир жамият ҳаётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади”[2]. Шубҳасиз, ҳар бир киши экологик ҳуқуқбузарлик натижасида кўрган зарарини ундириб олишга ҳақлидир.

Хуллас, инсон манфаатларини ҳам экологик ҳуқуқ объекти сифатида эътироф этиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Тимур Равшанович Раҳмонов
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

ЭКОЛОГИК ТЎЛОВЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МАКСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ҳозирги кунда республикамизда атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг фаолият юритаётганлиги бошқа хориж давлатлари томонидан ҳам самарали механизм эканлиги тан олинмоқда ва маъқулланмоқда. Шу маънода экологик тўловларни қонун талаби асосида амалга ошириш-ҳар бир

[1] Калонов Б.Ҳ. Ўзбекистон Республикасида Давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари. Юрид.фан.ном. ...дис. – Тошкент, ТДЮИ. 2004. – Б. 46.
[2] Алиев Ғ.Қ.Табиат муҳофаза талаб этади // “Экологик қонунчиликни қўллаш механизмини такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 4.

табиий ресурслардан, жумладан, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик дунёси ва бошқа табиий ресурсларнинг хусусияти ва фойдаланилиши ҳусусиятларидан келиб чиқиб, экологик тўловларни ўз вақтида тўлашни амалга ошириш замон талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон қарори асосида қабул қилинган, 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар Дастури[1] мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал қилиш борасида жумладан, экологик тўловларни мақсад ва вазифаларинми белгилашда ҳамкатта аҳамиятга эга бўлгантарихий ҳужжат бўлиб, улар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг экологик методларини жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги сохасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш, зеро аҳолининг экологик-аграр соҳадаги таълим ва тарбиясини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берди.

Ушбу Дастурлар атроф-муҳит ҳолатининг кафолатланган сифатли даражасига эришиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатдан фойдаланиш бошқарувини такомиллаштириш ва самарали иқтисодий усулларини татбиқ қилиш, атроф-муҳит устуворлигини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, мамлакатнинг барқарор ривожланишига, экологик илм-фанни олға суришга ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълимни жорий қилишга, экологик билимларни кенг тарғиб қилишга, шунингдек экологик маданиятни оширишга ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Дастурнинг 4-бандида назарда тутилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур деб кўрсатилди:

табиий ресурслардан, шу жумладан сув, ер, минерал-хом ашё ва биологик ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш;

[1]Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 282-модда.

ишлаб чиқаришда экологик тоза технологияларни жорий этиш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳисобига ҳаво муҳити, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини босқичма-босқич камайтириш;

атроф табиий муҳитни мунтазам баҳолаш ва унинг ижтимоий-экологик ҳолати прогнозини тузиш учун атроф табиий муҳит мониторинги механизмини такомиллаштириш;

экологик офат минтақасида – Оролбўйи ва мамлакатнинг бошқа экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларидаги экологик ҳолатни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва йирик шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги канализация тармоқлари тизимлари ва тозалаш иншоотларини яхшилаш;

атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтириш;

атроф табиий муҳит муҳофазаси, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълим, шунингдек экологик билимларни тарғиб қилиш соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меъёрий-услубий асосни такомиллаштириш;

экологик муаммоларни ҳал этишда минтақавий ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш.[1]

Бу эса ўз навбатида экологик тўловларни мақсад ва вазифаларини ҳам белгилаб берди.

Экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солиш механизми ҳақида гапирганда, унинг мақсад ва вазифаларига тўхталиб ўтишимиз жоиз, зеро мақсад ва вазифалар муайян ҳуқуқий институтнинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи муҳим мезонлардан ҳисобланади. Экологик сиёсатни амалга оширишда иқтисодий усуллар дунёнинг барча илғор

[1] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 282-модда.

мамлакатларида кенг қўлланилади. Иқтисодий дастакларни қўллаш “ифлослантирувчи – тўлайди”, “Табиатдан фойдаланувчи – тўлайди” тамойилларига асосланади. Экологик тўловларни, иқтисодий механизм ва дастакларни қўллашдан мақсад атроф-муҳит ресурсларининг қийматини мос равишда баҳолаш ва улардан самарали ҳамда мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлашдан иборат[1].

Юридик адабиётларда экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсадлари ҳақида бир қатор тушунчалар берилган.

Бу борада Б.В.Ерофеев “Атроф табиий муҳитни иқтисодий тартибга солиш ва экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсади – қонунчиликда экологик талабларга риоя этилиши учун иқтисодий манфаатдорликни шакллантиришдир”[2], деб ҳисоблайди.

М.М. Бринчук фикрича, “атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизми авваламбор, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадларини кўзлайди”[3].

Экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсади ҳақида В.В. Петров шундай таъкидлайди: “Атроф табиий муҳитнинг норматив сифатига, яъни зарарли моддаларнинг атроф табиий муҳит ҳамда инсон соғлиғига таъсирининг қонун белгилаган чегарада бўлишига эришишдир”[4].

Ушбу масалада, Б.Б.Алихоновнинг фикри анча мукамалроқ бўлиб, у “Иқтисодий омил ва дастакларнинг қўллашдан асосий мақсад – табиий ресурсларнинг нархини айнан белгилаш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлашдир,”[5] – деб баҳолайди.

---

[1]Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида миллий маъруза. (2002-2004 йиллар). Б.Б. Алихонов умумий таҳрири остида. – Тошкент, 2006. – Б. 102–103.

[2] Ерофеев Б.В. Экологическое право России. – М.: МЦУПЛ, 1999. – 243 с.

[3]Бринчук М.М. Экологическое право:Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристь, 2004. – 306 с.

[4]Петров В.В. Экологическое право России. – М.: БЕК, 1995. – С.171–174.

[5] Алихонов Б. Табиатни муҳофаза қилишда иқтисодий механизмларни такомиллаштириш. // Ҳуқуқ. Право.Law. – 2000. – №4. – 68 б.

Олимларни фикрига қўшилган ҳолда,[1] юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсади табиий ресурсларнинг қийматини мос равишда баҳолаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, экологик талабларга риоя этилишини рағбатлантириш, экологик тоза, табиий ресурсларни тежайдиган ва камчиқитли ишлаб чиқаришни имтиёзли солиқ ва кредит бериш ёрдамида ривожлантириш, атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш ва экологик хавфсизлигини таъминлашдан иборат, деган хулосага келишимиз мумкин.

Экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсадларидан келиб чиқиб унинг вазифа ва функцияларини белгилаш мумкин бўлади. Зеро, ҳар қандай вазифа ва функция кўзланган мақсадга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг механизми вазифалари айрим илмий тадқиқотларда батафсил ёритиб берилган.

Хусусан, Ш.Х.Файзиев бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: “Иқтисодий чораларнинг асосий мақсади ва вазифалари – бу табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишни таъминлаш, аҳоли экологик хавфсизлигини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини рағбатлантириш, экологик қонунчиликни бузганлик учун иқтисодий жавобгарликка тортиш, атроф муҳитга етказилган зарарни қоплаш ва ҳ.к.”[2].

Бу хусусда В.В.Гучкова эса, экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизми олдидаги вазифа қуйидагича эканлигини таъкидлайди: “Атроф муҳит хўжалик механизми таркибий қисми, хўжалик

[1]Нурматов М.М. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизмини ҳуқуқий таъминлаш масалалари. Юрид. фан. номз. ... дисс. автореферати – Т.: 2008.
[2]Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан: Дис… док. юрид. наук. –Ташкент.: ТГЮИ, 2004. – 223 с.

субъекти учун иқтисодий фойдали бўлгандагина ижобий самара бериши мумкин”[1].

Айрим адабиётларда эса, экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг вазифалари бевосита унинг йўналишларидан келиб чиқиб белгиланган. Жумладан, В.В.Ерофеев экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг вазифаларига қуйидагиларни киритади: режалаштириш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини молиялаштириш; ресурсларни тежовчи ва камчиқитли технологияларни жорий этган ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бошқа самарали чора-тадбирларни амалга оширган табиатдан фойдаланувчиларга солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш; экологик жамғармаларнинг бир қисмини шартнома асосида хўжалик ва бошқа фаолият субъектларига табиатни муҳофаза қилиш лойиҳа ва тадбирларини молиялаштириш учун бериш; экологик тоза маҳсулотларга (маҳсулот, хизмат, иш) нисбатан соддалаштирилган нархларни қўллаш; экологик хавфли маҳсулотларга, шунингдек, экологик хавфли технологиялардан фойдаланиб ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун махсус солиққа тортиш тизимини жорий этиш; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини самарали амалга ошираётган мулк шаклидан қатъи назар, ҳар қандай табиатдан фойдаланувчига имтиёзли кредитлар бериш; нобюджет экологик жамғармаларга нисбатан имтиёзли солиққа тортишни қўллаш; табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятидаги иш (хизмат) бозорини шакллантириш; атроф табиий муҳит нормативларини бузган ёҳуд экологик дастурларни ва табиатни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаган корхона, муассаса, ташкилотлар раҳбарларини ёки бошқа айбдор шахсларни имтиёзлардан ёки бошқа воситалардан тўлиқ ёки қисман маҳрум қилиш; атроф табиий муҳитга ва инсон соғлиғига етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш[2].

---

[1]Экологическое право: Учебник для вузов / Н.Д. Эриашвили, Ю.В. Трунцевский, В.В. Гучков и др. / Под ред. В.В. Гучкова. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. – С.148–149.
[2]Ерофеев Б.В. Экологическое право России. – М.: МЦУПЛ, 1999. – 243 с.

Юқорида билдирилган ва М.М.Нурматовни[1] фикрларига қўшилган ҳолда экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизми мақсадларидан келиб чиқиб, биз ушбу институтнинг йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг оид чора-тадбирларни режалаштириш ва молиялаштириш;

табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф табиий муҳитга чиқинди ва ифлослантирувчи моддаларни ташлаш ҳамда чиқариш лимитларини белгилаш;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитга чиқинди ва ифлослантирувчи моддаларни ташлаганлик ҳамда чиқарганлик, шунингдек, атроф табиий муҳитга бошқача зарарли таъсир этганлик учун тўловлар ҳажми ва нормативларини белгилаш;

кам чиқинди чиқарувчи ҳамда табиий ресурсларни тежовчи технологияларни ва ноанъанавий энергия турларини жорий этган, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бошқа самарали чораларни амалга оширган корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек, фуқароларга кредит ва бошқа имтиёзларлар бериш;

атроф табиий муҳитга ва инсонлар соғлиғига етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш ва бошқалар.

Умуман олганда, экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсад ва йўналишлари ушбу институтнинг мазмун-моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, унинг амалга оширилишини белгилаб берувчи асосий восита сифатида йўналтиради ҳамда тизимлаштиради.

Дарҳақиқат, экология ҳуқуқи нуқтаи назаридан экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсад ва йўналишларини, мамлакатимизда экологик тўловлар ҳолатини таъминлашга оид қонунчиликни такомиллаштириш муаммоларининг илмий-амалий

[1]Нурматов М.М. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизмини ҳуқуқий таъминлаш масалалари. Юрид. фан. номз. ... дисс. автореферати – Т.:2008

таҳлил этиш, мамлакатимизда экологик тўловларни ҳуқуқий таъминлашга доир асослантирилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Фикримизча, “Экологик тўловлар тўғрисида”ги қонунчиликни шакллантирилишига доир асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши ҳам алоҳида ахамиятга эга бўлади деб ўйлаймиз.

Хуллас, экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солиш механизми мақсад ва йўналишлари мамлакатимиз экологик сиёсатида алоҳида аҳамият касб этиб у муайян вазият ва аниқ шароитда ўзгариши ҳамда такомиллашиб бориши мумкин.

Олим Холмаматович Нарзуллаев,
Амирбек Гайратбаевич Ҳасанов
Тошкент давлат юридик университети Экология ва аграр ҳуқуқи кафедраси доценти,
Тошкент давлат юридик университети магистратни

ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИГА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон табиатининг биологик ва ландшафтлар хилма-хиллиги миллий бойлигимизнинг ажралмас қисмидир. Бу бойлик бир неча минг йиллик эволюция давомида юзага келган ҳамда аждодларимиз томонидан бизга қолдирилган улкан меросдир. Зиммамизга, бу меросни авлодларга хилма-хил ва барқарор тизим кўринишида қолдиришдек улкан ва масъулиятли вазифа турибди.

Дунёнинг экологик муҳити ўзгариб бораётган ҳозирги “шароитда инсон томонидан табиатга кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда”[1] Шу ўринда, ҳайвонот дунёсини муҳофаза

[1] Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Т., 1998. – Б.109.

қилиш ва ундан фойдаланишда иқтисодий ва экологик мутаносибликни таъминлаш мезонига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни барча ҳайвонот дунёси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга бағишланган. Аммо, бу қонун ҳажми ва мазмун жиҳатдан жуда қисқа бўлиб ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш бўйича баъзи муносабатлар тартибга солинмаган. Масалан, унда балиқчилик соҳасини тартибга соладиган бирор-бир норма йўқ. Бунинг оқибатида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, бу қонунда унинг асосий вазифалари ва мезонлари Давлат ҳайвонот дунёси фонди, Давлат овчилик-балиқ овлаш фонди, Олий ижроия органларининг ваколатлари ва вазифалари, ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиши асослари ва тартиби, ҳайвонот дунёси объектларидан чет эл фуқароларининг фойдаланиши тартиби, ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тамойиллари, ҳайвонот дунёси объектлари тури ҳисобланган ёввойи сув қушларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрларни ўзида тўлиқ акс эттирмаган. Шу нуқтай назардан ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, балиқ ресурсларининг талон-тарож қилиниши,бу давлатга келтирилаётган мулкий зарар ҳисобланади. Бу эса энг биринчи навбатда давлатнинг мулк ҳуқуқини бузади. Иккинчидан эса, табиий ресурс ҳисобланган балиқларнинг қимматбаҳо кам учрайдиган турларининг йўқ бўлиб кетишига сабабчи бўлиши мумкин. Бу салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун “Балиқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарликлар учун “такса” жавобгарлигини шакллантириш лозим.”[3] Зеро, бу борада қирилиб

[3]Мехтиев М.С. Правовая охрана рыбных запасов, Ав-реф. соис.ученой степени кан.юр.наук. 1984 г. – С.11.

бораётган балиқ турлари толон-тарож бўлиши, ўғринча овланиши, камёб учрайдиган балиқлар Республикамиздаги балиқ заҳиралари муҳофаза этилиши ва улардан оқилона фойдаланишда аҳамиятли ҳисобланади. Шунингдек, давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун “такса” усулидаги ҳуқуқий санкцияни қўллаш балиқ заҳирасига етказилган зарар учун ундириладиган моддий жавобгарлик миқдорини ҳисоблашда қўл келади деб ҳисоблаймиз.

Яна шуни таъкидлаш керакки, табиатни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ов жониворларининг кўпайишига шароит тўлиқ яратиб берилмаяпти. Овчилик жамияти органлари юқорида ишлаб чиқилган қоида бўйича қарийиб ҳамма ов турларига лицензия (рухсатнома) талаб қилади. Бу эса ҳар доим ҳам ижобий натижа бермаслиги мумкин. Масалан, ушбу ҳолат ўлжанинг камайиб кетиши, браконъерларнинг эса кўпайишига сабаб бўлиш мумкин.

Ҳайвонот дунёси объекти турлари ҳисобланган жониворлар маъмурий чегараланишни тан олмайди. Шу сабабли бир хил жониворлар яшайдиган майда овчилик хўжаликларидан келиб тушаётган маълумотлар ўзгарувчан. Шу сабабдан, табиатни муҳофаза қилувчи органлар томонидан белгиланган ов жониворларини ҳисобга олиш, уларни назорат қилиш ва кузатиш тўғрисидаги қоидаларни қайтадан кўриб чиқиш лозим.

Ёввойи ов ҳайвонлари давлат ов фондини ташкил қилади. Уларни муҳофаза қилиш, назоратга олиш давлат бюджети томонидан маблағ билан таъминланади. Ўз навбатида овчилар ҳам умумдавлат солиғини тўлайди.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлаш масаласига чинакам давлат нуқтай назардан ёндошиб, ниҳоятда жиддий эътибор қаратилмоғи лозим. Чунки, енгил-елпи муносабатда бўлиб, маъсулиятсизлик билан ишлаб чиқилган ва ҳаётга йўлланма олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, пировардида,

жамият ҳаётида кўплаб салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг обрўйи тушушига сабаб бўлади. Бу борада норматив-ҳуқуқий ҳужжат (қонун, қарор) лойиҳаларини таёрлашда тор идоравий ёндашувдан воз кечиб, ошкоралик принципига қатъий амал қилиб иш олиб бориш мақсадга мувофиқ. Лойиҳа ишлаб чиқишни айрим вазирлик ёки давлат идораси ихтиёрига ташлаб қўйиш қонуннинг ижтимоий замини торайишига сабаб бўлиши мумкин. Аксинча, бу ўринда ишда махсус юридик муассасаларни, мутахассис олимларни, экспертларни жалб этиш лозим.

Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонуннинг сифатини яхшилаш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоси бўлиб, у шу соҳада қонуннинг нуфузини ошириш, устунлигини таъминлашда катта ўрин тутади. Шуни таъкидлаш лозимки, экология соҳасидаги баъзи норматив ҳуқуқий ҳужжатларда аниқлик, лундалик, манодорлик ва фикр тиниқлиги етишмайди. Шунингдек, қонунларда конкрет ижтимоий муносабат турини тартибга солиш қолипини, аниқ ҳуқуқ ва бурчларни ифода этиш ўрнига бошқа ижроия ва идоравий ҳуқуқий актларга ҳаволалар кўп учрайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунда жами 41та модда бўлса, шундан 16 та моддада ҳавола этувчи нормалар мавжуд. Бу қонуннинг ҳурмати ва таъсирчанлигига жиддий зарар етказади.

Бу борада вазиятни мураккаблаштирадиган ҳолат шуки, бунда қонун ҳали келажакда қабул қилиниши назарда тутилган қонун ости ҳужжатларга ҳавола беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни 1997 йил 26 декабрда қабул қилинди. Қонунда ҳайвонларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш, ҳайвонот дунёси давлат кадастрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

томонидан тасдиқланган низом билан юритилиши кўзда тутилади. Бироқ айтилган Низом ва қоидалар салкам 2,5 йил деганда бунёдга келди.

Шу масалага алоҳида тўхталиш лозимки, Ўзбекистоннинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирларини кучайтириш ҳамда улардан фойдаланиш, уларни республикага олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябр 508-сон “Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида”қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг 2-иловасига мувофиқ тасдиқланган “Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш ҳамда овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича **учта асослантирилган** таклифлар берилади**.**

Биринчидан. Низомнинг III бўлими “Ҳайвонот дунёсидан умумий фойдаланишга рухсатномалар бериш тартиби” деб номланиши Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунига зид. Шунингдек, Низомнинг III бўлими “Ҳайвонот дунёсидан умумий фойдаланишга рухсатномалар бериш тартиби” деб номланган бўлсада лекин махсус фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган.

Амалдаги таҳрирда, III. Ҳайвонот дунёсидан ***умумий***фойдаланишга рухсатномалар бериш тартиби.

Таклиф қилинаётган янги таҳрирда, III. Ҳайвонот дунёсидан **махсус** фойдаланишга рухсатномалар бериш тартиби. Низомнинг III бўлими “Ҳайвонот дунёсидан умумий фойдаланишга рухсатномалар

бериш тартиби” деб номланган, аммо ушбу бўлимни **махсус** фойдаланишга рухсатномалар бериш тартиби деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан. Низомнинг IV бўлими, 28 банди “Тувдоғ қушини овлашда республиканинг бутун ҳудуди бўйича алоҳида Низом билан чеклашлар белгиланади” деб белгиланган, аммо ушбу банддаги *тувдоқ* сўзини тувалоқ деб ўзгартириш керак. Чунки тувалоқ қушининг номи тувдоғ деб Низомда нотўғри қўлланилган. Мазкур Низомнинг рус тилидаги таҳририда, ушбу бандда қушнинг номи “дрофа-красотка” деб тўғри қўлланилган. Дрофа-красотка, ўзбек тилида тувалоқ деб таржима қилинади, тувдоқ эмас. Бу ерда Тувалоқ қушининг номи нотўғри қўлланилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 декабрда 276-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида **Тувалоқлар**ни кўпайтириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинган. Мазкур қарорда, **тувалоқ** – йўқолиб кетиш хавфи бўлган ва Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи парранда тури ҳисобланиши таъкидланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Қизил китобида ҳам тувлоқ қуши китобга киритилган бўлиб, ***тувдоқ***деб номланган қуш ҳақида умуман сўз юритилмаган. Таъкидлаш лозим, Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамиятидан электрон почта орқали сўралганда, асосан Ўзбекистон Республикасида *тувдоқ* деган қуш мавжуд эмас ва ушбу Низом ва бошқа қонун хужатларида сўз юритилган қуш – тувалоқ (дрофа-красотка) эканлиги билдирилган.

А**малдаги таҳрирда** 28. ***Тувдоғ***қушини овлашда республиканинг бутун ҳудуди бўйича алоҳида Низом билан чеклашлар белгиланади.

Таклиф қилинаётган янги таҳрирда 28. **Тувалоқ** қушини овлашда республиканинг бутун ҳудуди бўйича алоҳида Низом билан чеклашлар белгиланади.

Учинчидан. Низомнинг 1-иловасига мувофиқ, Ёввойи ҳайвонлар тутилганлиги учун тўловлар миқдори белгиланган бўлиб, унда

бўрини овлаш учун қатъий нарх белгиланмаган. Худди шу ҳужжатнинг рус тилидаги матнида бўрини овлаш учун қатъий нарх қилиб 75 (АҚШ)доллари тўланиши белгиланган. Бу борада Низомнинг рус ва ўзбек тиллардаги таҳрирларини мувофиқлаштириш мақсадида, ўзбек тилидаги таҳрирда ҳам бўрини олдига нарх қўйиш мақсадга мувофиқ. Чунки мазкур Низомни ўзбек тилида ўқиган шахслар бўри учун нарх тўланмас экан деган хулосага келишмоқда. Шунинг учун мазкур тафоввутга бархам бериш мақсадга мувофиқ.

Амалдаги таҳрирда Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиб кетиш ҳамда овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш тартиби тўғрисида низомга 1-илова Ёввойи ҳайвонлар тутилганлиги учун тўловлар миқдори Қизил китобга киритилган, сут эмизувчилар,бошқа турлари, Бўри – 0.

Таклиф қилинаётган янги таҳрирда, Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиб кетиш ҳамда овчилик-балиқчилик хўжалигини юритиш тартиби тўғрисида низомга 1-илова, Ёввойи ҳайвонлар тутилганлиги учун тўловлар миқдори, Қизил китобга киритилган сут эмизувчилар, бошқа турлари, Бўри 75.

Хулоса қилиб айтганда, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришда биринчидан, ҳайвонот дунёсини иқтисодий манфаатларни қондириш нуқтаи назардан чекланганлиги; иккинчидан, унга асосан маъмурий рухсат бериш орқали вужудга келиши билан боғлиқ жараёнлар киритилганлиги инобатга олиниши лозим.

Элёр Хусанович Шерматов
Тошкент давлат юридик университети магистранти

ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЛИЦЕНЗИЯ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-ҲУҚУҚИЙ МОҲИЯТИ

Иқтисодиётнинг моддий асоси, инсон ҳаёти фаровонлиги манбаси бўлмиш табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш давлатимиз экологик сиёсатини асосий мақсад ва вазифаларидан бири ҳисобланади. Давлат табиий ресурсларни мулкдори сифатида, уларни тасарруф этишда турли усул ва воситаларни қўллайди. Табиий ресурслардан фойдаланишда рухсатнома ва шартнома шаклини кенг жорий этилиши иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиш баробарида, республикамизда тадбиркорлик фаолиятини ўзига хос кафолати сифатида эътирофга сазовор. Табиий ресурслардан фойдаланишда қўлланиладиган усуллардан яна бири, бу лицензиядир. Лицензия тармоқ бошқаруви давлат органи (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, “Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекцияси) акти сифатида хўжалик фаолиятини юритувчи субъектга олдиндан келишилган шартларга риоя қилган ҳолда, ўрнатилган муддат даъвомида маълум бир худудларда белгиланган мақсадга мувофиқ табиий объектдан фойдаланишга рухсат беради. Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонунида лицензия – лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (ҳуқуқ) сифатида кўрсатилган[1]. Лицензия

[1]Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2011 й., 36-сон, 363-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда.

лотинча “licentia”[1] сўзидан олинган бўлиб, эркинлик ва ҳуқуқ маъносини беради. Адабиётларда “лицензия”-махсус ваколатли давлат органи амалдаги қонун ҳужжатларига кўра лицензияланиши лозим бўлган фаолият тури билан муайян муддат давомида шуғулланиш учун берадиган рухсат ёки муайян ҳатти-ҳаракатни амалга ошириш учун ҳуқуқ берувчи ҳужжат сифатида изоҳланади.[2] Н.Ф.Реймерс таъбири билан айтганда эса лицензия бу – бир маротаба ёки такроран, амалга ошириш сони лицензиянинг ўзида кўрсатиладиган табиий ресурслардан фойдаланишга оид фаолиятни амалга ошириш учун махсус ваколатли давлат органи томонидан бериладиган рухсатнома (одатда муайян тўлов эвазига бериладиган)дир[3].

Илмий манбаларда баъзан, лицензияга хўжалик фаолиятини назорат қилишда давлатни рухсат бериш тизими воситаси сифатида қарашлар учрайди[4]. Давлатни табиий ресурслардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш функциясини тахлил қилар эканмиз, уни маъмурий–ҳуқуқий усул эканлигини инкор этиш мушкул. Ҳуқуқий–институт сифатида лицензиялашни қуйидаги ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

давлат бошқарув функциясига таалуқли;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишни таъминлашни иқтисодий механизмини таркибий қисми ҳисобланади;

комплекс ҳуқуқий институт сифатида кўринади.

Юридик адабиётларда табиий ресурслардан фойдаланишга бериладиган лицензия фаолиятни айрим турлари билан шуғулланишга бериладиган лицензиядан фарқ қилади деган фикрлар

---

[1]Большой энциклопедический словарь // под общей ред. А.М. Прохорова. – М.: 1998.- С. 652.

[2] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 279-280.; Юридик энциклопедия / У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 275-276.; Юридик ататмалар қомусий луғати. / Мас. муҳар. Ҳ.Р.Раҳмонқулов. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 211.; Большая юридическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2008. – С. 284-285. Большой юридический словарь / под ред. А.Я.Сухарева – М.: Инфра-М, 1998. – С. 342.

[3]Реймерс Н.Ф. Природопользование. – М.: Мысль, 1990. – С. 276.

[4]Д.В.Хаустов.Правовой статус природоресурсной лицензии. //http://secandsafe.ru/pravovaya_baza/blogi/ekologicheskaya_bezopasnost/pravovoy_status_prirodoresursnoy_licenzii.

учрайди[1]. Бундай қараш тарафдорлари ўз фикрларини, фаолиятни айрим турлари билан шуғулланишга бериладиган лицензия фақат тадбиркорларга берилади, табиий ресурслардан фойдаланишга бериладиган лицензия оддий фуқароларга ҳам берилиши мумкинлиги билан асослайдилар. Табиий ресурслар лицензиясини фаолиятни айрим турлари билан шуғулланишга бериладиган лицензиядан фарқлаш бизнингча бахсли ҳисобланиб, бу масала алоҳида илмий-назарий тахлилни талаб этади.

Табиий ресурслар лицензияси экология соҳасида давлат бошқарувига хос маъмурий-ҳуқуқий акт сифатида ўзининг бир қатор белгиларига эга:

у бошқарув қарорини қабул қилиш шакли ҳисобланади;

умум мажбурий характер касб этмай, фақат лицензиатга таллуқли бўлади;

тартибга солишни қонун ости даражасини ташкил қилади;

давлат иродасини акс эттиради;

хокимият органи ваколатларига таянади;

давлатни мулкдор сифатида ўзига тегишли мулкни тасарруф этиш жараёнини расмийлаштириш воситаси сифатида кўринади;

шартномавий мулкий ҳуқуқий муносабатларни вужудга келишига асос бўлади;

табиатдан фойдаланиш ҳуқуқини келтириб чиқариш функциясини бажаради;

табиатдан фойдаланувчининг ташаббуси билан берилади ва уни имзоси билан мустахкамланади;

табиатдан фойдаланиш шартларини аниқлаштиради;

давлат томонидан рўйҳатга олишни талаб қилади.

Экология назариясида лицензиялашга доир бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил ёндашув мавжуд. Биринчи қараш тарафдорларини фикрига кўра мулкий муносабатларда лицензиялаш

[1]Дроздов И. А. Договоры на передачу в пользование природных ресурсов. Учебно-практическое пособие. – М.: «Проспект», 2001. – С.20.

бозор талабларига қарши бўлиб, бюрократияга олиб келади[1]. Лицензия шаклидаги рухсат бериш тизими табиатдан фойдаланиш соҳасида жамият манфаатини ҳимоя қиладиган ягона восита ҳисобланади деган қарши фикр тарафдорлари буни инкор этадилар[2].

Фикримизча иккала ёндашув ҳам ўзининг ютуқ ва камчиликларига эга. Сўзсиз, лицензиялаш якка шахсларни манфаатларини камроқ ҳисобга олган ҳолда маъмурий характер касб этади. Бироқ, давлат назорати механизимисиз мавжуд бўладиган табиатдан фойдаланишда, атроф муҳитга етадиган зарарни кучайиши ва оғир оқибатларни келтириб чиқариши хавфи юқорилигини унутмайлик.

Шавкат Жумаевич Холмўминов
Тошкент Давлат юридик университети магистранти

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Шуни таъкидлаш лозимки, XIX асрдан бошлаб илм-фанда янги кашфиётлар, янги меҳнат қуроллари, техника воситалари пайдо бўлиши экологик хавфсизлик муносабатлар тизимига кескин бурилиш ясади. Табиатга бўлган жамиятнинг таъсирлари, яъни антропоген таъсирлари ортиб бораверди. Бу эса ўз навбатида экология фанининг ривожланишига яъни экологик хавфсизликни пайдо бўлишига олиб келди.

Шу маънода айрим юридик адабиётларда экология ва аграр соҳанинг тарихий ривожланиши қуйидаги босқичлардан иборат деб кўрсатилган:

Фикримизча, ушбу босқичлар экологик хавфсизликни пайдо бўлиши ва ривожланиши билан ҳам бевосита боғлиқдир.

---

[1]Ҳамроев С.С. Ўзбекистон Республикасининг кончилик ҳуқуқи.Дарслик. – Тошкент.: «АЛ-ФАБА-СЕРВИС», 2007. Б.167.

[2]Колбасов О. С. Соотношение административных и экономических методов охраны окружающей среды//Сб.: Экологическое право и рынок. М.: 1994. С.45.

1924–1957 йиллар Ўзбекистонда дастлабки ер-сув, аграр ислоҳотларнинг ўтказилиши ва олиб борилиши;

1957–1963 йилларда Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларнинг қабул қилиниши;

1968–1981 йилларда республикамизнинг ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот дунёси ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар кодификация қилинади;

1985–1990 йилларда табиатни муҳофаза қилишга оид бир қатор ўзгаришлар, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида алоҳида давлат қўмитасининг ташкил этилиши;

1991 йилдан ҳозирги даргача, яъни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги, собиқ Иттифоқнинг емирилиши ҳамда бир қатор экологик ва аграр аҳамиятга эга бўлган қонунларнинг қабул қилиниши билан боғлиқдир.[1]

Экологик хавфсизлик экология ҳуқуқида – табиат билан жамият ўртасида ўзаро таъсирлар натижасида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишни ўрганувчи институт сифатида ўз ривожланиш тарихига эга бўлиб уни экология ҳуқуқининг ривожланиши билан ҳам боғлаш мумкин.

Шу маьнода юридик адабиётларда экологик хавфсизликнинг қадимий-тарихий жараёнини ўрганиш осон бўлиши мақсадида шартли равишда уч босқичга бўлиб ўрганиш тавсия этилган:

1. Социалистик тузумгача бўлган бой тарихий давр (1917-1924 йилларгача бўлган босқич);
2. Социалистик тузум (1924-1990 йилгача);
3. Мустақиллик даври 1991 йилдан ҳозиргача.[2]

1. Бой тарихий босқич эрамиздан аввалги минг йилликлардан XX асрнинг 20 йилларигача бўлган даврни ўз ичига олиб, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш хамда экологик хавфсизликнинг қоида-талабларини турли-туманлиги, ўзига хос

[1]Холмўминов Ж.Т. Экология ва ҳаёт: қонунчиликни такомиллаштириш масалалари.–Т.:ЎзР ФҲИ, 2010. – 214 бет.

[2] Жураев Ш.Ю. Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлашнинг назарий–ҳуқуқий масалалари. Юрид. фан номзоди илмий даражасини олиш учун дис-ция Автореферати. Тошкент – 2012.

хусусиятларини кузатишимиз мумкин.

Жамиятнинг табиат билан боғлиқ муносабатини тартибга солиш одамлар қабила-қабила бўлиб бирлашиб, ўз худудларида ер, ўрмон, хайвонот дунёси ва ресурсларидан фойдаланиш қоида-талаблари жорий қилиниб келинган.

Инсон онгининг ривожланиши ,янги меҳнат қуролларининг вужудга келиши ,табиат бойликларидан фойдаланиш миқдори ва ўз навбатида таъсир кўрсатиш даражаси экологик хавфсизликни пайдо бўлишига олиб боради.

Юртимизда давлатчилик шакллана бошлаши, ривожланиши билан жамиятдаги ҳуқуқий муносабатлар такомиллаша боради. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар тизимида ер, сув, ўрмон ва хайвонот дунёсидан фойдаланишнинг қоида-талаблари ҳам такомиллашиб боради. Тарихий меросимиз ҳисобланган “Авесто” ва бошқа диний урф-одатларда ҳам табиатдан фойдаланиш билан боғлиқ қоидаларни учратишимиз мумкин. Албатта, ушбу қоидалар махсус қоида сифатида шаклланмаган бўлсада жамият аъзоларининг табиатга бўлган муносабатини тартибга солиб туришга хизмат қилган.

Табиатдан фойдаланиш қоида-талаблари жамият аъзоларининг диний қоида-талаблари, урф-одатларига аҳолининг турмуш тарзига айлана бориб, инсоннинг табиатдан фойдаланиш, уни авайлаб асраш билан боғлиқ мажбуриятлари, жавобгарлик чоралари белгиланиб борилади.

Айниқса, эрамизнинг ўрта асрларида давлатчиликнинг ривожланиши ва тараққий этишида табиий ресурсларнинг аҳамияти чексиз хисобланиб, ер-сувдан фойдаланиш қоида-талаблари ривожлана боради. Айниқса, мусулмон ҳуқуқининг манбалари ва бошқа тарихий-ҳуқуқий аҳамиятдаги меросимизда ер-сув, ўсимлик ва хайвонот дунёсидан фойдаланиш талаблари, уларни муҳофаза қилиш мажбуриятлари, жавобгарлик чоралари каби қоидаларнинг белгиланган бўлиб, ушбу соҳада муносабатларни тартибга солиш катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 20-йилларигача босиб ўтилган бой тарихий эволюцион жараёнида табиатдан фойдаланиш, буларни асраб-авайлаш билан боғлиқ умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган қоида-талаблари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, биринчидан, ушбу қоида-талаблар алоҳида махсус тизимга эга бўлмай, мулк билан боғлиқ қоидалар тизимида ривожланган, иккинчидан, табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни асраб-авайлаш қоида-талаблари аҳолининг маданияти ва турмуш тарзига сингиб кетганлиги, ўз навбатида ҳуқуқий муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилган ва аста-секин экологик хавфсизлик билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлиб борган.

2. XX асрнинг 20 йилларидан бошлаб, заминимизда социалистик тузумнинг ўрнатилиши, Ўзбекистон ССР нинг иттифоқдош республикалар таркибида аграр давлат сифатида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш янги ҳуқуқий қоида-талабларнинг жорий этилиши билан боғлиқ бўлиб экологик хавфсизликка оид муаммолар пайдо бўлиб борди.

1917 йилда Ер ҳақида Декретнинг имзоланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ерга нисбатан ҳусусий мулк шаклининг бекор қилиниши, помещчиклар, ер эгаларининг ерлари миллийлаштирилиши, яъни давлат тасарруфига ўтиши, ерларни ишчи, дехқонларга берилиши каби тамойиллар белгиланган. Ушбу декретга асосланиб, ер кодекси, ер ости бойликлари ҳақида, ўрмон ва сув ресурслари ва табиий объектлардан фойдаланиш ҳақидаги низомлар қабул қилинди.

1929 йилда Ўзбекистон ССРнинг ер-сув кодекси қабул қилиниши ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солувчи биринчи кодификациялашган ҳужжат хисобланади.

1941 йилда Ўзбекистон ССР нинг “Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш тўғрисида” ги қонуннинг қабул қилиниши эса ўз

навбатида қишлоқ хўжалигида ер ва сувдан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ривожланишини кўрсатади.

1957-1963 йилларда барча иттифоқдош республикаларда шу жумладан Ўзбекистон ССР да ҳам “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуни қабул қилиниб, биринчидан, табиатни муҳофаза қилишнинг тамойиллари, асосий қоида-талаблари мустахкамланади, иккинчидан, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва ўрганишда алоҳида урғу берилди.

Халқ хўжалик мақсадларида табиий ресурслардан кенг фойдаланиш ўз навбатида табиий ресурслар ҳолатининг ёмонлашишига, табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий-иқтисодий зарурияти пайдо бўла бошлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1963 йилгача ер, ер ости бойликлари, ўрмон, сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий-назарий асослари "Ер ҳуқуқи” фани дастурида белгиланган бўлиб, бир сўз билан айтганда, табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати “Ер ҳуқуқи” фани тизимида ўрганилиб келинди. Бу ҳолат экологик хавфсизлик муаммоларини назарий ва амалий жихатдан кенг миқёсда ўрганишга имкон бермас эди.

1963 йилдан Иттифоқ миқёсида “Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш” ўқув дастури тасдиқланиб, табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишлари илмий-амалий жихатдан асосланиб берилди.

Фан-техниканинг тобора ривожланиб бориши, халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши, қишлоқ хўжалигида пахта “яккахокимлиги” нинг илгари сурилиши, механиязация ва мелиорация тизимларининг ривожланиши ўз навбатида табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик муаммоларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш заруриятини талаб қила бошлади.

1986 йилда “Ер ҳуқуқи” фани ва “Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш” махсус курси ўрнига “Табиий ресурслар ҳуқуқи ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқи” ўқув дастури тасдиқланиб, барча “иттифоқдош” республикаларда шу жумладан, бизнинг республикамиз олий юридик ўқув юртларида назарий-ҳуқуқий асослари ўрганила бошланди.

1986 йилларда “Совет” лар давлатининг кўплаб минтақаларида, айниқса Ўзбекистонда 30-40 йил давомида олиб борган нотўғри экологик сиёсати оқибатида экологик муаммолар кескинлашиб, Орол денгизи ва Оролбўйи минтақасида, Навойи, Бухоро, Сариосиё, Бекобод, Чирчик каби вилоят ва шаҳарларда ерларнинг шўрланиш даражаси, сувларнинг ифлосланиши, атмосфера хавоси ҳолатининг ёмонлашиши, аҳолининг хаёти ва соғлиғи даражасининг пасайиши, турли касалликларнинг кўпайиши каби салбий ҳолатлар пайдо бўлди. Мана шундай шароитда “Табиат-жамият тизимидаги ўзаро муносабатларни биринчи навбатда табиатнинг устуворлигини тан олиш тамойилининг жорий этилиши асосида экологик хавфсизлик муаммоларини ўрганишни тақозо этди.

1987-1989 йилларда юрист-эколог олимлар томонидан “Экология ҳуқуқи” ўқув дастурини жорий этиш ва экологиянинг ҳуқуқий асосларини яратиш ғояси илгари сурилиб келди ва баъзи республикаларда жорий этила бошлади.

3.Ўзбекистон Республикасида “Табиат-жамият ва инсон” тизимидаги ўзаро муносабатлар ва ва экологик хавфсизлик муаммоларининг илмий жихатдан асосланган ҳуқуқий асосларини яратиш 1991 йилда республикамиз мустақиликка эришгандан сўнг амалга ошира бошланди.

1991 йилда Тошкент давлат юридик институтининг Илмий Кенгаш қарори билан “Экология ҳуқуқи” фанининг ўқув дастури тасдиқланди.

1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури” асосида бакалавриат ва магистратура тизимлари

учун “Экология ҳуқуқи” ўқув дастури ҳамда ушбу дастурни янада ривожлантириш мақсадида “Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик”, “Ер ҳуқуқий муаммолари” “ Халқаро экология ҳуқуқи” каби махсус ўқув курслари дастурлари ишланиб чиқилди ва тасдиқланди.

Хусусан, бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларига жавоб берувчи, экологик хавфсизлик муаммоларини ўзида ифодаловчи, халқимизнинг миллий бойлиги ҳисобланган ҳар бир табиат объектининг янгича ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”, “Ер ости бойликлари тўғрисида”, “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ўрмон тўғрисида”, “Экологик экспертиза тўғрисида”, “Чиқиндилар тўғрисида”, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулотда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”, “Радиация хавфсизлиги тўғрисида”, “Ер кадастри тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”, “Маданий мерос обектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”, “Археология мероси объектларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисда” қабул қилинган қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрь қарори билан тасдиқланган “2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастури” ва Мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон қарори асосида қабул қилинган, 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар Дастури[1] мамлакатимизда экологик хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш борасида катта аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳужжат бўлиб қолди.

[1] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 282-модда

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида “атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш фурсати етди”[1], – деган фикри муҳим концептуал аҳамият касб этиб, экологик хавфсизлик муаммоларини ҳал этувчи қонунчиликни такомиллаштириш учун хизмат қилади.

Фикримизча, ушбу яьни “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни эьлон қилиниши экологик хавфсизликни ҳуқуқий таъминлашнинг янги ривожланиш босқичи даври деб баҳолаш мумкин.

Демак, экологик хавфсизликни ҳуқуқий таъминлашнинг янги ривожланиш босқич даври, мустақиллик даври 1991 йилдан 2010 йилгача,кейинги даври эса 2010 йилдан то ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади деб кўрсатиш мумкин.

[1] Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 47.

Азизжон Нурмахаматович Хатамов
Тошкент давлат юридик университети магистратни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ҚОНУНЧИГИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

Ер табиий ресурс сифатида халқимизнинг миллий бойлиги бўлиб, у республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг моддий асоси бўлиб ҳисобланади. Ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси бўлиш билан бирга фуқароларнинг яшаш макони, турли корхона, муассаса, ташкилотларнинг фаолиятини ташкил этиш асоси вазифасини ўтайди. Энг асосийси, барча табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этишни ташкил этиш бевосита ер билан узвий боғлиқликда амалга оширилади. Бу эса ер фонди ва унинг алоҳида тоифалари ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи юридик меъёрларнинг аҳамиятлилик даражасини белгилайди.

Назаримизда, ер фондининг энг кичик бўлаги ҳисобланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тушунчасига таъриф беришдан аввал, мамлакатимизда ер фондининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашга умумий тартибда асос қилиб олинган юридик нормалар тавсифини келтириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йил 31 августда қабул қилган “Давлат мустақиллиги тўғрисида"ги Баёнотида: “Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатларга ҳудудий даъволари бўлмай, у ўз ҳудуди ва унинг табиий бойликларига нисбатан олий ҳуқуққа эгадир”, – деб белгиланган. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги 1991 йил 31 август куни қабул қилинган қонунида "Республика ҳудудида ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги ва мулки ҳисобланади", -деб таъкидланган.

Демак, ер ва унинг бойликлари миллий юрисдикция таъсирига олинганлиги ерга нисбатан ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишини талаб этади. Ер атрофида вужудга келган ва вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларнинг аксарият қисмини ер ҳуқуқи тартибга солади[1].

Тан олиш керакки, ер фонди, ер участкаларининг ҳуқуқий ҳолати, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар умуман ер билан боғлиқ муаммолар (назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилинмаган ер масалалари) жуда хилма-хил ва кўлами кенг бўлиб, ҳуқуқшунос олимлар ушбу масалаларни ечишнинг турли усуллари ва йўлларидан фойдаланадилар. Зеро, бирор бир илмий тадқиқот объектига боғлиқ муаммолар тўғрисида сўз юритишда унинг тушунчалари омили тўғрисида мулоҳаза қилиб, маълум тўхтамларга келиб олиш зарурдир[2].

Ерга табиат объекти сифатида баҳо берилганда, уни ҳар хил маънода тушуниш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра ер икки хил маънода, яъни Ўзбекистон Республикасининг ер фонди ва ер участкалари ҳуқуқий мақомида тушунилади.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, МДҲ давлатларининг кўпчилигида ер участкалари хусусий мулк ҳуқуқи объектига айлантирилиб, фуқаролик муомаласига киритилиши муносабати билан ер ҳуқуқи назариясида “давлат ер фонди” атамаси ўрнига, “ер ресурслари” атамаси қўлланилиши кузатилмоқда [3]. Бизнингча, ушбу тушунчаларни чалкаштириш нотўғри бўлиб, давлат ҳар қандай даврда ва шароитда ерга нисбатан ўзининг мулк ҳуқуқини умумий тарзда сақлаб қолади. Чунки ер энг аввало мамлакат ҳудуди бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли давлат ўзининг ваколатли органлари орқали “ер”га нисбатан ўзининг таъсир чораларини ўтказади. Бу чоралар мамлакат ҳудудини ривожлантиришнинг истиқболли

[1] Усмонов М.Б., Жўраев Й.О. ва бошқ. Ер ҳуқуқи. Дарслик. –Т., 2002.
[2] Колбасов О.С. Правовые исследования по охране окружающей среды в СССР: итоги нуки и техники. –М., 1978. – 208б.
[3] Крассов О.И. Право частной собственности на землю. –М.: Юристъ, 2000. -379б.

дастурларини тузиш, ер участкаларини тақсимлаш, ундан фойдаланиш мақсадини белгилаш каби фаолият йўналишларида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 10-моддасида ер участкаси тушунчасининг юридик тавсифи келтирилган бўлиб, унга кўра, ер участкаси – ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир [1].

Таъкидлаш жоизки, Ер кодексида “ер”, “ер фонди” тушунчаларига мустақил юридик термин сифатида таъриф берилмаган, аммо “ер участкаси” тушунчасига таъриф берилиб унинг мазмуни тўлиқ очиб берилган.

Ер кодексининг 1-моддаси 2-бандида “ер” ер муносабатлари объекти бўлиши тўғрисида сўз боради. Бироқ ер муносабатлари объекти сифатида ер табиий объект ёки ресурс эмас, балки ер юзасининг белгиланган тартибда индивидуаллаштирилган қисми – ер участкаси сифатида намоён бўлади. Биз ер ҳақида ер муносабатларининг объекти сифатида гапирганимизда, ўзининг табиий ҳолатини сақлаб турган ерни эмас, балки тегишли тартибда муайян ҳуқуқий мақоми белгиланган ва шу асосда ҳуқуқ объекти ва ер муносабатлари объекти бўла оладиган ерни назарда тутамиз [2].

Таъкидлаш жоизки, ер участкаларидан фойдаланишнинг бозор иқтисодиётига мос шакллари ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда аҳолига ер участкаларини ажратиб бериш ниҳоятда муҳим касб этади.

Мустақиллик йилларида ер ислоҳотларининг асосий йўналишларини белгилаб келаётган давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида қўлга киритилган энг муҳим натижа шахсий томорқаларни кенгайтириш, янги суғориладиган

[1]Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 5-6 сон, 82-модда.
[2]Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир Усмонов М.Б. –Т.: ТДЮИ, 2007. –98б.

ерларни шахсий хўжаликлар ва боғ-дала ҳовли участкаларига ажратиб бериш йўли билан аҳолини амалда ер билан таъминлашдан иборат бўлди. Одамларга ер берилиши чинакам инқилобий аҳамият касб этди, бу билан ҳар бир индивиднинг давлатга қарамлиги тугатилди[1].

Амалга оширилган ер-ҳуқуқий ислоҳотлар натижасининг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги ер майдони 44896,9 минг гектарни ташкил қилиб, мамлакатимиз бўйича корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқаролар фойдаланишидаги жами ерлар 44410,3 минг гектарни ташкил этади. Республика бўйича суғориладиган ерлар 4312,2 минг гектарни ёки умумий умумий майдоннинг 9,7 фоизини ташкил қилади. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг сони фермер хўжаликлари билан биргаликда олганда 73036 та бўлиб, уларга бириктирилиб берилган ерларнинг умумий майдони 20481,1 минг гектарни ташкил қилади[2].

Таъкидлаш жоизки, қабул қилинган ерга оид қатор қонунлар, қонуности меъёрий ҳужжатларида белгиланган меъёрлар ердан унумли фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади. Буларга Ер кодекси нормаларининг Фуқаролик кодекси талабларига мослаштирилганлиги, масалан: ерга эгалик қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтиши (22-модда), сервитут (30-модда), ерга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш (35-модда), ер участкаси (10-модда), биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкалари (21-модда), ер участкасини сақлаш вазифаси (29-модда), ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва мулкдорлар ҳуқуқларининг чекланиши (42-модда), оила (жамоа) пудрати (51-модда), фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини бериш (53-модда), деҳқон

[1]Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. - Б. 65-66.
[2] Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография, ва давлат кадастри давлат қўмитаси. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий Ҳисобот. –Т., 2013. – 5,8 б.

хўжалигини юритиш учун ер участкалари бериш (55-модда) кабиларни санаб кўрсатиш мумкин.

Шунга қарамай бугунги кунда ер участкалари, уларга бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини тасдиқловчи давлат ҳужжатлари, ушбу ҳужжатларни бериш тартиби, ерга участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асослари, тартиби, ушбу ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар, ер участкаларининг айрим тоифаларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқининг жорий этилиши муносабати билан ер процессуал нормаларига киритилиши лозим бўлган янгиликлар чуқур илмий назарий мушоҳада асосида ўрганилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, юридик ёки жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш билан боғлиқ муаммоларни илмий назарий жиҳатдан таҳлил қилишдан олдин ердан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчасини очиб бериш лозим. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчасига таъриф беришдан асосий мақсад ушбу ҳуқуқий институтнинг юридик табиатини очиб беришдан иборат бўлиб, келтириладиган таърифда ер участкаларини бериш тартиби, ердан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш тартиби, бу ерлардан фойдаланиш мақсади, уларни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи юридик нормалар мазмунан ўз ифодасини топиши лозим.

Шу сабабли биз юридик ва жисмоний шахсларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчасига қуйидагича таъриф берамиз: ердан фойдаланиш ҳуқуқи деганда, Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўрсатилган тартибда ва мақсадларда белгиланган муддат давомида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тасдиқланган ҳужжат асосида муайян ер участкасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, ижарага олиш, мулк ҳуқуқи асосида фойдаланиши тушунилади

Мамлакатимиз бозор муносабатларига тобора чуқур кириб бораётган бугунги кунда ердан фойдаланиш ҳуқуқи мазмунан бутунлай янгича аҳамият касб этмоқда. Айниқса, мустақиллик

йилларида ер участкаларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқи[1] белгиланганлиги, ер участкаларини кимошди савдоларида сотиб олиш тартибининг қонунан мустаҳкамланганлиги, ер участкаларига бўлган ашёвий ҳуқуқларни сотиш тартибининг жорий қилинганлиги, ердан фойдаланиш ҳуқуқининг бозор муносабатларига мос янгича шакллари вужудга келиб, уларни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор билан қаралаётганлиги ушбу ҳуқуқнинг юридик табиатига умуман янгича мазмунда ёндашишни талаб этади. Бунинг асосий сабабларини қуйидагиларда кўриш мумкин: биринчидан, мамлакатимизда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқларни маҳаллий ҳокимият органлари томонидан сотиш тартиби 1995 йилдаёқ жорий қилинганига қарамай ҳанузгача бу тартиб такомилга етказилгани йўқ. Яъни, шахс амалда ер участкаси мулкдори бўлгани ҳолда уни олди-сотди қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш, ҳадя қилиш билан боғлиқ юридик ҳаракатларни амалга оширишининг ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилмаган. Қолаверса, бу борада ер ва фуқаролик ҳуқуқи нормаларида бир бирига мос келмайдиган тафовутларни кўришимиз мумкин. Иккинчидан, фуқароларнинг якка тартибда, жамоа асосида ёки юридик шахс ташкил қилган ҳолда ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи ер ҳуқуқи назариясида бугунги кунда амалда бўлган нормалар доирасида амалиёт талаблари даражасида соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф қилиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилмаган. Учинчидан, ердан фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ нормалар шу пайтгача субъектларнинг ер участкаларидан қандай мақсадда фойдаланишига қараб (уй-жой қуриш, тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш ва ҳ.) таснифланмаган. Тўртинчидан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонунда белгиланган ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари ҳар доим ҳам уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини тўлалигича қамраб ололмаётганлиги.

[1] Ўзбекистон Республикасининг ер ва фуқаролик қонунчилигида “фуқароларнинг ер участкаларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқи” атамаси қўлланилмасада, уларнинг ерга бўлган мулк ҳуқуқи мазмунан хусусий мулк ҳуқуқини англатади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, давлатнинг иқтисодий салоҳияти, жамиятнинг моддий негизи ва фуқароларнинг фаровонлиги кўп жиҳатдан табиатнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган ерга нисбатан қонунийликни таъминлаш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни таъминлаш, ердан қонун талаблари асосида фойдаланиш, ер қонунчилигини бузилишига йўл қўймаслик, ер муносабатлари соҳасида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш каби вазифаларни ҳал қилишга боғлиқ бўлади.

Элдор Отамуродович Ҳамроев
Тошкент давлат юридик университети магистранти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИДА ДИПЛОМАТИК ВА УЛАРГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН БОШҚА ВАКОЛАТХОНАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида қатор хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа турли соҳаларда фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Табиийки, бу муносабатларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан дипломатик алоқаларнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизмларига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси пойтахтида 44 та элчихона, Бирлашган Араб Амирликларининг Бош консуллиги, Венгрия Республикаси, Бельгия Қироллиги, Россия Федерациясининг дипломатик мақомга эга савдо ваколатхоналари, Жанибий Африка Республикаси, Кипр Республикаси, Канада, Бельгия, Нидерландия, Испания қиролликлари сингари 9 та давлатнинг фахрий консуллари, шунингдек 10 та нуфузли халқаро

ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда[1]. Мазкур муассасалар, шунингдек дипломатик корпус вакиллари ҳамда уларнинг оила аъзоларини жойлаштириш учун зарур бўлган ер участкалари, бино ва иншоотларни ажратиб бериш улар фаолиятининг энг муҳим ташкилий кафолатлари ҳисобланади.

Дипломатия муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенциясининг 21-22-моддаларига мувофиқ, ваколатхона очиш учун ўз қонунчилиги асосида ер ажратиб бериш ёки бошқа йўл билан уни жойлаштиришга ёрдам кўрсатиш, шунингдек зарур ҳолларда ваколатхонага унинг ходимлари учун турар жой олишга ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг дахлсизлигини таъминлаш мажбурияти дипломатик муассаса жойлашган давлатга юклатилади[2].

Кўриниб турибдики, мазкур Конвенцияда ер, бино ва иншоотларни ажратиб бериш тартиби ҳар бир мамлакатнинг ички қонунчилиги билан тартибга солинишини белгиланган. Шу сабабли, ҳар бир мамлакатда бу масала миллий қонунчилик доирасида, мазкур Конвенция ҳамда ўзаро ҳамкорликка оид бошқа икки ёки кўп томонлама шартномалар асосида тартибга солинади.

Мамлакатимизда, гарчи мазкур масалага муайян даражада дахлдор бўлган Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1988 йил 13 сентябрдаги 325-сонли “Дипломатик ва бошқа чет эл ваколатхоналарига хизмат кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мавжуд бўлган бўлса-да, бу борадаги дастлабки ҳуқуқий нормалар 1990 йил 20 июнда қабул қилинган “Ер тўғрисида”ги Қонунда[3] белгиланди. Ўзбекистон бу пайтда ҳали ҳам собиқ Иттифоқ таркибида бўлганлиги, хорижий мамлакатлар билан мустақил алоқалар ўрнатиш имкониятига эга эмаслиги сабабли, мазкур Қонунда ҳам дипломатик муассасалар учун ер участкалари ажартилиши назарда тутилмаган эди. Фақатгина унинг 11-моддасида ер қўшма корхоналарга, халқаро бирлашмаларга ҳамда совет ва

[1]www.mfa.uz.
[2] Вена, 1961 й. 18 апрель. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 6 майдаги 1078- XII-сонли қарорига мувофиқ қўшилган.
[3] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 16-18-сон, 294-модда

ажнабий ҳуқуқий шахслар иштирокидаги ташкилотларга, шунингдек чет давлатларга, халқаро ташкилотларга, ажнабий юридик шахслар ва фуқароларга Ўзбекистон Олий Совети томонидан шартнома асосида узоқ муддатга, қоида тариқасида, камида 5 йилга ижарага берилиши мумкинлиги белгиланди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги эълон қилинди ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди[1]. Мазкур Қонуннинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикаси чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатади, улар билан мухтор вакиллар айирбошлайди, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиши мумкин", деб белгиланди ва мустақил ташқи сиёсат юритиш ҳақидаги қоидалар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топди. Ушбу Қонун қабул қилинганидан сўнг, тез фурсатлар ичида дунёнинг турли минтақаларидаги давлатлар, халқаро ташкилотлар билан фаол алоқалар ўрнатила бошланди, уларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси пойтахтида ўз ваколатхоналарини очиш истагини билдирдилар.

Бу борада вужудга келган, мамлакатимиз учун бирмунча янги бўлган муносабатларни тартиба солиш мақсадида, 1992 йил 11 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф-122-сонли "Тошкент шаҳрида чет эл дипломатик ваколатхоналари учун бинолар қуриш ва ажратиш, уларнинг фаолиятини зарур шароитлар билан таъминлаш тўғрисида"ги фармойиши қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида турли вазирлик ва идоралар балансида бўлган, шундай мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган объектларни қайта таъмирлаш ҳамда уларга ташкил этиладиган дипломатик муассасаларни шартнома асосида жойлаштириш амалиёти жорий этилди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда

1993 йил 25 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 247-сонли “Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ва уларга тенглаштирилган бошқа чет эл ваколатхоналарнинг фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Дипломатик ва уларга тенглаштирилган бошқа чет эл ваколатхоналарига хизмат ва уй-жой биноларини ижарага бериш ҳамда ҳисобга олиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом тасдиқланди. Мазкур вақтинчалик низомда дипваколатхоналар ва уларнинг ходимларини жойлаштириш учун ажратилган биноларни ижарага бериш ҳамда дипваколатхоналар ва уларнинг ходимлари томонидан алоҳида шахслардан биноларни ижарага олишда воситачилик ҳуқуқи Ташқи ишлар вазирлигининг Дипсервис хизматига берилди. Биноларни ижарага олиш учун дипваколатхоналар зарур бинонинг фойдаланиш мақсадини, майдонини, хоналар сонини, жойлашган ўрнини ва шарт-шароитларини кўрсатган ҳолда Дипсервис хизматига талабнома бериши, Дипсервис хизмати мазкур талабнома асосида ижарага бериш учун биноларнинг мавжуд вариантларини танлаши ва тақдим этиши, томонлар ўртасида ижара юзасидан келишувга эришилган тақдирда Дипсервис хизмати Тошкент шаҳар ҳокимлигини бундан хабардор қилиши, шунингдек доимий бино ажратилгунгача дипваколатхоналар Дипсервис хизмати томонидан маъмурий биноларга ва меҳмонхоналарга жойлаштирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур вақтинчалик низомни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида қатор вазирлик ва идоралар тасарруфидаги самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар заруратга қараб босқичма-босқич Тошкент шаҳар ҳокимлиги балансига ўтказилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 мартдаги 108-сон “Чет эл дипломатик ваколатхоналарини жойлаштириш учун маъмурий биноларни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ихтиёрига бериш тўғрисида”, 1993 йил 4 февралда 56-сон “Тошкент

ш. ҳокимияти тасарруфига хорижий дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш учун биноларни ўтказиш тўғрисида”, 1993 йил 16 ноябрда 555-сон “Чет эл дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш учун маъмурий биноларни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ихтиёрига бериш тўғрисида”, 1994 йил 2 ноябрда 547-сон “Бинолар ва иншоотлар мажмуини Тошкент шаҳар ҳокимлиги балансига ўтказиш тўғрисида”ги қарорлари мазкур вақтинчалик низомни амалга ошириш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқалар доираси тобора кенгайиб, бу борадаги муносабатлар ривожланиб борган сари, дипломатик ваколатхоналарга фақат бино ёки иншоотларгина эмас, шунингдек ер участкалари ҳам ажратиб бериш амалиётини жорий этиш зарурати пайдо бўлди. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 июлдаги 346-сон қарори билан Хорижий юридик ва жисмоний шахсларга, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга Тошкент шаҳрида ер участкаларини ижарага беришнинг вақтинчалик тартиби тасдиқланди.

Мазкур вақтинчалик тартибга кўра, ер участкасини ижарага олишни хоҳловчи хорижий юридик ва жисмоний шахслар Тошкент шаҳар ҳокимлигига буюртманома билан мурожаат қиладилар, дипломатик ва уларга тенглаштирилган хорижий ваколатхоналар эса қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг илтимосномасини тақдим этадилар. Буюртманомада ер участкасини ижарага олишнинг мақсади ва муддати, мўлжалланаётган қурилишнинг тури, ҳажми ва муддатлари, ер участкасининг талаб этиладиган майдони кўрсатилиши керак. Шундан сўнг Тошкент шаҳар ҳокимлиги ижарага ер участкаси бериш тўғрисидаги буюртманомани бир ой муддатда кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади. Ер участкалари чекланмаган муддатга ижарага берилади. Ижаранинг аниқ муддатлари шартнома билан белгиланади. Ижара тўлови миқдори ушбу вақтинчалик тартибга

илова қилинган жадвалдаги вақтинчалик ставкалар асосида белгиланади.

Ушбу ҳужжатда белгиланган тартибдан ташқари, икки томонлама шартномалар асосида дипломатик ваколатхоналарни жойлаштришнинг бошқача усулларидан ҳам фойдаланиш йўлга қўйилди. Масалан, 1995 йил 9 июлда Ўзбекистон ва Туркия Ҳукуматлари ўртасида Элчихоналарнинг кўчмас мулклари ва молиялари ҳақидаги Келишув имзоланди. Мазкур Келишувга мувофиқ, ҳар икки давлатнинг элчихоналарини ташкил этиш учун Томонларнинг ҳар бири тегишли равишда Анқара ва Тошкент шаҳарларида мутаносиб миқдорда ва шароитларда, бепул ҳамда муддатсиз ижара ҳуқуқи асосида бинолар ва улар жойлашган ҳудудни ажратиб беришга келишиб олдилар.

Маълумки, халқаро ҳуқуқда дипломатик ваколатхоналар жойлашган ҳудуднинг уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлишига мазкур ваколатхоналар дахлсизлигининг муҳим шарти сифатида қаралади. Шу сабабли, Ўзбекистонда ҳам дипломатик ваколатхоналар учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи асосида бериш амалиётини жорий этиш зарурати пайдо бўлди ҳамда 1995 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–1287-сон “Ўзбекистон Республикасидаги дипломатия ваколатхоналари ва халқаро ташкилотларнинг иш шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони[1] билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ваколатхоналарни, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини жойлаштиришда фойдаланиладиган биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг биноларини қуриш учун ер участкаларининг республикадаги дипломатия ваколатхоналари ва уларга

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 10-11-сон, 237-модда

тенглаштирилган халқаро ташкилотларга уларнинг ўз мулки қилиб сотишга рухсат берилди.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 231-I-сон Қонуни[1] билан "Ер тўғрисида"ги Қонунга қўшимча киритилиб, "Тошкент шаҳрининг ҳокимият органлари дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан, ваколатхона бошлиғининг қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк қилиб сотишлари ҳам мумкин", деб белгилаб қўйилди.

Мазкур ҳуқуқий механизм асосида 1997 йил 18 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 554-сон "Бинолар мажмуини ер майдонлари билан бирга Германия Федератив Республикаси Ҳукуматига унинг ўз мулки қилиб сотиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шартномадан тушган маблағлардан Германия Федератив Республикасининг Берлин шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонасига кўчмас мулк сотиб олиш учун фойдаланиш топширилди.

Шу тариқа мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда дипломатик ваколатхоналар учун бино ва иншоотларни, кейинчалик эса, ер участкаларини ҳам ажратиб бериш соҳасида тўпланган амалий тажриба, бу борадаги турли тарқоқ ҳуқуқий нормаларда ўз ифодасини топган тартиб 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида[2] ўз ифодасини топди. Кодекснинг 5-моддасида дипломатия ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш ваколати

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 69-модда
[2] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда

вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларига тегишли эканлиги, 18-моддасида эса, дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқи уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келиши белгилаб қўйилди.

Шундан кейин ҳам қатор давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарига ер участкалари мулк ҳуқуқи асосида тақдим этилди. Хусусан, 2002 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 338-сон “Миср Араб Республикасига элчихона қурилиши учун ер участкасини мулк қилиб сотиш тўғрисида”, 2006 йил 6 апрелда 58-сонли “Бинолар комплексини ер участкаси билан бирга Германия Федератив Республикасига мулк этиб сотиш тўғрисида”, 2008 йил 29 сентябрда 217-сон “Элчихона учун ижарага олинган ер участкасини Корея Республикаси мулки қилиб сотиш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. Мазкур қарорларда ер участкаларини сотиш тўғрисидаги шартномаларни тузиш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда амалга оширилиши белгиланди.

2001 йил 8 майда Вазирлар Маҳкамасининг 207-сон қарори[1] билан соҳага доир яна бир муҳим ҳужжат – Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари тўғрисида низом тасдиқланди. Ушбу Низомда дипломатик ваколатхоналарнинг мақоми, уларнинг дахлсизлиги, қўриқланишига доир муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинди. Дипломатик ваколатхоналар бошлиқлари, хизмат

[1] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 9-сон, 47-модда

кўрсатишнинг муайян турлари, шу жумладан бинони ижарага олиш учун тўловдан иборат солиқлар, йиғимлар ва божларни истисно қилган ҳолда, хусусий ёки ижарага олинган дипломатик ваколатхона биноларига нисбатан барча солиқлар, йиғимлар ва божлардан озод қилиниши белгилаб қўйилди.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатларни таҳлил қилан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси пойтахтида дипломатик ва уларга тенглаштирилган бошқа ваколатхоналарни жойлаштириш масалаларига доир қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси пойтахтида дипломатик ёки уларга тенглаштирилган бошқа ваколатхоналарни очиш тўғрисидаги қарор тегишли давлат ёки халқаро ташкилот билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида давлатлараро ёки ҳукуматлараро шартномаларни тузиш йўли билан қабул қилинади;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси пойтахтида дипломатик ёки уларга тенглаштирилган бошқа ваколатхоналарга ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш ваколати Тошкент шаҳар ҳокимлигига берилган;

учинчидан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан дипломатик ёки уларга тенглаштирилган бошқа ваколатхоналарга ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш ваколати бу ҳақда давлатлараро ёки ҳукуматлараро шартнома имзоланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ушбу шартномани ижро этишга қаратилган тегишли қарори қабул қилинганда амалга оширилади;

тўртинчидан, ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг олди-сотди шарномасида томонлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда тегишли ваколатхона ҳисобланса-да, мазкур муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи давлат бошқарув органи сифатида, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат

қўмитаси давлат мулкини бошқариш соҳасидаги давлат бошқарув органи сифатида, Молия вазирлиги эса, шартнома натижасида олинган маблағларнинг тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланиши ҳамда мақсадли йўналтирилиши учун масъул орган сифатида бевосита иштирок этади;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси пойтахтида дипломатик ва уларга тенглаштирилган бошқа ваколатхоналарни жойлаштиришнинг мавжуд тартиби Тошкент шаҳри Ўзбекистон Республикасининг пойтахти ҳисобланиши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг давлатлараро муносабатлар даражасида ҳам махсус ваколатларни амалга оширишидан далолат беради.

Зубайда Мирсодиқ қизи Муратова
Тошкент давлат юридик университети талабаси

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИНГ ГЛОБАЛ МУАММО СИФАТИДАГИ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният,
мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик
хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик,
қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга
маҳкум этиш билан баробардир.
И.А. Каримов[1]

Инсон ўз тарихий ривожланиши давомида доимо табиатга таъсирини ўтказиб, уни ўзига хизмат қилдиришга ҳаракат қилиб келган. Инсоннинг бундай фаол аралашуви, албатта, ўзининг натижасини бермай қолмасди. Одамзот ваҳшийларча, фақатгина ўз манфаатлари йўлида эксплуатация қилиб келган табиат эндиликда инсониятга қарши чиқмоқда. Умумжаҳон экологик инқироз кучаймоқда ва ўзининг негатив томонларини намоён этиб келмоқда.

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., 1999. – Б. 505.

Глобал экологик инқирознинг жадаллашуви бевосита демографик портлаш ҳамда инсонларнинг ўсиб бораётган моддий эҳтиёжларини қондириш зарурияти билан боғлиқдир. Зотан, ушбу жараёнлар хўжалик фаолияти кўламини кенгайтиришни талаб қилади, бу эса атроф табиий муҳитга антропоген таъсирнинг кучайишига сабаб бўлиши бегумондир. Бунинг натижаси ўлароқ, атроф табиий муҳитнинг бутун дунё миқёсида ифлосланиши, иқлимнинг глобал ўзгариши, стратосфера озонининг емирилиши, сайёрамиз табиий ресурсларининг камайиб кетиши, техноген ҳалокатлар сонининг ўсиши каби муаммолар янада кенг қулоч ёзиб бормоқда. 1990 йилда 49 та Нобель мукофоти совриндорлари иқлим ўзгаришини замонавий цивилизация омон қолишига хавф солувчи энг жиддий глобал таҳдид деб тан олишди[1]. Шунинг учун қуйида биз иқлим ўзгаришини атрофлича ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Яқин йилларгача инсонларнинг иқлимга таъсири ҳуқуқий тадқиқотларнинг предмети эмас эди. Бироқ ҳозирда бу муаммонинг кўлами кенгайиши туфайли уни регионал, минтақавий ва бутун дунё миқёсида тартибга солиниши ҳолатини батафсил белгилаш зарурияти туғилмоқда.

Биз бу мақоламизда иқлим ўзгариши сабаблари ёхуд тарихий босқичларини таҳлил этиб ўтирмайсиз. Балки биз энг муҳим жиҳатга эътиборни қаратамизки, иқлим ўзгариши нима учун бутун ҳалқаро ҳамжамиятда энг долзарб масалалардан бири эканлигини тушуниб етайлик ҳамда келгуси фаолиятимизни шуларни эътиборга олган ҳолда юргизайлик. Шу ўринда сўз юритилаётган энг муҳим жиҳат – иқлим ўзгаришининг салбий ҳуқуқий оқибатларининг таҳлили.

Авваламбор, таҳлил этаётган предметимиз доирасидаги айрим тушунчаларни таърифласак.

Иқлим тушунчасига таъриф берадиган бўлсак, бу тушунчага миллий қонунчилигимизда конкрет бир тавсиф келтирилмаган. Бироқ

[1] Лопатин В.Н., Муравых А.И., Грицевич И.Г. Глобальное изменение климата, проблемы и перспективы реализации Киотского протокола в Российской Федерации: Комплект учебных материалов по программе курса «Государственное управление природопользованием». – М.: РАГС, ЮНЕП, WWF. Россия, 2005. – 5 с.

биз умумий мазмундан ҳамда бошқа мамлакатлар қонунчилигида кўрсатилган таърифдан “иқлим” сўзини қуйидагича шарҳлашимиз мумкин, яъни иқлим (юнончадан “klima” деган сўздан олинган бўлиб, “қиялик” деган маънони англатади) – у ёки бу ҳудуддаги кўп йиллик об-ҳаво тартиби бўлиб, бу тартиб айнан ўша ердаги ўзига хос географик шароитлардан келиб чиқади. Иқлимий тизим (климатик система) эса бу атмосфера, гидросфера, биосфера ва геосфера ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги мажмуасидир.

Иқлим ўзгариши – атмосферада парник газлари ҳаддан ташқари кўп миқдорда тўпланиши натижасида дунё миқёсидаги барқарор иқлим жараёнларининг ўзгариши.

Иқлим ўзгариши ҳароратнинг ўзгариши (ҳарорат ўсиши ҳозирда бутун оламда кузатилмоқда), атмосфера ёғингарчилигининг нотекис тақсимланиши, сув ресурслари тақчиллигининг кучайиши, ҳарорат ўзгаргани учун одамларнинг саломатлиги билан боғлиқ муаммолар, саҳролашиш жараёнининг кучайиши, биологик хилма-хилликка путур етиши эҳтимоли мавжудлиги, буғхона газлари (БГ ёки парник газлари) ташламалари каби салбий ҳодисаларни ўзи билан бирга олиб келади. Жумладан, иқлим ўзгариши туфайли ҳароратнинг ўзгариши, ўз навбатида, музликларнинг фаол эришига, Ер сайёрасининг ўртача ҳароратининг бирмунча кўтарилишига олиб келмоқда. Шубҳамиз йўқки, шу ва бошқа ҳолатларни ижобий деб баҳолаб бўлмайди.

“Иқлим ўзгариши бўйича экспертлар огоҳлантиради: 2100 йилга келиб, Антарктида ва Гренландия музликларининг фаол эриши туфайли жаҳон океани сатҳи 18-59 сантиметрга кўпайиши мумкин, бу баъзи орол давлатлари ва соҳилбўйи шаҳарларининг ҳалокатли сув остида қолишига олиб келиши мумкин”, − деб “Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит холати ва табиий манбалардан фойдаланиш тўғрисида”ги Миллий маърузада[1] кўрсатилади.

Ҳозирда глобал исиш жараёни хусусида кўп гапирилмоқда. Шунинг учун ҳаммага маълумки, бу глобал исишнинг боиси

[1] uznature.uz›sites/default/files/imce/maruza.pdf

антропоген иссиқхона эффектининг ортишидадир. Антропоген иссиқхона эффекти ортишининг асосий сабабларидан бири ишлаб чиқариш, маҳсулотлар ва хизматлар истеъмоли ҳамда катта энергия истеъмол қилувчи иқтисодиётнинг кескин ўсишидир. Ҳозирданоқ мазкур муаммоларнинг олди олинмас экан, қутб музларининг жадал эриши, океан оқимларининг ўзгариши, иқлим минтақалари алмашинуви билан боғлиқ кўпгина офатлар рўй бериши мумкин.

Метеорологик кузатувларга кўра, Ўзбекистонда ҳаво ҳароратининг ўртача йиллик қиймати сўнгги 100 йил ичида 1,5°С га кўтарилган ва бу тенденция яқин йилларда ҳам сақланиб туради. Мутахассисларнинг фикрича, глобал иқлим ўзгариши нафақат ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, шу билан бирга қурғоқчилик, фаслларнинг меъёрдан ошиқ иссиқ ёки совуқ келиши, кучли ёғингарчиликлар, сел тошқинлари кўпайишига олиб келади[1].

Бу исиш жараёнига таъсир этган иссиқхона эффектининг асосий сабабларидан бири парник газлари тўпланиб кўпайишидадир. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, 1750-2005 йилларида атмосферага чиқарилган жами парник газларининг 80% и ривожланган мамлакатлар улушига тўғри келади[2].

Парник газлари концентрациясини бир маромида ва турғун ҳолатда ушлаб туриш ҳамда иқлимий тизимга хавфли антропоген таъсирни олдини олиш мақсадида 1992 йил Иқлим ўзгариши бўйича БМТ Доиравий Конвенцияси имзоланди. 1997 йил 11 декабрда бу Конвенцияга қўшимча равишда Киото Баённомаси ҳам қабул қилинди.

Шуни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси 1993 йил Иқлим ўзгариши бўйича БМТ Доиравий Конвенциясини, 1998 йил ноябрь ойида Киото Баённомасини имзолади, 1999 йил 20 августда эса ратификация қилди.

Киото Баённомаси иқтисодий тартибга солиш механизмга асосланган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга доир биринчи

[1] http://www.bil.uz/index.php?option=com_content&view=category&layout=blog&id=6&Itemid=3
[2] http://www.politex.info/content/view/733/30/

глобал келишув бўлди, яъни ушбу Баённомада парник газлари ташламалари квоталарининг халқаро савдоси тартиби ўз ифодасини топди. Бу ҳужжатда кўрсатилишича, 2008 йилдан 2012 йилгача бўлган мудддат давомида жами атмосферага ташланадиган углерод икки оксиди, метан ва бошқа саноат газлари умумий миқдори 1990 йилдаги кўрсатилган миқдордан 5,2% кам бўлиши стратегик вазифаси кўрсатилди. 2012 йилдан кейинги ҳолат эса тарафларнинг ўзаро келишувлари билан белгиланадиган бўлди. Ҳозирги пайтда бу Баённома 181 та мамлакат томонидан ратификация қилинган. Бироқ АҚШ бу Киото Баённомасида қатнашишни рад этиб, иқлимни сақлаб қолиш парник газлари ташламаларини қисқартириш билан эмас, балки замонавий технологияларни ривожлантириш билан амалга оширилиши зарур деб ҳисоблади[1].

Иқлим ўзгариши нафақат экологик ва иқтисодий жиҳатдан ўрганилиши керак, балки инсон ҳуқуқлари соҳасига ҳам таъсири юқори эканлигини инобатга олиш даркор. Иқлим ўзгаришининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги оқибатлари жумласига, масалан, одамларнинг ноқулай муҳитга айланиб қолган ҳудудлардан “экологик миграция”га бўлган ҳуқуқини, иқлим ўзгариши туфайли инсонларнинг яшаш ҳуқуқи, саломатлиги, турар жойга эга бўлиш, овқат, хавфсиз ичимлик сувига бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш ҳам зарурдир. Фикримизча, иқлим ўзгаришлари кескин тус олиб қолган тақдирда келиб чиқиши мумкин бўлган низолар, келишмовчиликлар ўчоқларини олдини олиш ҳозирдан ўйлаб қўйилиши керак. Шу ўринда “иқлимий адолатсизлик”дан ҳам ҳимояланиш ҳуқуқи таъминланиши кўзда тутилиши лозимдир, яъни, маълумки, экологик инқирознинг асосий сабабчилари ривожланган давлатлардир, аммо бу инқирознинг асосий юки географик жойлашуви ноқулай бўлган, ривожланмаган давлатларга тушмоқда. Шунинг учун ҳам ривожланган давлатлар доимий равишда экологик офат ва

[1] Снегирев Ф.Ф. О Некоторых аспектах международно-правового регулирования экологических проблем Украины. Ученые записки Таврического национального университета им. В. И. Вернадского Серия «Юридические науки». Том 24 (63). № 1. 2011 г. – С. 151–155.

инқирозларни бартараф этиш бўйича кичик ва ривожланмаган мамлакатларга ёрдамларини аямай келишлари ва бу фаолиятларини янада кучайтиришлари зарурдир. Бу борада эндигина халқаро ҳамжамиятда тегишли келишувларга эришилиши кузатилмоқда.

Демак, иқлим ўзгариши халқаро майдондаги энг муҳим муаммолар сирасига кирар экан, бу соҳага оид тегишли келишув ва битимлар иқлим ўзгаришини бартараф этиш, парник газлари (буғхона газлари) ташламаларини камайтириш, ўрмонлар кесилиши кўламини қисқартириш, олди олиниши мумкин бўлмаган иқлим ўзгаришларига мослашиш (адаптация) йўлида иқтисодий ва бошқа кўринишдаги ёрдам кўрсатишни ўзида мужассамлаштирмоқда. Айниқса, иқлим ўзгаришларига мослашиш жараёни бўйича кўплаб чораларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш ҳаётий заруратга айланди. Иқлим ўзгаришларига мослашишни енгиллаштириш борасида халқаро миқёсда ҳам, минтақавий ва регионал доирада ҳам тегишли ҳуқуқий тартибга солиш механизмини яратиш ишлари кенг амалга оширилмоқда. Жумладан, бунга сув русурсларидан тежамкор фойдаланишни ташкил этиш; келажакда юз бериши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларга мувофиқ равишда қурилиш стандартларини янгилаш; сув тошқинларига қарши ҳимоя усулларни ишлаб чиқиш; ўсиб бораётган денгизлар сатҳига монанд равишда дамбаларни катталаштириш; қурғоқчиликка чидамли экинларни яратиш; ўрмон хўжалигини қайтадан кўриб чиқиш ҳамда бўрон ва ёнғинларга чидамли ўрмон турларини саралаб олиш ва бу ҳаракатларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишни киритишимиз мумкин.

Иқлим ўзгариши бўйича БМТ Доиравий Конвенциясини имзолаган аъзо давлатлар адаптацион лойиҳаларни молиялаштириш учун бир қанча манбаларни яратишди. Улар қаторида – Глобал экологик фонд (ГЭФ) ҳамда учта махсус жамғармалар: Энг паст ривожланган давлатлар учун фонд, Иқлим ўзгаришига қарши кураш учун махсус фонд ва Киот Баённомасининг адаптацион фонди[1].

[1]http://uchebnik-besplatno.com/uchebnik-mejdunarodnie-otnosheniya/adaptatsiya-klimaticheskim-izmeneniyam. html

Ўзбекистон Республикасида ҳам иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда иқлим ўзгариши энг кўп таъсир этиши мумкин бўлган соҳалар – бу сув ресурлари, қишлоқ хўжалиги, аҳоли саломатлиги, биологик хилма-хиллик ва экотизимлардир[1]. Кўрсатилган ушбу соҳаларнинг ҳар бири бўйича Ўзбекистонда, назаримда, иқлим ўзгаришига мослашишни ташкиллаштириш учун алоҳида, мукаммал ҳуқуқий тартибга солиш механизми ишлаб чиқилиши зарурдир. Жумладан, сув ресурслари бўйича сув муносабатларини батафсил тартибга соладиган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий режимлар жорий этилиши бу борадаги эътиборли қадам бўлар эди. Сувнинг миқдори ва сифатининг ҳисоби юритилиши керакки, келажакда юз бериши мумкин бўлган қурғоқчилик оқибатида сув ресурсларимиз давлатимизда камайиб кетмасин. Шунингдек сувни сақлаш технологияларини йўлга қўйиш, сувдан фойдаланишнинг ноодатий ва тежамкор усулларини жорий этиш, ирригацион ва дренаж тизимларини такомиллаштириш, аҳолини сувни тежашга чақириш ҳам иқлим ўзгаришига мослашишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу ўринда биргина томчилаб суғориш ишларини мисол қилиб оладиган бўлсак, ҳозирда ҳукуматимиз бу усулни кенг йўлга қўймоқда: тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда, бу технологияни жорий этган деҳқонларга анчагина солиқ имтиёзлари белгиланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида юқорида санаб ўтилганлар билан биргаликда қўшимча яна айрим тадбирларни амалга ошириш ҳам изсиз кетмайди. Шу тадбирлар жумласига аҳолини ер ва сувдан тежамли фойдаланишларига чақириш, шўр ерга ва қурғоқчиликка чидамли бўла оладиган қишлоқ хўжалиги экинларини яратиш, режали тартибда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқиш, алмашлаб экиш тизимини кенг қўллашни ташкиллаштириш киради.

[1] http://www.myshared.ru/slide/210908/

Аҳоли саломатлиги соҳасида эса шуни таъкидлаш лозимки, энг муҳими, Оролбўйи ҳудудига нисбатан яқинроқ яшаётган аҳолининг саломатлигига алоҳида эътибор қаратиш ва керакли ресурсларни жалб этиш зарурдир. Шунингдек, атмосфера ҳавосини ифлосланиши даражасининг юқорилаб кетишига йўл қўмаслик, аҳоли саломатлиги профилактикасини, айниқса, критик ҳудудларда муттасил олиб бориш, тиббиёт ходимларининг малакаларини юқори даражада ўстириш ҳам лозим. Бу тадбирлардан ташқари яна кўплаб халқаро тажриба ва синовидан ўтган чора-тадбирлардан доимий равишда хабардор бўла туриб, уларни ўзимизнинг мамлакатда қўллаб турсакгина, халқимиз иқлим ўзгаришига яхши мослашган бўлади. Бу эса иқлим ўзгаришининг салбий таъсирларини минималлаштиришимизга бевосита ёрдам беради.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, иқлим шароитининг ўзгариши антропоген таъсирларининг оқибати экан, ҳар бир инсон бу жараён учун ўз жавобгарлигини ҳис этиши керак. Бутун инсоният биргалашиб ҳаракат қилгани тақдирдагина иқлим ўзгаришини бартараф этишимиз, келажак авлодга она табиатимизни омон ҳолда етказиб беришимиз мумкиндир. Шунинг учун бу ҳаракат йўлида кучимизни, ғайратимизни аямаслигимиз ва бутун қобилиятимизни ишга солишимиз даркордир.

“Ўзбекистон Республикаси экологик қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция якунлари бўйича ишлаб чиқилган

Т А В С И Я Л А Р

2013 йил 18 декабр

Тошкент

“Ўзбекистон Республикаси экологик қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция иштирокчилари томонидан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, муқобил энергия турларидан фойдаланишни ривожлантириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, экология соҳасидаги хорижий давлатлар тажрибаси, атроф муҳитга бўлган антропоген таъсир кабилар билан боғлиқ илмий ва амалий муаммолар муҳокама қилингач қуйидаги хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги миллий қонунчилик базаси табиатга нисбатан хатарли таъсир даражасини пасайишига ва қулай атроф табиий муҳитни таъминлашни миллий тизими самарасини оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

2. Экологик қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштириш янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, экологик тушунчалар ва терминларни такомиллаштириш ва қонунийлаштириш масаласига умумий услубий ёндошувни аниқлашни талаб этиб, барча манфаатдор томонларни: кенг жамоатчилик, давлат бошқаруви органлари, хусусий сектор вакиллари, соҳа мутахассислари ва илмий йўналишда фаолият олиб борувчи ходимлар иштирокини кўзда тутади.

3. Атроф муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш ниҳоятда муҳим бўлиб, бундай тарғибот ишларига нодавлат нотижорат

ташкилотлари, давлат бошқаруви органлари, хусусий сектор вакилларини жалб қилиш, улар иштирокида семинарлар, давра суҳбатлари, илмий-амалий конференциялар шаклидаги форумлар ўтказиш, шунингдек бевосита соҳага оид қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган шахслар билан жамоатчиликнинг алоқасини мустаҳкамлашга қаратилган турли тадбирларни ташкиллаштиришни қўллаб қувватлаш мақсадга мувофиқ.

4. Конференция иштирокчиларини атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган қонунчиликни ривожлантиришга қаратилган таклифларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий маънавий-маърифий соҳаларни қамраб олган Ўзбекистон Республикасининг экологик хавсизлик миллий Концепциясини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишга жалб қилиш.

5. Атроф табиий муҳит муҳофазасига оид ахборотларни алмашиш, соҳага оид ахборот коммуникацион технологияларини жорий қилиш, қонунчилик асосларини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган тарғибот ишлари кўламини кенгайтириш зарур деб топилди.

6. Атроф табиий муҳитга антропоген таъсир билан боғлиқ ҳолатларни комплекс равишда тадқиқ қилиш мақсадида хорижий тажриба ва илмий асосланган чора-тадбирлар тизимини ўрганиш зарур.

7. Атроф табиий муҳит муҳофазаси билан боғлиқ соҳада, шу жумладан юридик соҳада малакали кадрларни тайёрлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу йўналишда ўзига хос тажриба ва малакали ходимлар таркибига эга бўлган мамлакатимизнинг етакчи олий таълим муассасалари иштирокида

махсус таълим дастурларини ривожлантириш ва уларни илмий, ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

8. “Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалиги ерлари ижараси тўғрисида”ги, “Муқобил энергиядан фойдаланиш тўғрисида”ги янги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қулай атроф табиий муҳитни таъминлаш тамойилини амалга оширадиган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, шунингдек, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунларга ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар” бобига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Ушбу таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига юбориш тавсия этилади.

Ўтказилган ушбу Илмий-амалий конференция натижасида ишлаб чиқилган тавсияларни амалга оширишда тегишли давлат бошқарув органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва кенг жамоатчилик фаол иштирок этади, ва шу йўл билан атроф табиий муҳофазасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади дея ишонч билдирамиз.

МУНДАРИЖА

Кириш 3
Б.Алихонов. Ўзбекистон Республикаси экологик қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш фаолиятининг асосий йўналишлари 7
У.Б.Бозоров. Жамиятимизнинг ҳуқуқий пойдевори. 15
С.Жакбаров. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари..... 21
Ў.Отақулов. Экологик қонунчиликни такомиллаштиришнинг баъзи масалалари 29
Р.А.Икрамов. Фуқароларнинг қулай табиий атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари..... 33
Й.О.Жўраев. Ўзбекистонда экология қонунчилигини такомиллаштири шнинг ҳуқуқий-назарий ва амалий масалалари 41
Ж.Т.Холмўминов. Экология кодексини қабул қилиш – давр талаби 48
М.Б.Усмонов. Экологик хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш барқарор ривожланишнинг омили сифатида 61
О.Оқюлов. Инновацияни ҳуқуқий тартибга солишда экологик меъёрлардан фойдаланиш масалалари..... 69
Ш.Х.Файзиев. Законодательные основы экологической политики государства: система, классификация и проблемы кодификации..... 76
Х.М.Толипов. Республикамиздаги экологик аҳволни яхшилашда ўрмонларнинг аҳамияти ва экологик ҳуқуқни такомиллаштириш масалалари тўғрисида 84
Ш.Н.Рузиназаров. Правовые основы кооперативного предпринимательского объединения в сельском хозяйстве 89
Е.А.Абанина. Развитие экологического законодательства Республики Узбекистан и Российской Федерации в целях перехода к устойчивому развитию 101

Е.А.Высторобец. Конвенционное интерэкоправо и частные договоры: дихотомия или гармония 110
Д.М.Умаров. Вопросы совершенствования Закона Республики Узбекистан «Об охраняемых природных территориях» 120
Н.К.Скрипников. О роли понятийного аппарата в совершенствовании экологического законодательства Республики Узбекистан..... 130
М.Р.Мирзаабдуллаева. Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқини ривожланиши 138
Д.А.Агапов Стратегическая экологическая оценка воздействия на окружающую среду 142
М.А.Ҳамидова. Экологик-ҳуқуқий маданият – конституциявий бурчлар кафолати 150
Е.А.Тарасова К вопросу о развитии воздухоохранного законодательства Российской Федерации и
Республики Узбекистан 156
Ш.О.Бобоқулов. Мустақиллик йилларида ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид қонунчиликнинг ривожланиши 164
О.Ю.Ганюхина. Экологический контроль – основа управления природными ресурсами в Республике Узбекистан и Российской Федерации 173
О.Х.Нарзуллаев. Барқарор ривожланишда янги экологик муносабатлар ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш..... 181
Ю.В.Сорокина Правовое регулирование охоты в Республике Узбекистан и Российской Федерации 191
Г.Ш.Узакова. Ўзбекистон Республикасида захира ерларнинг ҳуқуқий ҳолати 199
М.А.Ермолина. Концепция устойчивого развития в международном праве и политике в новом тысячелетии 208
Д.Н.Махкамов. Ўсимлик дунёсига оид қонунчиликка назар: таклиф ва мулоҳаза 211
Ш.М.Масадиков. Государственно-частное партнёрство в области улучшения окружающей среды 217

Б.Х.Мамадалиев. Атроф муҳитга тааллуқли қарорлар қабул қилиш жараёнларида фуқаролар иштирокининг конституциявий асослари 230
Э.Р.Курбонов. Қишлоқ хўжалиги ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳуқуқий таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва принциплари 239
Р.С.Тошбоева. Глобаллашув ва экологик қонунчиликни такомиллаштириш 247
Ф.Қ.Мамадов. Балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланишни такомиллаштириш масалалари 255
O.A.Ostonov, Z.K.Ashirboyeva. Ekologik siyosatning huquqiy asoslari 259
Ю.Ю.Тохтаева, Ў.Н.Раимжонова. Атроф-муҳит муҳофазаси экалогик барқарорликни таъминлайди 266
Н.А.Жўраева. Табиий ресурслар тўғрисидаги қонунчиликда принцип-нормаларининг ифодаланиши 271
Ж.А.Суванкулов. Фуқаролар йиғинларининг “табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланилишини назорат қилиш комиссияси” ни тузишнинг ҳуқуқий масалалари 275
М.И.Содиқова. Алоҳида муҳофаза этиладиган ўсимлик ва ҳайвонот турлари ҳуқуқий мақоми хусусиятлари 280
Э.О.Атаев. Атроф табиий муҳит ва экологик назорат объектлари..283
Т.Р.Раҳмонов. Экологик тўловларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсади ва вазифалари 291
О.Х.Нарзуллаев, А.Г.Ҳасанов. Ҳайвонот дунёсига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш 298
Э.Х.Шерматов. Табиатдан фойдаланишда лицензия ва унинг илмий-ҳуқуқий моҳияти 305
Ш.Ж.Холмўминов. Экологик хавфсизликни ҳуқуқий таъминлашнинг ривожланиш босқичлари 308
А.Н.Хатамов. Ўзбекистон республикаси ер қонунчигида ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тушунчаси ва турлари 316

Э.О.Ҳамроев. Ўзбекистон Республикаси пойтахтида дипломатик ва уларга тенглаштирилган бошқа ваколатхоналарни жойлаштиришнинг айрим масалалари 322
З.М.Муратова. Иқлим ўзгаришининг глобал муаммо сифатидаги салбий оқибатлари 331
Конференция якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар 339

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИК ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари

Муҳаррир: ***Н.Ниязова, Ш.Исматова.***
Техник муҳаррир: ***Ю.Садыкова.***
Компьютерда саҳифаловчи: ***Ю.Садыкова.***

Босишга рухсат этилди: 07.05.2014.
Ҳажми: 21,7 б.т. Адади: 100. Буюртма: № 04.
ТДЮУ “Тезкор нашр” кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.